

Муассислар:
**Ўзбекистон Ёзувчилар ўюшмаси,
“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати**

1982 йилдан чиқа бошлаган.

Таҳрир ҳайъати:
**Муҳаммад АЛИ
Иқбол МИРЗО
Сирохиддин САЙИД
Үрзобой АБДУРАҲМОНОВ
Фаррух ЖАББОРОВ**

Жамоатчилик кенгаши:
**Қаҳрамон ҚУРОНБОЕВ
Баҳодир ФАНИЕВ
Одилжон ТАДЖИЕВ
Азамат УМАРОВ
Аҳмад ОТАБОЕВ
Шуҳрат СИРОЖИДИНОВ
Серобиддин ИСМОИЛОВ**

Бош мухаррир:
Нодир ЖОНУЗОҚ

Бош мухаррир ўринбосари:
Нурилла ЧОРИ

Масъул котиб:
Ориф ТОЛИБ

Масъул мухаррир:
Элёр МУРОД

Мухаррир:
Фиёсiddин ЎНАРОВ

Бадиий мухаррirlар:
**Акбарали МАМАСОЛИЕВ
Раҳматжон ЮНУСОВ**

Фотограф:
Рустам НАЗАРМАТ

Манзилимиз:
Тошкент шаҳри,

Ислом Каримов кўчаси, 16-“а” уй.
E-mail: yoshlirk-jurnali@umail.uz
www.yoshlirkjurnali.uz
Тел/факс: (0371) 227-0-227,
245-0-552

Навбатчи мухаррир: Ф.Жабборов
Босишига 27.06.2017 йилда руҳсат берилди.
Кофоз формати 60x84 1/8.

Нашриёт ҳисоб тобоги 8,7. Индекс 822.
ISSN 0207-9137. Журнал 2007 йил 4 майда
Ўзбекистон Матбуот ва аҳборот агентлиги
томонидан № 0253 раками билан рўйхатга
олинган.

Журналдан кўчириб босилганда
“YOSHLIK”дан олинди” деб изоҳланishi шарт.
“SILVER STAR PRINT” МЧЖ
босмахонасида чоп этилди.
Буюртма № 46. Адади 4700 дона.
Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 22-мавзе, 17-үй.

Истеъдод йўли

Устоз-шогирдлик.

Ҳам меҳр, ҳам маҳорат ришталарини боғлайдиган қутлуғ анъана. Ҳар бир ишда авлодлар давомийлигини таъминлайдиган, соҳанинг бор ютуқларини келажак сари элтувчи кўприк.

“Устоз отангдан улуг” дейилади халқ нақлида, энди уни “отангдай” деб тўғриламоқчи бўляпмиз, аслида мақол муболағаси билан гўзал, қолаверса, оталар ҳам таълим-тарбия берувчи устозларнинг ўзларидан баланд қўйилишига қарши эмас. Ахир, фарзандини устоз қўлига топшираётib: “Эти – сизники, суяги – бизники”, деган ҳам уларнинг ўзлари.

Устоз мавқенини баланд олган, уларни улуғлаган мақолуу нақлларимиз талайгина.

Устоз-шогирдлик. Бу эзгу ҳамкорлик ҳар соҳада ўзига хос кечади. Жумладан, адабиётда устоз-шогирд муносабатлари ниҳоятда нозик, кўз илгамас ҳолда рўй беради.

Ёш қаламкаш ўзига руҳан яқин бўлган тажрибали адабнинг этагини тутади, аммо у ёзётган чоғида, бошида устози туриб олиб, қандай қоғия тизишу қандай жумла тузишни кўрсатиб турмайди – сўз аҳлининг иши наққошу заргарницидан ҳам нозикроқ; ёлғиз ҳолда, махфий равища содир бўлади.

Бошқа бир ёш шоир эса умрида бирор марта учрашмаган, ҳатто бу дунёдан қачонлардир ўтиб кетган ижодкорни ўзига устоз деб билади. Унинг асарларини ўқиб, қандай ёзиш ва қандай яшаш кераклигини ўрганади.

Адабиётда устоз шогирдига қилиши мумкин бўлган энг катта яхшилик – эътибор, яъни ёш қалбнинг очилишига, ўзини намоён қилишига ёрдам бериш, уни маънан қўллаб-куватлашдир. Агар чинакам истеъдод бўлса, унинг тийнатидаги миттигина чўғ устозлар эътибори туфайли гуриллаб, кўзни қамаштирадиган катта ёлқинга айланади.

Истеъдод эгаларига ёрдам бериш керак, истеъдодсизлар эса ўз йўлини топиб кетади, деган гап – қанчалик ғалати туюлмасин – тўғри. Истеъдодсиз ўзини минг кўчага уриши мумкин, аммо истеъдодлининг ўли битта – ҳеч нарсага чалғимасдан, ўз қобилиятини юзага чиқариш. Чалғимаслик учун эса, шубҳасиз, фидойи устознинг ғамхўрлиги, қўллаб-куватлаши зарур.

Ўзбекистон Ёзувчилар ўюшмаси ва “Ижод” жамоат фонди томонидан ёш ижодкорларнинг илк тўпламлари чоп этилаётгани бежиз эмас. “Истеъдод мактаби” анъанавий семинари ҳам истеъдодли ёш қаламкашларни тарбиялашда мухим аҳамиятга эга бўлгапти.

Бу йилги семинар 5-7 июль кунлари Зомин туманининг сўлим “Ўриклисой” оромгоҳида ўтади. Бу адабиёт байрамининг каттаю кичик ижодкорлар учун бирдай фойдали бўлишига шубҳамиз йўқ. Энг мухими, устозлар ўзларига муносиб шогирд, шогирдлар ўзларига меҳрибон устоз топади, деб ишонамиз.

Устозларга ҳам, шогирдларга ҳам янги танишувлар муборак бўлсин!

МУНДАРИЖА



25




17




44



53



64



№ 6 (313), 2017 й.

Фото: Абдуғани ЖУМА,
“Үриклисой” манзараси**МУНОСАБАТ**

- 5** Улугбек Узоқов
Истеъдодлар мактаби
6 Рустам Мусурмон
Салом, Зомин тофлари!
НАЗМ
10 Фахриёр
Құш тилида айтилған бу сир...
28 Файрат Мажид
Яйраб үйнанғ құшиғимга, куйимга
48 Зоҳиджон Олов
Йўқдир муҳаббатдан буюкроқ
қудрат

ТААССУРОТ

- 13** Бунда булбул китоб ўқыйди
ШУКУХ
16 Маҳмуд Тоир
Зомин ёшлари
43 Азим Суюн
Зоминтоғда
НИГОҲ
17 Рангин лаҳзалар
ЭСИМДА...
20 Хотира уйғонса, гўзалдир
ЭЪТИРОФ
Собир Ўнар
25 Зоминдан ёзувчиликкача...
НАСР
30 Ҳабиб Абдуназар
Ҳужра
53 Шоҳруҳ Сайдов
Қўшни

ҚЎЛЁЗМА

- 36** Рауф Парфи
Бутун кеча ўйчан ва сокин
ЭССЕ
37 Усмон Азим
Жўрабек Рамазон
ЭЛ ҲАЗИНАСИ
44 Зоминнинг кўркам сўzlари
ТАВСИЯ
46 Толстойни таъсирлантирган
китоблар
ТАДҚИҚОТ
50 Лайло Шарипова
“Ҳикмат излаганга ҳикматдир
дунё”
САБОҚ
Ҳейнрих Ҳейне
Меҳр гўзалликдан устундир
ЖАҲОН ҲИКОЯСИ
62 Алгирдас Потсюс
Меҳмон
АНА ШУНАҚА

Ёш ижодкорларнинг мустақил Ватан адабиётига Жиззах диёридан қўяётган қадамлари қутлуғ бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ

(1997 йил, Зомин семинари)

Бу боғлар бир боғлар бўлди

Жиззах вилоятида мамлакатимизнинг энг нуфузли адабий анжуманларидан бири – Республика ёш ижодкорларининг Зомин семинари ўз ишини бошламоқда. Бу бежиз эмас. Бу диёр фақат ўзининг гўзал ва мафтункор табиати билан гина эмас, Ватанимизни юксак даражада тараёнум этган бетакрор шоирлари, ёзувчилари билан ҳам донг таратган.

“Жиззах деганда, аввало Зарафшон воҳасида жойлашган, ўзининг гўзал ва бетакрор табиати, қадимий тарихи, сервиқор тоғлари, бегоён дашту далалари, энг муҳими, оққўнгил, ориятли ва меҳнаткаш инсонлари билан одамни ўзига мафтун этадиган бир диёр кўз ўнгингизда намоён бўлади, – деб ёзади Президентимиз “Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз” номли китобида ва Ватан табиатини тасвирлашда ижодкор маҳоратининг аҳамияти ҳақидаги сўзини шундай давом эттиради. – Бу заминдаги Зомин миллий боғи, Бахмал, Жиззах ва Фориш тоғларидаги ям-яшил арчазорлар, сой ва булоқлар, Арнасой, Айдарқўл, Тузкон кўллари атрофидаги табиат мўъжизаларини тасвирлаш учун одам, албатта, ё зўр шоир, ё зўр рассом бўлиши керак”.

Бугун юртимизда адабиётнинг ривожланишига катта эътибор қаратилмоқда.



Муҳаммад АЛИ

Ёзувчилар уюшмаси раиси,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Президентимизнинг 18 апреддаги “Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллый боғи ҳудудида Адиблар хиёбонини барпо этиши тўғрисида”ги ҳамда “Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги қарорлари, шунингдек, Юртбошимиз фармонига биноан Ўзбекистон ҳалқ шоири Ҳалима Худойбердиеванинг “Эл-юрг ҳурмати” ордени билан мукофотланиши адабиётимизга кўрсатилаётган юксак эътибор намуналари бўлди.

Жиззах вилоятининг Зомин туманида Республика ёш ижодкорлари семинарининг ўтказилаётгани муҳтарам Президентимизнинг адабиётга кўрсатаётган яна бир ғамхўрлиги сифатида барчамизни мамнун этади.

Зоро, бу семинар илк бор 1997 йил июль ойи бошларида муҳтарам Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг ташаббуси билан Жиззах вилоятининг Зомин туманидаги Ўриклисой масканида ташкил этилган эди. Мазкур семинар шундан сўнг ёш ижодкорларни тарбиялаб вояга етказадиган истеъдод мактаби сифатида эътироф этилди, уни Ватанимизнинг мустақиллик байрами арафасида ҳар йили ўтказиш анъанага айланди.

Семинар иштирокчилари орасидан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари, “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими” фахрий унвони билан тақдирланган ижодкорлар, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совиндорлари етишиб чиқди.

Ёзувчилар уюшмаси, “Ижод” жамоат фонди ҳомийлигида ёш ижодкорларнинг 56 номдаги

биринчи китоблари, ёш драматургларнинг “Жозиба” номли жамоа тўплами, ёш таржи-мөнларнинг “Баҳор булбулларининг чаҳ-чаҳи” тўплами ҳамда 64 нафар ёш шоирнинг шеърлари жамланган “Биз истиқлол фарзандларимиз” номли ёшлар баёзи нашр этилди. Куни кеча “Биринчи китобим” лойиҳасида ёш ижодкорларнинг яна 19 номдаги китоблари дунё юзини кўрди.

“Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да ўтказилаётган ёш ижодкорларнинг Республика Зомин семинарида Қорақалғосистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 60 нафар ёш ижодкор иштирок этмоқда.

Ўзбекистон ҳалқ шоирлари, вилоятларда яшаб ижод қилаётган атоқли адиблар ёш ижодкорларнинг кўлэзмаларини ўқиб, уларга керакли маслаҳатлар беришади.


Семинарнинг юксак даражада ўтказилиши ва самарали натижаларга эришиш учун Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Халқ таълими вазирлиги, “Католот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ва Жиззах вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигига маҳсус чора-тадбирлар белгиланган.

“Буюк келажагимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз” номли китобида Юртбошимиз адабиётнинг ёш авлод камолоти борасидаги роли ҳақида алоҳида тўхталган: “Жиззах вилоятида ҳалқимизнинг атоқли фарзандлари Ҳамид Олимжон ва Зулфия хотирасига бағишлиб замонавий ижод маркази ва унинг таркибида гўзал ва муҳташам бир боғ ташкил этсак, истеъодли ёшли-

римизнинг бу ерга келиб, адабиёт ва санъат, мусиқа сирларини чуқур ўрганишини йўлга қўйсак, нур устига нур бўлар эди”.

Ўзбекистон ҳалқ шоири Зулфия адабиётнинг нурли гулшани ҳақида орзу қилиб: “Бу боғлар бир боғлар бўлади ҳали”, деб башорат этганди. Зомин туманида бўлиб ўтаётган Ўзбекистон Республикаси ёш ижодкорларининг адабий семинари ана шу эзгу ниятларнинг ушалаётганини кўрсатади.

Ха, бу боғлар бир боғлар бўлдики, кўрганнинг ҳаваси келиши шубҳасиз.





Истеъодлар мактаби

Улугбек УЗОҚОВ,
Жиззах вилояти ҳокими

Жиззах замини азал-азалдан ўзининг бахшилари, сўз усталари, шоир ва ёзувчилари билан ҳам донг таратиб келган. Ҳамид Олимжон, Шароф Рашидов, Назир Сафаров, Оқилжон Хусанов каби забардаст ижодкорлар яратган сара асарлар бугун ўзбек адабиётининг дурдоналари сифатида ўқиб ўрганилаётir.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев айтганларидек: “Ижодкор зиёлиларимизнинг энг яхши асарларини юртимизда ва чет элларда тарғиб этишни биз маънавий-маърифий соҳадаги сиёсатимизнинг муҳим бир қисми сифатида давом эттирамиз. Айниқса, маданият, санъат, адабиёт ва матбуот оламига кириб келаётган иқтидорли ёшларни моддий ва маънавий жиҳатдан рафбатлантиришга, уларнинг уй-жой шароитларини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилади”.

Бундай фамхўрликдан руҳланган ижодкор ёшларимизнинг сафи кундан кунга кўпайиб, маҳоратлари ошиб, қаламлари чархланиб бораётгани эса кишини қувонтиrmай қолмайди. Айнан адабиёт йўналишида кўплаб ёш истеъодлри қизларимизнинг Зулфия номидаги Давлат мукофотига лойиқ кўрилаётгани фикримиз исботи.

Бундан йигирма йил олдин асос солинган ёш ижодкорларнинг Зомин семинари ҳам мамлакатимиз адабий ҳаётида улкан ҳодиса бўлгани сир эмас. Зоро, “Зомин мактаби” деб ном олган мазкур адабиёт байрамида кўплаб ижодкор ёшлар кашф этилдики, улар бугунги кунда ўзбек адабиётида ўз овози, ўз ўрнига эга шоир ва ёзувчилар бўлиб этишдилар.

Жаннатмонанд юртимизнинг сўлим гўшаси Ўриклислой бу йил яна ёшлик ва нафосат байрамига гувоҳ бўлади. Шу йилнинг 5-7 июль кунлари Республика ёш ижодкорларининг Зомин семинарида

мамлакатимизнинг турли вилоятларидан ташриф буюрган ёш ижодкорлар ўз иқтидорларини намоён этиб, ўзбек адабиётининг таникли шоир ва адабиётидан керақли маслаҳатлар оладилар.

Биз – жиззахликлар мана шундай муҳташам адабиёт анжуманини юксак даражада ўтказишга ҳисса қўшаётганимиздан мамнунмиз. Чунки бугун истеъодлри ёшларни қўллаб-қувватлаш, ёшларимизни ҳар хил бузғунчи фоялардан ҳимоя қилиш, уларни ватантарвар ва инсонтарвар этиб тарбиялаш барчамизнинг биринчи галдаги вазифамиз бўлиб турибди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги фармойиши ўз вақтида қабул қилинган қарорлардан бири бўлиб, бу борада амалга оширилаётган кўплаб чора-тадбирлар ёш авлоднинг буюк аждодларимизга хос юксак маънавиятли инсонлар бўлиб вояга этишида муҳим аҳамият касб этади. Зоро, инсоннинг инсонийлигини белгилаб берувчи энг асосий мезон – маърифатdir.

Зомин семинарида кашф этиладиган ёш қаламкашларнинг ижодига устозлар оқ йўл тилаб, илк ижодий тўпламлари Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг ташабbusи билан “Ижод” жамоат фонди томонидан “Биринчи китобим” лойиҳасида чоп этилиши ҳам, шубҳасиз, ёш авлоднинг асл китобхон ва асл ижодкор сифатида шаклланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Биз мезбон сифатида Зоминга ташриф буюраётган барча қалам аҳлига хуш келибсиз, деймиз ва ҳамиша маънавиятни, адабиётни юксалтириш ишига камарбаста эканимизни билдириб қоламиз.

Салом, Зомин тоғлари!



Рустам МУСУРМОН,
Ўзбекистонда
хизмат кўрсатган
маданият ходими

1963 йили туғилган.
Ўзбекистон Миллий
университетининг
филология факультетини
тамомлаган. “Руҳимнинг
тovushi” (1994), “Хиргой”
(1997) шеърлар тўпламлари
нашр этилган.

1997 йили Шавкат Мирзиёевнинг ташабbusи билан Жиззах вилоятининг Зомин туманидаги ям-яшил арчазорларга бурканган, баланд тоғлардан тойчиқдек сакраб-сакраб тушаётган Ўриклисой бўйларидағи сўлим масканда республика ёш ижодкорларининг Зомин семинари ташкил этилди. Шеърият карвонининг сорбони устоз Абдулла Орипов, қадрдон шоир акаларим Йўлдош Сулаймон, Мухаммад Юсуф ортидан бир қатор ёш ижодкорлар ҳар йили Зомин тоғларида ўtkазиладиган ижодкорлар мактабига борадиган бўлдик.

Тез орада Зомин семинари адабий гурунгларда машхур бўлиб кетди.

- Эшитдингми, Зомин семинари бошланибди?
- Йўғ-ей, қачон экан? Кимлар борар экан?
- Номзодлар аниқ эмиш, бу йилги йўлланма тугабди.
- Мен ҳам бир бора Зоминга борсам қанийди...
- Ёзувчилар уюшмасига бориб, Абдулла Орипов ёки Мухаммад Юсуфга шеър ўқиб берсак, зора, шеърларимиз маъқул бўлиб, бизни ҳам ола кетишса...

Кўнгли очик, бағрикенг устозларимиз истеъдодли йигит-қизларни доимо қўллаб-қувватлар эдилар.

Кейин Зомин семинари ҳақидаги матбуотдаги чиқишилар, телевидениедаги кўрсатувлар, радио... Хуллас, шов-шув кетидан шов-шув...

Айниқса, семинардан кейин голибларнинг кўксини фоз тутиб, гердайиб юришлари. Ким Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига тавсия этилган, ким Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Олий адабиёт курсида ўқишга йўлланма олган... Энг муҳими, семинарда орттирилган янги дўстлар сұхбатлари, соғинчли мактуб ёзишлилар... Ҳатто голиб бўла олмаган таъсирчан қизларнинг кўз ёшлари... Ҳаммаси ёшликтининг ўзидек ниҳоятда гўзал, Ўриклисойда оқаётган сувдек тиник, беғубор эди.

Саховатли ёз фаслининг белгиланган кунларида мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан адабиётнинг барча жанрлари бўйича ижод намуналари таңлаб олинган 60 нафарга яқин ёш ижодкорлар, устоз адиблар дастлаб Ёзувчилар уюшмаси биноси (ўша пайтда Мустақиллик майдони, Ж. Неру кўчаси, 1-уюй) ёнида тўпланишади. Уч-тўртта автобус карвони билан, қайдасан, Зомин, дея равона бўламиз. Боргунча турли вилоятлардан келган ёшлар бир-бирини ҳали унчалик яхши танимайди. Собир Ўнар, Бахтиёр Генжамурод, газета-журналларда бирга ишлайдиган ҳамкаслар ҳазил-хузулни бошлаймиз. Йўл узоқ бўлгани учун ёшлар дам-бадам савол беришади:

– Қачон етиб борамиз?

– Аввал қирлар бошланади, сўнг тоғлар, жуда баландга кўтарилимиз. Шохларига оппоқ қорлар ёққан арчалар ёнидан ўтамиз, – Жўрттага муболага қила бошлайман. – Қоялар орасидан айиқлар чиқиб қолади... Бўри ҳам, йўлбарс ҳам бор...

– Вой! Ростданми? –чувиллашади Зоминга илк бора бораётган қизлар. Йигитлар сир берма-



гандай индашмайди-ю, бироқ гўё тоғлар орасидан айиқми, йўлбарсми чиқиб қоладигандек автобус ойнасидан атрофга олазарак боқишади.

– Абдулла ака билан Муҳаммад Юсуф келгунича автобусдан тушмай туринглар, хўтми! – дейман уларга.

Ёшлар айиқ, йўлбарс, бўри борлигига ишонгандай бўлишади-ю, лекин устозларнинг ҳар қандай шароитда ҳам уларни ҳамиша ҳимоя қилишига аниқ ишонишади...

Ёшлар семинарга боргунларича шундай ҳаяжонланишарди, лекин Зомин семинарини ўтказиб, уйига қайтаётганларида ҳар бирининг юрагида айиқ, йўлбарс, бўри уйғонар, туйгулари чархланиб, шижоатли ва кучли шахсга айланар эдилар.

Зомин семинарини Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги байрами арафасида ўтказиб анъанавий тус олди. Дастлабки пайтларда “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг муҳбири сифатида мазкур семинарда қатнашган бўлсам, кейинчалик семинарнинг кўнгилдагидек ўтказишига жалб этилган масъул ижодкорлардан бири сифатида фаолият юритдим. 2000 йили Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига адабий маслаҳатчи бўлиб ишга қабул қилинганим туфайли Зомин семинарининг ташкилий ишларини бажариш бевосита хизмат вазифамга кирап эди. Мамлакатимизнинг барча вилоятлари, Қорақалпогистон Республикаси ва Тошкент шаҳридан таклиф этилган ёш ижодкорлар уч кун давомида Абдулла Орипов, Жуманиёз Жабборов,

**Ёзниг айни чилласида
жаннатмонанд Зомин
тоглари ёш истеъодларни ўз
багрига чорлайди. Зилол сувли
Ўриклисой адабий гурунгларни,
мушиоираларни тинглайди. Шу
сабаблими, унинг шилдир-шилдир
ҳам шеър оҳангига монанд.**

Йўлдош Сулаймон, Мұхаммад Юсуф, Сафар Барноев, Турсунбой Адашбоев, Ҳалима Худойбердиева, Энахон Сиддиқова, Маҳмуд Тоир, Сирожиддин Сайид, Минҳожиддин Мирзо, Турсун Али, Баҳтиёр Генжамурод, Салим Ашур, Собир Ўнар, Аҳмаджон Мелибоев, Мурод Абдуллаев, Мирпўлат Мирзо, Умида Абдуазимова, Зебо Мирзазеева, Қўчкор Норқобил, Луқмон Бўриҳон, Ҳосият Рустамова, Ҳуршида ва бошқа ижодкорлардан адабиётнинг барча жанрлари бўйича бадиий ижод сирларини ўрганар эди. Семинарни юксак даражада ўтказиш, ҳам устоз шоирлару ёзувчиликнинг, ҳам ёш ижодкорларнинг кўнглини кўтариш, уларнинг илҳомларига илҳом қўшиш учун Жиззах вилояти ҳокимияти раҳбарлари, маҳаллий ташкилотчилар жон-жаҳди билан тер тўкиб меҳнат қиласар эдилар. Жиззахлик машҳур миришкор Ўриш Мажидов, шоира Сайёра Тўйчиеванинг дўстона сухбатлари, раҳматли Шарофат Ботирова, Туроб Мақсаднинг дил изҳорлари ҳамон ёдимиизда. Уларнинг ўзларини ўтга-чўқقا уриб елиб-югуришлари шундоқ кўз ўнгимизда турибди. Иштирокчиларни кутиб олиш, кузатиш, ижодий машғулотларни ўтказиш, кечки дам олиш вақтини мазмунли ташкил этиш учун барча шароит бекаму кўст мухайё этиларди. Семинарда қатнашган ҳар бир ёш ижодкорни, ҳар бир устоз адибни қимматбаҳо совғалар билан тақдирлашга алоҳида эътибор берилар эди.

Ўриклисойда янграган шеърларни қорли тоғлар, асрий арчалар, тиниқ сувли шалолалару саркаш сойлар, турли гулу гиёҳлар ҳам тинглаб роҳатланар эди, десам, муболага қилмайман.

Баҳтиёр Генжамурод, Яңгибай Қўчқоров, Ободон Турдимуратова, Сарвиноз Мусатдинова, Насибали Мамбетирзаевалар қорақалпоқ тилида, Ўзбекистон халқ шоири Александр Файнберг, Века Осадченко, Дмитрий Черников, Антонина Иплина рус тилида шеърлар ўқир, шу жойнинг ўзидаёқ уларнинг шеърлари ўзбек тилига таржима қилиш учун танлаб олинар ва матбуотга тавсия этиларди.

“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, “Ёшлиқ” журналининг ўша йилларда чоп этилган сонларини кутубхонадан олиб варақласангиз, турли жанрдаги кўплаб янги асарларнинг, ёшлар ижодига бағишлиб ёзилган мақолалар ва хабарларни яна қайтадан мириқиб ўқийсиз ва адабиётимиз ривожида Зомин семинарининг нақадар катта аҳамиятга эга бўлганига ишонч ҳосил қиласиз. Ўша йилларда зоминчи ёшларнинг асарларидан жамланган “Гуллаш пайти келди, боғларим” тўплами ҳам Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти томонидан нашр этилган эди.

Мана, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг 2004 йил 9 июл сонидаги хабарда шундай ёзилган: “Саккиз йилдирки, ёзнинг айни чилласида жаннатмонанд Зомин тоғлари ёш истеъдодларни ўз бағрига чорлайди. Саккиз йилдирки, зилол сувли Ўриклисой адабий гурунгларни, мушоираларни тинглайди. Шу сабаблими, унинг шилдир-шилдирни ҳам шеър оҳангига монанд.

– Турли номлардаги йигинлар, семинарлар кўп, – деди анжуманни очган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ҳалқ шоири Абдулла Орипов. – Лекин бу семинарнинг



мақсади ўзгача, у аллақачон маданиятимиз, адабиётимиз тарихига ўз номини ёздириб улгурди. Үнинг адабий ҳәётимизда берәётган натижалари бунга далил. Ёш истеъодларни қўллаб-қувватлашда, уларни бирлаштиришда Зомин сабоқлари ўзига хос ижодий мактаб вазифасини бажармоқда”.

Зоминда юз берган бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди. Семинар очилишига бағишлиланган йиғиндан сўнг бироз дам олиш ва сайд этиш учун вақт бўлди. Қарасам, Азим Суюн қорақалпок шоири Бахтиёр Генжамуродни эргаштириб юриб, ҳар битта тоғ гули, бутаю дараҳтлар билан таништираяпти. Ўша пайтда бир илон ўрмалаб чиқди-да, яна буталар орасига кириб кетди.

– Кўркма, – деди Азим Суюн Бахтиёр Генжамуродга худди Дерсу Узалага ўхшаб, – у менинг яқин дўстим, у билан гаплашиб қўйибман, сени чақмайди.

Сўнг Азим ака баланд овозда шундай деди:

– Салом, тоғларим! Салом, арчаларим! Салом, илонларим! Мен келдим, мен Азим Суюнман! Мана бу менинг дўстим Бахтиёр Генжамурод!

Тоғлар акс садо беради:

– Муро-од!
– От-от-от...

Шоир ҳар битта тошга, ҳар бир гиёхга, чўгираманинг чўққисидек узун қубба бўлиб гуллаган сирачлар, сарик гуллар, зиралар, кийикўтларга бирма-бир салом бериб чиқади ва Бахтиёр Генжамуродни таништиради.

Икки шоирнинг болаларча содда ва беғубор сұхбатини эшитиб, мийифимда кулиб қўйдим. Ана шундан кейин Бахтиёр Нукусга бориб, “Азим Суюннинг Зомин тоғидаги айтимлари” деган бир шеър ёзиб, почта орқали жўнатди, мен уни ўзбек тилига таржима қилдим.

*Чўпларда сапчиб чалқайган,
тошларни туртиб талтайган,
наштари норни қулатган,
асов отларни сулайтган,
туби йўқ туннинг тилсими,
куёшли куннинг зар сими –
Чаёнларим!
Бу – мен:*

Азим Суюн...

Тоғ бўрисиман.

Бу – чўл бўриси:

Бахтиёр Генжамурод!

Бизларга тегманг...

Бизларга тегманг...



Машғулотлар давомида истеъодли ёшлар ярқ этиб кўзга ташланиб қолар ва бир овоздан ҳамманинг эътирофига сазовар бўлар эди. Бугун катта ёзувчи бўлиб кетган Ўйғун Рўзиев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Бобур Бобумурод, “Ёшлик” журнали бош муҳаррири Нодир Жонузоқ, Ёзувчилар уюшмаси масъуль котиби Муҳиддин Абдусамад, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари Адиба Умирова, Нилюфар Умарова, Ободон Турдимуродова, Ориф Тўхташ, Файрат Мажид, Беҳзод Фазлидин, Шоди Отамурод, Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндорлари Гулжамол Асқарова, Маъмура Ёқубова, Насибали Мамбетирзаева, Қумар Бекниязова, русийзабон ижодкорлар Века Осадченко, Александр Махнёв Зомин мактабидан чиққан.

Зомин тоғлари бугун ёш ижодкорларни яна ўз бағрига чорламоқда. Зомин семинарида иштирок этган ёшларга адабиёт сабоқларини ўргатган Абдулла Орипов, Муҳаммад Юсуф каби устозлар руҳи бугун албатта шод бўлгай. Зотан, ана ўша гўзал ва сўлим гўшаларда улуғ устозларнинг излари, ҳеч қачон ўлмайдиган сўзлари қолган.

Мен яна ёш ижодкорлар билан Зоминга отландим.

Устозлар руҳига салом бераман.

Тоғларга салом бераман:

Салом, Зомин тоғлари!

Қүш тилида айтилған бұ сир...

баҳор тақрорланмас – ҳар йили үзга,
севиған құңгилдай инжиқ ва сарсар.
атиргүл бошқача гуллайды. құзға
бошқача күринар бинафша, сағсар.

бултурғи сайрорғын үгірламайды –
янгитдан басталар булбул навосин.
япроқлар шитирин тұғриламайды –
борича әсади қўклам ҳавоси.

ўтған йил бодомнинг шохидა келған
ялпиз ҳиди билан киради баҳор
отамнинг bogига – ташрифин әлга
сандувоч жория қиласи наҳор.

майсадан нағ олар ҳар каснинг жони,
умид алмаштирар жомакорини.
фақат янгиланмас гулнинг армони,
фақат кураб бўлмас сочнинг қорини...



ФАХРИЁР

1963 йили туғилған.
Самарқанд давлат
университетининг ўзбек
филологияси факультетини
туттаган. “Дарднинг шакли”
(1987), “Аёлғу” (2000),
“Геометрик баҳор” (2004)
шеърий тұпламалари,
“Янгиланиш аңъаналари”
(1988) публицистик
мақолалар тұплами нашар
этілған.

ВАҚТ

вақт чеккада юрмайды зинҳор,
саҳроларга кетмайды дайдиб.
ойкезардай нохос ва пинҳон
пас-қамларда кезмас тун пайти.

у дангалчи – муроса қилмас,
на юзхотир қилар, на қутар.
у қил эмас, шафқатни билмас,
түппа-тұғри орадан ўтар.

баҳор тақрорланмас – ҳар йили үзға,
севиған құңшымдай инжиқ ва сарсар.
атиргүл бошқача шымайды. құзға
бошқача күринар бинафша, сағсар.

бултурғи сайрорғын үгірламайды –
янгитдан басталар бўлди навосин.
япроқлар шитирин тұғриламайды –

дўст

бозор айланаман бекорчиликдан
қандолат расталари оралаб

бирдан кўзим тушар пештахтадаги
улкан новвот бўлагидай кристалланиб
турган ўзимга

аста болга билан ушатиб
ва тарози палласига ташлаб
қайтиб олиб ортиқчасини
сотар бир дўстим мени
чакана нарҳда

шукр
харидорим бор экан
менинг ҳам

шаффоф

ҳарир ва шаффоф кўнгил
қоплаб вужудингни
бошингдан оёқ

энди
сен кўнгилни кийиб юрасан

кўргазмага қўйилган
кушон давлатининг тангаларидаи
кечинмалар қўриниб турар
кўнгил остидан

буниси севги
буниси нафрат
буниси
издихомни суймаган жининг
мана буниси эса
лангар занжиридай қалин бир арқон
боглаб турар дунёга

кусуф бўлган ой каби
қоқ иккига бўлинган юрак
ўртада қутурган ҳислар дарёси

нариги қиргокда элас кўзга ташланар
ҳали истак бўлиб шаклланмаган
тақво умиди

сўз

сен билан мен
ўртамиизда битта сўз фақат

истехком янглиг
сен билан мени
ажратиб туради биттагина сўз

сўзниг сен ёқдаги маънисин
мен кўрмайман

ойнинг орқа сиртидай
унинг сен ёқдаги маъниси
менга қоронги

орамизни тўсиб турар биттагина сўз
икки юзли сўз

кунлар ҳали исимай
камарлардан қочиб-пусиб келган баҳорни
бодом гуллаб қўяр оғзидан
аямажузга

ниҳолларни сийпалаб
куртакларни бўрттирар еллар

қуёши ўйинқароқ шумтакадайин
тортар майсаларнинг социдан

жилгалар чулдирар
ҳали тили чиқмаган
қизалоқнинг тилида

ёмон туш қўриб
кўнгли хижил бўлган ошиқдай
майсаларга ботмай турар
харсанглар

кўйклам гандираклар наврўз қунлари
қаён юрмогини билмасдан
энди оёқланган қулундай

сўз
сен билан м
ўртамиизда

саратон

жазиллайди ёзниңг чилласи.
жизловуқлар жизиллайди бетиним,
лоҳас қилиб қўяр саратон
ҳар нимарсани.

масалан,
соҳилдаги соябонлардай
даражатларни ерга қоқиб,
соясида дам олади тун
кунботишга етиб олгунча.
даражат остига тушган
офтоб тангаларини бирма-бир териб
чўнтағига солиб қўяди
кечалари осмонга
соҷмоққа юлдуз қилиб.

масалан,
кушларнинг эринчоқ сайроқлари
каналак бўлиб
сўлиётган карнайгулга қўниб турар омонат.

масалан,
суви қочган меҳр офтобда
қурий-қурий тошга айланади охир.

масалан,
сув ичишга сойга энган
пода туёгидан кўтарилган чанг
ҳавода муаллақ туриб қолади
аёл кўрган ваҳимали тушдан кейинги
гашиликдай.

масалан,
ҳаво лангиллайди тандирдай,
рўмолини юзга ўраб, гўза чопиқ қиласди
қоқ туш чоги муқанна қизлар.

Масалан...

деразаси очиқ уй янглиг
есиб ўтар сендан елвизак.
умид каби гоҳида янглиш,
огриқ каби гоҳо чин сизар.

бод сингари қўзгайди армон –
кўнгил вужуд гамини емас.
не дарддир у, не ҳукмфармо,
ҳамон зулми қутараи демас?

адирларга ҳар куни, ҳар тонг
сочилади қизгалдоқ бўлиб
хотиралар алвон, наққирон,
уфқ мисоли қонларга тўлиб.

баҳор оғир келади ҳар йил,
кўзда ёшинг билан қулдирап.
кўнгилга ҳам битар энди тил,
арикчалар бўлиб ҷулдирап

соядан ҳам баттар ҳамроҳинг:
ўшал гулнинг ёдини бир-бир,
булутларга чирмашар оҳинг –
қуш тилида айтилган бу сир.

ёмғир қилиб дардингни элар
баҳор боғларига бу найсон.
не қувончки, қайгудан келар,
не ситамки, баҳш этади жон?



Бунда булбул китоб ўқииди



Сиројиддин САЙЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири

Биз Навоий бобомиз башорат этган нафис ва гўзал адабиёт мажлислиарига ростакамига шу маъвода гувоҳ бўлдик.

Ҳали мактаб партасида ўтирган чоғларимизда устоз Ҳамид Олимжоннинг “Бунда булбул китоб ўқииди” сатрлари мазмунини илғамасдан, фаҳмига етмай юрган эканмиз. Булбулларниң ҳаёт ва ёшлик нашидасидан завққа тўлиб, “чаҳ-чаҳ” айлаб китоб ўқишларию шеър айтишларини биз жаннатмонанд шу гўшада ўз кўзимиз билан кўрдик. Ёш юракларга Зоминсойнинг тошқин мавжлари билан тўлқинланиб киргувчи, Ўриклисойнинг тонгти саболари билан шайдо кўнгилларни жонбахш насимларга тўлдиргувчи бетимсол ва бетакрор бу тогу тошларнинг ҳар гиёҳ, ҳар

майсасидан Ватан иси анқийди. Она юртнинг, азиз ва табаррук тупроқнинг бўй-ифорлари қалбларни, туйгуларни юксакка кўтаради. Инсон кўкси бу ерда осмонга айланади. Ёш кўнгиллар Ватан дарсини, инсонийлик ва меҳру садоқат сабоқларини шундан ўрганадилар.

Энди айтиш мумкини, Зомин семинарлари ўз номи ва даражаси, мавқеи ва нуфузи билан донг таратган бир пайтда собиқ иттилоқнинг бирор бир республикасида – на Болтиқбўйи ва на Россия, на арман диёри ва на туркман элида – бошқа бирор бир мамлакатда ёш ижодкорларнинг бунга ўхшаш давлат миқёсида катта меҳр ва эътибор билан ташкил этилган кенг кўламли ижодий анжуманлари йўқ эди. Бу муҳташам анжуманнинг яна иш бошлагётганидан барчамиз мамнунмиз.



Иқбол МИРЗО,
Ўзбекистон халқ шоири

Ёш ижодкор жуда кўп китоб ўқиши мумкин. Ундан ўзига яраша сабоқ, билим олади. Лекин битта етук шоир ёки ёзувчининг сухбатида бўлиш унга юзта китоб ўқиганидан кўпроқ нарса беради. Ҳатто дунёқарашини ўзгартириб, ижод имкониятларини очиб юбориши ҳеч гап эмас. Зомин семинари ёшлар учун ана шундай катта мактаб бўлганди. Бундай семинарларда ижодга энди қадам қўйган ёки бир қадар танилиб қолган қаламкашлар Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Муҳаммад Юсуф, Ҳалима Худойбердиева каби устозлар билан мулоқот қилиш, яқиндан танишиш, ўзини танитиш имконига эга бўларди.

Мен Зомин семинарига 1998 йили телевидение мухбири сифатида боргандман. Муҳаммад ака қўярда-қўймай устозлар ўтирган ўтовга бошлаб киргани, у ерда ҳаяжон билан “Қулунлар” деган шеъримни ўқиганим бир умрга татигулик эсадалик бўлиб қолган.



Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ, адиб

Зомин семинари ёшлар ўргасида шеърият ривожланишига, адабиётни тушуниш қобилияти шаклланишига катта турткি берди.

Шаҳарда бир хил манзара ва ҳолатлар ичидаги яшаб юрган ёш қаламкашлар бирдан тоғу тош ва кенгликларга чиқди, устозларнинг эътибори ва меҳрини ҳис қилди. Бу уларнинг ижодида жиддий ўзгаришлар, янгиланишлар ясади. Семинарга борганларнинг жуда кўпти ўша ернинг ўзида бирдан ёзишга тушиб кетгани, чиройли шеърлар битганига гувоҳ бўлганман. Масалан, бир гал Рислиғой Ҳотамова деган шоира қизимиз бир куннинг ўзида шеърий гулдаста тайёрлади. Бу шеърлар тез орада телевидениеда ҳам берилди.

Семинарлар иккита муҳим жиҳати билан аҳамиятли бўлди: аввало, биз – устозлар ёшларни кашф этдик, ундан ҳам муҳимроғи эса, ёшлар ўзларини ўзлари кашф этди. Турли вилоятлардан келган, иқтидори ва маҳорат даражаси турлича бўлган ёш ижодкорлар бир-биридан ўрганди, ранг олди.

Гўзал табиат, мусаффолик, яйдоқ ялангликлар, кечалари гулхан атрофида бўладиган сухбатлар ёш кўнгилларни бекиёс тўлқинлантиргани аниқ. Биз ёши катталар бундаги сехрни, пафосни ҳис қилавермаймиз, ўрганиб қолганимиз. Лекин ўзининг баҳорини яшаётган кўнгил ҳамма-ҳаммасини жуда теран туяди. Семинардан қайтишда улар бошқа одамга, бошқа ижодкорга айланади, десам муболага бўлмайди.

Зоминдаги каби семинарлар ёш ижодкорларга фақат ва фақат ижобий таъсир кўрсатади. Қатнашганларнинг ҳаммаси ҳам катта шоир ёки ёзувчи бўлиб кетмаслиги мумкин. Лекин адабиётни, сўзни тушунадиган, ижод ва ижодкорни ҳурмат қиласидиган яхши инсон бўлиб шаклланади. Шундай экан, қайта тикланаётган Зомин семинарини кувонч билан кутиб оламан, у сабаб янги-янги истеъдодлар кўз очишига, юзага чиқишига тилақдошман.



Мирпўлат МИРЗО, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоир

Зомин эртакнамо маъводир. Шеърга ихлос қўйган ёшларнинг бунда жам бўлиши бу муҳитни янада гўзаллаштириб юборади. Ложувард осмон, мағрур чўққилар, кумушёл сувлар, тоғ чечаклари кечагидек ёдимда. Ёш қаламкашларга фақат шеърий маҳоратдан дарс олишни эмас, табиат гўзалигидан баҳраманд бўлиш санъатини ҳам уқтиromoқ керак.

Мен Зоминда бўлганимда табиатдан баҳра олиб, ушбу сатрлар билан бошланувчи шеъримни ҳам ёзганман:

*Сузиб қордай тоза ҳислар нахрида,
Маҳзун юракларни яйратай деб шаън.
Юксак ва барҳаво тоглар бағрида
Шоирлар туздилар гўзал анжуман.*



Минҳожиддин МИРЗО,

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, шоир

Мен Зомин семинарида беш йил давомида бевосита ташкилотчи бўлиб – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосари сифатида иштирок этганиман. Раисимиз, мархум устоз Абдулла Орипов ҳар гал шахсан ўзлари бош бўлиб борар, ярқ этган истеъодни кўрса, беҳад қувониб кетарди.

Агар ўша йиллардаги ёш ижодкорларга эътибор берсангиз, Зулфия номидаги давлат мукофотини қўлга киритган қизларимизнинг аксарияти Зомин семинари қатнашчилари. Ёки юртимизнинг турли олий ўқув юртларининг филология, журналистика, маданият йўналишларида ўқиб, кейинчалик ҳаётда ўз ўрнини топган, истеъоди билан юзага чиқсан ёшларнинг биринчилари қатрида мана шу семинар кашиғётлари бор.

Ёдимда қолган баъзи ёш қалам-кашларни мисол қилиб келтиришим мумкин. Масалан, Адиба Умирова катта шоира бўлиб етишди, Икромжон Аслий яхши ғазаллари билан кўзга ташланди, Беҳзод Фазлиддин деган яхши бир шоир ёки унинг юртдоши Беназир исмли шоира қизимиз шу семинар сабаб кашф этилди, Ойгул Асилбек қизи бугун яхши бир адабиётшунос олимага айтланди. Ушбу семинар катта адабиётга кириш учун остона вазифасини ўтади. Ҳозир ёдимга келган

ижодкорларнигина санадим. Агар дўттини бир четга қўйиб, яхшилаб эсласам, уларнинг сафи бир неча карра кўпаяди.

Уч-тўрт кун давом этадиган семинарнинг ҳар бир куни нафақат ёш ижодкорлар мушоираси, балки чинакам маҳорат мактаби бўлар эди. Қанчадан-қанча устоз адиблар сабоқ берарди, ёшлар ижод қозонида қайнарди. Асарларнинг ютуғиям, камчилигиям, ярқ этган томонларию бўшрок жиҳатлариям – ҳамма-ҳаммаси таҳлил қилинарди. Фақат асар муҳокамаси билан чекланмасдан, адабиёт ва санъатдаги муаммолар ўртага ташланар, эркин фикрлар айтиларди. Бу адабиётнинг истиқболини белгилаб берадиган жонкуяр ижодкорларни тарбиялашга катта хисса қўшди.

Бундан ташқари, теварак атрофдаги қишлоқлардан, санаторийлардан адабиёт муҳлислари учрашувга келарди ё ўзимиз тадбир уюштирас эдик. Кўплаб адабиёт хайриҳоҳлари, ихлосманчлари йўқлаб турарди. Буям ёшлар учун катта мактаб бўлди.

Бошқа семинарларда ҳам қатнашганман. Лекин, тўғриси, руҳи, жўшқинлиги, самараси жиҳатидан Зомин семинаридек бўлмаган. Табиат соғлигига гап кўп бўлса керак-да. Ижодкор учун қалб мусаффолиги жуда муҳим. Туйгулар ҳам шунга яраша тиниқ чиқади, ярқираб намоён бўлади. Шунинг учун бу семинарнинг тикланишини жуда катта мамнуният билан қарши оламан.



Мехрибон АБДУРАҲМОНОВА,

Ёзувчилар уюшмаси Жиззах вилоят бўлими масъул котиби

Бу заминга ташриф буюрган ижод аҳли илҳом оғушида қолади. Зомин илҳомлари янгидан-янги асарлар яратилишига замин тайёрлади. Устозлардан оқ фотиҳа олган кўплаб ёшлар катта адабиёт сари ишонч билан одимладилар. Семинарда устозларнинг қимматли фикрларидан баҳраманд бўлиб, маҳорат дарсларини тинглаб, асл адабиёт нима, ижодкор ким, унинг адабиёт, эл-юрт, Ватан олдидаги бурч ва вазифалари нималардан иборат, деган саволларнинг мазмун-моҳиятини чукурроқ англаш имкониятига эга бўлдилар.

Ўша қутлуғ кунларда мени Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига аъзоликка қабул қилишганди. Йигирма йил аввалги хотираларни қанча ҳаяжон билан эсласам, шу кунларда ўтаётган ёш ижодкорлар семинари яна кўнгилга қувонч улашиб турибди. Бу гал устозлар сафида, мезбон юрт вакили сифатида иштирок этганиман. Мен бундан бағоят баҳтиёрман.

Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон ҳалқ шоири

Зомин ёшлари

Ҳар кўнгил бир дарё, оқмоқ истаса,
Ҳар дилда бир чўг бор, ёқмоқ истаса,
Истаса, шеър отлиқ чақмоқ истаса,
Дилбар дил аҳлининг биз дилдошлари,
Хуш кўрдик, хуш кўрдик, Зомин ёшлари.

Нима бор демангиз Зомин тогида,
Поклик қайнааб ётур ҳар булогида,
Қуёш қалам йўнар ой ўргогида,
Шеър битса дафтардир ҳатто тошлиари,
Қалам кўлингизда, Зомин ёшлари.

Мажнунтол тагида Миртемир гувоҳ,
Баъзан шеър бўларкан биттагина оҳ,
Абдулла Орифнинг изида ирмоқ,
Соғу омон бўлсин олтин бошлиари,
Ватан чирогидир Зомин ёшлари.


Ой додигин терарлар ойдин тунлари,
Зулфия момонинг оппоқ гуллари,
Эй назм богининг хуш булбуллари,
Ҳамид Олимжоннинг дил қуёшлари,
Қувонч қўнгироги – Зомин ёшлари.

Ҳар ким ҳўплолмагай қўнгил чашмасин,
Шундай шеър ўқингки, тошлиар гулласин,
Муҳаммад Юсуфнинг руҳи қўлласин,
Ўзбакий рангдадир қўзу қошлиари,
Зомин ёшлари бу, Зомин ёшлари!

Ранин лаҳзалар



Ёш ижодкорларнинг Зомин семинари ташкил этилганига, мана, йигирма йил тўлди. Айни кунларда бу сўлум гўша яна ёш истеъододларни ўз бағрига чорлаяпти. Шу муносабат билан ёшлар анжуманининг узоқ йиллик тарихидан сўзловчи фотожамланмани Сиз азиз журналхонларга тақдим этяпмиз. Унда ёшликнинг рангин лаҳзалари, устозу шогирдларнинг унутилмас таассуротлари жам бўлган.



Абду



Агадиёт – санъатини мўътижаси. Айниқса, шертият шундай бир синоатки, бу майдония сўз айтадиган истеъододлар кириб келмайдилар. Балки бирданнинг цидурлаб, садо берид пайдо бўладилар. Ёш ижодкорларнинг Зомин семинарида бунга кўп бор цвое бўлманман. Бир йилан, шертиятчилигини қайси нафқирон вакилини кўрсатманги, у албатта “Зоминдан шиккан” бўлади. Шунинг ўзи бу анжуинанин баҳосини бермайдими, истеъододини қўррасини кўрсатмайдими?

Икром Отамурод

Ёшилар семинари доимо Тошкентдан бошланарди. Вилоятлардан кеман ижодкорлар учтоз Абдумла Орипов доимчлишида мамлакатийизни боси майдонига дорид, Бахтиёр она ҳайкални пойта цулар кўярди. Сўнира онадан дуо олган боладек, Зомин сафарига отланарди. Автобусда кета-кетуяна алёрлар айтшиниб, бир-дирини синовдан ўтказиб олишарди. Бундай пайтда кўп ёшилар Зоминига нима ўчин бораётланликларини исботлашарди. Буунч үлар ажойиб шоирлар бўйиб танилди.

Турсун Али

Бир пайтлар адабиётимизга дадил қадамлари билан кириб келаётган кўплаб ёш имодкорлар "Зомин қалдириғлари" деган ажойиб бир эътирофия, айтшии мўмкинлики, ўзига хос унвонла сазовор бўйшиланди. Чунки уларни шеърий машиқлари Ўриклисой қўриқларида жаранилаб, ўстозларнини доҳосини олган. Буун яна шу дилторттар, дилмурттар ёш имодкорлар семинари Зоминда ўтадиган бўлди. Бу эса, ўз навбатида, анжуманда қатнашадиган ҳар бир имодкор учун мезонлари баланд кўйилётган иштиҳонидир. Иштиҳонини муборак бўлсин, жон дўстли!

Фарогат Худойқулова



Нафакат имодими, балки шахсим тақланишида ҳам ёилар семинарини таъсири кетта. Анчашна киброли эдим. "Ярқ" эттан истеъоди бўйласа, музомала қўйласдим. Одамларниң қандайшини, ҳатто ўзимни ҳам истеъодига қарад белгилаганман. "Одам деган ҳаётга тик қараши керак, кўзларини юниб олиб фақат ўзини кўриши керак эмас", деб музома ташлаланди ўшанда бир тендиошим. Мен шу семинарда феълийдани кусурларни илк бор анилаб, тузатишни урина бошлиганиман.

Мен ҳар йал ёш имодкорларни Зомин семинария борганимда ғалаби маддий бир ҳаятмонда қолардим. Бу умузбор тозлар, бу шарқироқ, зилол сойлар юрамиди соғ, самимий ҳисларни тундумига келтириарди. Бунинг сабабини тида оддий баҳолад, ўзимини ҳам тозда тушмид, тозда ўсианимга ийзр, менга қўшилиб худди ўша тойларда ҳайрат ҳам униб-ўсан, умайлан, деб билардим. Ишлар ўтиб бу таассуротларимда яна кўшилича қилим келди. Ёилар анжуманнига биз ҳам ҳар сафар ёнариб, шеърият майдонига от солиб борганд жанлиг-да.

Азим Суюн

Ойдиннисо



Яхши ният – банданиң төмөн
ярии моли. Илохым, Золин
ёшмаринин зыу ниятлари үзүлария
йүйдөм бўлсин. Чунки умумлари кўп
бўлган эмниги кўксига ҳаминча тонек
даланд бўлади. Яхшилариниң кўплиши,
аввало, Ватанни нурлантиради.
Ёшмар семинаринини бу талиш
шитирокчилари ҳам аввалимидаи –
эма сўз айтса оладиган, сўз диман эм
корига ярайдиган, эни эриаштира
билидиган, умут ажоддларига, пирку
комилларга муносаб авлод бўйид
камол топшинни истардими.

Махмуд Тоир



Ёш ижодкорларниң адабиётла қандай
кириб келганини кимлардан сабоқ олани ҳам
белишлайди. Агар Золин антуманида кўплаб
ёшлар Сиротжиддин Сайийд, Йкром Отамурод
синари куюнгак устозларга диг' келмаганида
эди, ўз ийгини топшин осен кечмаган бўларди.
Бир инчолнини ўзмаси учун офтоб соғин
нурдан ташкари, боён ҳам ўз вактида
парваришларини, чирмоюқлардан тозалаб түриши
керак. Золин антуманидан кейин бизга адабий
тамоатчиликда худду шундай ишқ муносабат
уйлонианди. Негаки, биз ёш ижодкорлар
семинаринини ғолиди эдик-да.

Адиба Умирова




Ёшмар семинари иштеподоларни камиф этшиша
хизмат қилибина қолмай, қатор янни, яхши асарлар
ярамишшия ҳам садабчи бўлган. Тадиатини бетакроф
мўъжизаси – Үриклисойда, тўнчу кун шилдирад кўшик
куйлаган сой бўйинда, ҳавоси шифодахи, руҳиятни
устириувчи умутвор тозлар бағрида ҳар қандай ижодкор
қалд қушлардай сайрад юбориши тадиий.

Хуршида



Меҳринисо Расулова
тайёрлади.



Зомин семинари
иштирокчиларига
саволлар:

- 1. Ёш ижодкорларнинг
Зомин семинарида қачон қат-
нашгансиз? Семинар сизда қан-
дай таассурот қолдирган?**
- 2. Семинар ижодингизга қан-
дай таъсир кўрсатган? Сизга
қаттиқ таъсир қилган воқеа,
сұхбат, учрашувлар бўлганми?**
- 3. Зомин семинари кашф
этган ёшлардан кимларнинг
ижодини кузатиб борасиз?
Сизнингча, йиллар мобайнида
уларнинг ижодида қандай
ўзгаришлар юз берди?**
- 4. Бу йил Зомин семинари-
нинг қандай ўтишини истар
едингиз?**



Ориф ТЎХТАШ

1. Мен 1997 йили мазкур ижодий семинарнинг иштирокчиси бўлганман. Ижодкор дўстларим – Уйғун Рўзиев, Нодир Жонузоқ, Файрат Сайдуллаев ҳамда опам Муҳаббат Тўхташевалар билан биргаликда қатнашганимиз. У маҳалда барчамиз Самарқанд давлат университети талабалари эдик. Очигини айтиш керак, оддий бир талаба учун бундай ижо-


Хотира уйғонса, гўзалдир



дий семинарларда иштирок этишнинг ўзи катта баҳт эди!

Тадбир ҳаммамиз учун ҳам унуглилар таассуротларга бой бўлган. Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов бошчилигидаги бир гуруҳ таникли шоир ва адиблар билан ҳамсуҳбат бўлиб,

уларнинг маслаҳатлари, кўрсатган йўл-йўрикларига мушарраф бўлганимизнинг ўзи ҳам улкан таассурот, аслида! Улардан олинган ижодий ўгитлар ҳали-ҳамон бизга ижодий дастур сифатида аскотиб келади, десам, муболага бўлмайди. Бугунги кунга келиб хўрсиниб эслайдиганимиз – ўша



машхурларимизнинг аксари марҳум бўлса, биз уларнинг жонбахш сухбатларидан, афсуски, маҳрум бўлдик...

2. Адашмасам, Расул Ҳамзатовда ўқиган эдим: “Шоирнинг учта устози бор: Ватан, Табият ва Китоб”. Шундай экан, мазкур семинарнинг юртимизнинг энг сўлим гўшаларидан Зомин тоғлари ёнбағрида ташкил этилгани биз ёш ижодкорлар учун Ватан дарсини ўтагандек бўлган гўё. Қолаверса, семинар ижодий ва ижобий рақобатни юзага келтирган эди. Ўнда қатнашганлар дастлаб ўзининг нимага қодирлигини англар, ютуқ ва камчиликларини илғаб олишга имкон топарди. Шахсан менинг иштироким ўз ижодимда катта ўрин эгаллайди, десам адашмайман. Айтиш мумкинки, бу семинар иштирокчиларга мустаҳкам қанот вазифасини ҳам ўтаган.

Зоминда ташкил этилган кечки мушоиралар, файзли давраларнинг ҳар бирини энтишиб ёдга оламиз. Бундан ташқари, биз – самарқандлик иштирокчилар ҳали-ҳануз бир-биримизга айтиб, кулишамиз: ҳа, айнан қайноқ ёзнинг ўтли кунларида биз енгилгина кийинволиб йўлга чиққандик, Зомин тоғи ёнбағрида, айниқса, эрталаблари роса дилдираганмиз. Билмаганмизки, саратонда ҳам бу гўша ўзига хос салқин ҳароратда сақланар экан.

3. Ушбу ижодий семинарда кашф этилган ёшлар анчагина, менинг назаримда. Бугунги кунда фаоллик кўрсататётган ижодкорларнинг аксариятида Зомин ҳавосининг “ютум”и бор.

4. Аслини олганда, юртимизда кўтчиликка нотаниш бундай жаннатмонанд манзараларнинг борлиги бизга илҳом, жўшқинлик баҳш этади. Шунингдек, тадбир асносида ҳар йили янги овозлар кашф этилади, адабиётга янги нафаслар кириб келади. Бунга ишончим комил!



Гулжамол АСҚАРОВА

1. Эҳ, ўша кунлар ёди... Ҳозир хаёлимдан Пушкиннинг “Бари оний, ўтишга шошар, Ўтган эса ҳамиша тотли”, деган сатрлари ўтятти... Орадан ўн тўққиз йил ўтиби... Лекин ҳаммаси кеча бўлгандек... Зомин семинари биз ёшларга устозлар дуосини олиб, ижод оламига, адабиёт зиёратгоҳига қадам ташлашимиз учун йўлланма бўлган. Зомин семинари бизга адабиёт уфқларини очиб берган, ижоднинг моҳияти нима эканини англатган эди.

1998 йилнинг ёзида Ёзувчилар ўюшмасидан хабар бўлди: “Зоминда ёш ижодкорлар семинари бўларкан!”. Биз сўзсевар ёшлар ўзимизча адабиётнинг остонасида киравга имкон қидириб юрган кезларимиз... Орзуларимиз осмон, худди шеъриятда олий бир мактабни яратадигандек шаҳдимиз бор... Ҳам сўзга, ҳам шоир деган зотга муҳаббатимиз жўшиб, устозларимиз Омон Матжон, Ҳалима Худойбердиева, Муҳаммад Юсуф ва бошқалар ҳам бораркан, деган хабар учун ҳам Зоминга ошиққанмиз. Зоминнинг виқорли тоғлари, арчазорлари ҳайратимизга ҳайрат қўшгани ҳамон ёдимда.

Семинарнинг очилиш маросимида муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев (у пайтлари Жиззах вилояти ҳокими эди) ҳамда устоз Абдулла Орипов бизга қанот бағишлидиган сўзларни айтдилар. Ушбу йиғиндан кўзланган мақсадни, адабиётга фамхўрлик, ёш ижодкорларни ўстириш каби олижаноб ғоялар тилга олинди... Шунда кутилмаганда Абдулла Орипов менга сўз бердилар... Илк бора улуғ устозлар ўтказаётган имтиҳонга киряпман, имтиҳон бўлганда ҳам оддий эмас. Ҳаяжондаман... Нималардир дедим, ҳозир эсимда йўқ, лекин битта шеър ўқиб жойимга ўтираман десам, Абдулла aka яна битта шеър ўқи, дедилар, яна ўқидим, яна дейишганида... қисқаси учта шеър ўқиб, “Улуғ устозлар олдида нималарни ўқидим, ўзи?!“ деб ўзимни айблай бошлаганимда, Абдулла aka “Биз шу қизчани Ёзувчилар ўюшмасига қабул қиласиз, нима дейсизлар?” дедилар ва қарсаклар билан бу таклиф маъқулланди. Ўша дамлар ёшлигимнинг энг шукуҳли онлари экан, энди билсам... Очилиш маросимидан сўнг устоз Ҳалима Худойбердиева секин чеккага тортиб, “Шу шеърларни шу қўлчаларинг билан ёзганмисан?!“ деб эркалаб қўйганлари ҳам умрбод қулоқларим остида жаранглаб туради. Мен у пайтлари Ёзувчилар ўюшмаси

аъзоси деган сўз моҳиятини, тўғриси, у қадар тушунмасдим... Тоғу шаршараларни томоша қилиб юрганимизда Ҳалима опадан “Уюшма аъзоси нима дегани?” деб секингина сўрадим. Ҳалима опам: “Бу катта натижка, қизим, мен ҳам 20 ёшимда аъзо бўлганман, бу энди бундан ҳам яхши нарсалар ёзинг дегани”, дедилар... Уч кунлик семинарнинг охирги кунида ёшлар форуми ўтказилган, уни олиб бориш менга топширилганида ҳам, билмайман, қаердан куч тогиб этлаганман (ҳозир шу вазифа берилса, ҳаяжондан қимирлолмай қолсам керак...)

Билмадим, мен Зомин семинари берган қанотларни ҳали ҳам асраб келоятманми, ўтган шунча йиллар давомида билдирилган ишончни оқлолятманми? Билмадим...бу ёғини ёзганларимизни ўқиётган мухлислар билади, устозлар, она халқимиз билади... Билганим, биз учун парвоз майдони бўлган Зомин мен учун ҳамиша муқаддас ва азиз...

2. Семинардан кейин, ҳар қалай, маррани янам баландроқ олишга, кўп ўқиб, кўп ўрганишга ҳаракат қилдим... Шеърларимни Зомин семинарида қўйилган адабий мезон ва даражада бўлиши кераклигини ич-ичимдан ҳис этдим... Худо берганича, ҳаёт лаҳзалири ва лаззатлари сабаб кўнглимдан тўкилганича ёздим... Худога шукр, ҳозир ҳам ёзяпман... Бу семинардаги ютуқларим сабаб илк китобчам нашр этилди, Зулфия номидаги давлат мукофотига сазовор бўлдим... Ундан кейин яна 8 та китобим чоп этилди... Раҳмат Зомин семинарига, раҳмат муҳтарам устозларга!

3. ...Бу мен учун қийин савол... Кўпроқ ўзимга маҳлиё бўлибманни ёки уларнинг чиқишлири кам бўлдими, ўша йили Зоминда кашф этилганларни кам кузатибман... Айримлари бошқа йўналишлардан кетишиди... Худога шукр, баъзилари қаламини қўлдан қўйгани йўқ... Лекин ўтган йиллар давомида мен учун қадрли ижодкор дўстларимни Зомин бағридан бир-бир учирма бўлганига гувоҳ бўлдим. Паркентлик Усмон Бекнинг:

“Ўзингизни Усмонларга танингиз,

Қасрингизга қарол бўлиб ёллансинлар” ёки

“Ўзбекман десам отдан тушиб кўришидилар” каби сатрларини ҳамон такрорлаб юраман.

Ориф Тўхташ, Муҳаббат Тўхташева, Шуҳрат Тоҳир каби ижодкор дўстларимиз ҳам Зомин ҳавосидан руҳ олган. Уларни ўқиб ижодий ютуқларидан, яхши шеърларидан хурсанд бўламан. Дилрабо Мингбоева, Ойдиннисо, Гулбаҳор Ортиқхўжаеваларнинг ижодий ўсишлари ҳам қувонтиради мени... Зомин семинари кашф этган ижодкорлар ҳали адабиётимиз ривожига кўп ҳисса қўшадилар деб умид қиласман.

4. Бу йилги Зомин семинари жудаям баланд руҳда ўтиши аниқ. Адабий мактабга айланган ушбу анжуманнинг асосчиси, ташкилотчиси бўлган Президентимизнинг адабиётга, ижодкорларга кўрсатаётган ғамхўрлиги ва эътиборларининг ўзи семинарнинг нечоғлик баланд савияда ўтишидан дарак бериб турибди.

Мен бу йилги семинарнинг Зомин тоғларидан ҳам баланд руҳда ўтишини ва халқимизнинг кўнгил таржимонига айлана оладиган, одамларнинг дарду изтироблари, қувончларини ўз шеърларида тараннум қилишга қурби, қуввати, истеъоди етадиган, аро йўлларда қолиб кетмайдиган ҳамда шеърни умри қадар азиз билиб яшайдиган ижодкорларни кашф қилишини истардим...

Руҳимизга қувват, ижодимизга рағбат, орзуларимизга қанот бағишилаган Зомин семинари бардавом бўлсин!





Мұхиддин АБДУСАМАД

1. Зомин семинарида қатнашиш бахтига мен 2005 йилнинг ёзида мушарраф бўлдим.

Мезбон юрт фарзанди сифатида тадбир очилишида менга сўз беришди. Бу менинг катта минбардаги илк сўзим эди. Ҳаяжоним кучлилигидан ўшанда нималар деганимни аниқ эслай олмайман. Бироқ кейинги куни устоз Абдулла Орипов мени яна саҳнага тақлиф қилиб, ижод масъулияти, сўзга муносабат ва ёшлик қадри ҳақида ўгит берганлари ҳеч эсимдан чиқмайди.

2. Семинар давомида устозларнинг сабоқлари, қизиқарли учрашувлар ва мароқли сұхбатлар бир умрга татигулик маънавий озукә бўлиб, тошга битилган-дек хотирага муҳрланиб қолган.

Кечалари гулхан атрофида мушоиралар ўтказиларди, ёшлар ўз ҳозиржавобликларини, истеъоддиларини кўрсатишга ҳаракат қилишарди. Ўртада чарсиллаб ёнаётган гулхан гўё ёшларнинг юракларидан куч олаётгандай эди. Ана шундай мушоиралардан бирида арча шохлари орасидан ғалати бир мавжудот мўралаб турганини кўрдик. Қарасак, у олмахон экан. Шу пайтгача мен олмахонни фақатгина мультфильмларда кўрганим учун уни бунчалик митти бўлади, деб ўйламагандим. “Шеър сехри тоғдаги олмахонларни ҳам ўзига ром этди”, деб қулишдик. Рости ҳам шундай. Бўлмаса, ҳар қан-

дай жонзор одамзоддан панада, олисроқ бўлишни истайди. Буни қаранг, шеър ўқилётганда шохдан шохга сақраб юрадиган олмахон ҳам яқин келар экан-да!

Зомин семинарида бир марта иштирок этган ҳар қандай ижодкор яна қатнашгиси келади. Шу сабабли бўлса керак, биздан бир йил аввал қатнашган Умид Али ўз ҳисобидан улов ёллаб, бир гуруҳ самарқандлик ёш ижодкорларни Зоминга бошлаб келганди. Бундоқ ўйлаб қарасак, уларни бу ерга тортган куч нима?! Адабиётга меҳр, шеъриятга муҳаббат, тенгдошларига хайриҳоҳлик.

Семинар якунида ғолиблар бир-бир чақирила бошлади. Ҳаяжонланганимдан бўлса керак, юрагимнинг дукиллаши эшитилади. Бир пайт Абдулла Орипов исм-шарифимни ўқиб қолди. Устоз совға сифатида телевизор топширап экан, “Фақат яхши воқеаларни кўрсатсин”, деб лутф этдилар. Телевизорни ота-онамга олиб бориб бердим. Ишонасизми, ўша кунлари иккى ҳафта мобайнида тинимсиз гоҳ у каналда, гоҳ бу каналда фақат Зомин семинари ҳақида лавҳалар, кўрсатувлар эфирга кетган эди.

3. Семинар жуда кўп ёшларни кашф этган. Уларнинг аксарияти бугун ўз ово-

зига эга ижодкорлар бўлиб этишди. Қатор китоблари нашр этилди, Ёзувчилар уюшмасига аъзо бўлди. Зомин семинари иштирокчилари ҳисобланган Шодмонқул Салом, Мухаммад Сиддик, Адiba Умирова, Ойдиннисо, Фахриддин Ҳайит, Беҳзод Фазлиддин, Дилрабо Мингбоева каби тенгқурларимнинг ижодига ҳавасим келади ва иложи борича уларнинг ёзганларини кузатиб боришга ҳаракат қила-ман.

Уларнинг ижодидаги ўзгаришларга келсак, баҳоли қудрат адабиётшунослар, устоз ижодкорлар эътироф этиб келишмоқда. Мен уларга қўшилиб нима ҳам дердим. Синчиларимиз тогиб, билиб айтишяпти-ку!



4. Бу йил Зомин семинари қайта ташкил этилганидан чексиз қувондим. Истардимки, семинар қайноқ руҳда, жўшқин кайфиятда ўтсин. Ёшларнинг семинардан оладиган таассуротлари бир умрга етадиган сабоқ бўлиб қолсин. Бунинг учун, аввало, ўзлари шеър дардидага ёнмоқликлари керак.



Озода БЕКМУРОДОВА

1. Талабалик давримизда, бир оёғимиз университетда бўлса, бир оёғимиз адабий, шеърий кечаларда бўларди. Қаердаки мушоира, шеърхонлик бўлса, ўша жойда ҳозир нозир бўлишни баҳт деб билардик. Ҳозир ҳам эсласам, ҳаяжону соғинчдан энтикиб кетаман... 1997 йили Зоминда бўлиб ўтадиган ёш ижодкорлар семинарида иштирок этиш хушхабарини эшиганимда бир ҳафтача кўзларимга уйқу келмаган.

Адабиётимиз дарғалари бўлган устоз шоир-ёзувчилар, турли вилоятлардан келган тенгдош ижодкорлар билан баланд тоғлар бағрида, табиатнинг дилбар қучогида, озод қайнаб ётган мусафо булоқларнинг жонбахш наволари оғушида бир неча кун шеърхонлик бўлганини эсласам, ҳануз юрагим орзиқиб кетади. Ўшанда зариф бир кўнгил ҳолатини, шеъриятга ошноликнинг, сўзга мубталоликнинг чинакам завқини ёрқин ҳис этганман.


2. Абдулла Орипов, Мухаммад Юсуф, Шарифа Салимова, Шарофат Ботирова ҳамда Умида Абдуазимова каби устоз шоирлар билан бошимизга нақадар яқин осмон, кўл узатсанк етгудек юлдузлар, баланд тоғларнинг руҳимизга туташ


виқори остида кечган сухбатларимиз, улкан ва сўнмас умид сояси остида ўзгача муҳаббат билан ўқиган шеърий машқларимиз тоти ҳеч қачон ёдимдан чиқмайди. Ўшанда ҳаётимда ёруғ бурилиш бўлган: мени Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилишган.

3. Ҳақиқатан ҳам, ўша пайтда ўнлаб истеъдодли ёшлар ижоди эътироф этилган. Семинар иштирокчиларининг шеърлари, ҳикоялари “Ўриклисой илҳомлари” дея эътироф

етилиб, газета ва журнallарда чоп қилинганд.

4. Адабиётning байрамлари кўп бўлгани янада яхши. Зоминда ёш ижодкорларнинг семинари ўтказилиши айём устига яна бир қутлуғ кун – байрамдир. Айниқса, адабиёт остонасида турган истеъдодли ука-сингилларим учун семинар улкан сабоқ бўлишига ишонаман. Истардимки, уларни баҳолаш жараёнида китобхонлик даражасига ҳам эътибор қилинса. Негаки, маънавий дид, ижодий савия китоб мутолааси билан юксалади.





Зоминдан ёзувчиликкача...



Собир ЎНАР

1964 йили туғилган.
Ўзбекистон Миллий
университетида таҳсил
олган.

“Орзуга тұла қишлоқ”,
“Овлоқ адирлар бағрида”,
“Чашма”, “Чамбильбелнинг
ойдаласи”, “Бибисора”,
“Фаришта” каби қисса,
хикоя ва ҳангомалар
түгламлари чоп этилған.

Зомин. Ўриклисой. Ёзниң айни чилласи. Лекин бу сойдаги ўриклар ҳали фұра. Шарқираган муздай сой. Сув бўйида, сал наридаги айлана ўриндиқларда тўрт-беш қиз-ўғил қалдирғоч валфажрини қилиб ўтиради. Кимгадир Мұхаммад Юсуф илиқ гапирган, Йўлдош Сулаймон бир носир қизнинг асарига юқори баҳо берган, кечкурунги машваратда Абдулла Орипов ушбу семинар-машғулотлар Жиззах ёш ижодкорлари, умуман, Жиззах адабий муҳитига ижобий таъсир кўрсатаётгани, бу улар ижодида яққол акс этаётганини сўзлаган. Кимдир Иқбол Мирзонинг, бири Ҳалима Худойбердиеванинг назарига тушган. Бир ҳажвчи йигит Аҳмаджон Мелибоевнинг этагидан маҳкам тутган, Сурхон тоғларидан келган шоира қиз шахсан Сирожиддин Сайидга шеър дафтарини тутиб эътирофлар эшилмоқчи.

Үтган вақт мобайнида Она ер неча марта эмранди, соғинган дўстларини бағрига олди. Илиқнафас, меҳрибон устозлар...

Зомин тоғларида булбуллар кўпайган.


Булбуллар, қумрилар, кабутарлар, зарғалдоқ, қарқуноқ,
қулқунтой, кўккаптар...

Азим Суюн, Омон Матжон, Зебо Мирзо, Бахтиёр Генжамурод, Кўчкор Норқобил, Салим Ашур, Рустам Мусурмон, Умида Абдуазимова, Шарифа Салимова, Махмуд Тоир, вилоят ёзувчилар уюшмалари раҳбарлари, улар ўзлари билан олиб келган ёш ижодкорлар.

Албатта, бу бор-йўғи семинар, яъниким ижодий анжуман, демак, устозлар от тўдасига, пойгасига ўз тойҷоғини солиш кайфиятида эмас, ринг ёки гилам устига ўз шогирдини чиқаришдек яккама-якка беллашув тарафдорлари ҳам эмас. Чунки шогирд – кўнгил розини куйловчи бир ижодкор, холос. Демак, ундан Ўзбекистон байроғини баланд кўтариш талаб қилинмайди, кўкракка шода-шода медал ҳам тақилмайди.

У авайлаб, сўз саралаб, не бир хавотир, не бир ҳаяжонда сардафттар тўлдирган – устозларга маъқул келиб, бир илиқ сўз эшитармикан...

Матбуот, телевидение, айниқса, адабий нашрлар мазкур адабий мулоқотларни



Агар шу қиссадаги жой ва киши номлари, менталитети пича ўзгартирилиб, буюк Америка адаби Жек Лондоннинг янги таржима асари деб ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилса эди, қойил, бехабар эканмиз, Жек Лондоннинг биз билмаган бундай улуғ асари бор экан, дея албатта эътироф этган бўлардик. Аммо уни мубораклик аллақандай Баҳодир деган танилмаган йигитча ёзгани, боз устига, адабиётда тез танилиши, тез обрў орттириши даъвосини қилмаётгани учун сервиқор олимларимиз жим туришиди.

анчага довур ёритишади, қатнашчилар сухбатга тортилади, журнал муқовалари семинар иштирокчисининг хушвақт фотосуратлари билан безанади.

Семинарда йиллар давомида юзлаб ёшлар қатнашган. Улар орасида адабиётнинг чинакам фидойилари ҳам етишиб чиққанини қайд этиш зарур.

Бир муддат чегара ҳудудлар осойишталигини сақлаш мақсадида тадбир Баҳмал туманига кўчирилганидан ҳам хабарингиз бор.

Аммо ғалвир сувдан кўтарилигандан нима қолади?

Бўладиган гап ҳам шу, аслида.

Назаримда, ўнлаб йигит-қизлар Зомин семинари кашфиёти сифатида ўша кунларни эслайдилар. Кимdir шогирд, ким – устоз, у кунларни ширин хаёллар билан хотирлайди.

Шуларнинг ичida Баҳодир Абдураззоқ илиқ таассурот үйғотган. У қатнашчиларнинг нисбатан ёши каттароғи, шу

боисдандир, ҳайдовчи ёнидаги ўриндиқда кетмоқда, ора-сира туйқус ҳайқириб шеър ўқиб қолишга ҳам ўзини ҳақли санар эди.

У менга оқсоқолми, устозми дея юкинган бўлса, бор-йўғи биргина панду насиҳатни қулогига қўйиб олди: “Мадомики наср билан шуғулланар экансиз, шеърни йиғишириб, кучни қора меҳнатга беринг. Сиз билан ўшандада гаплашса бўлади!”

Бу фикр Баҳодирга қай тариқа таъсир қилгани менга номаълум, аммо шундан кейин жиддий ёзувчига айланисиб қолганига ўзим гувоҳман.

Баҳодир Абдураззоқ 1974 иили Қашқадарё вилоятининг Муборак туманида туғилган. Ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетида ўқиган. Қатор насрый ва назмий асарлари чоп этилган. У ўзини кўпроқ ёзувчи сифатида танитди. Адашмасам, “Ёшлиқ” журналиниң 2010 йилги 6-сонида Баҳодирнинг

“У” деб номланган қиссаси эълон қилинганди. Зомин семинаридан сўнг у билан тез-тез муроқот қиласидан бўлдик. Баҳодир орқали қашқадарёлик яна яхши бир ёзувчи Жумакул Қурбонов билан танишдик. Ҳар иккиси ҳам адабиётнинг бугуни ва эртаси билан яшайдиган ижодкорлар. Кунларнинг бирида Баҳодир бир қисса ёздим, даҳшат, унча-мунча генийман деганлари ҳам ип эшолмайди, деб кимларгадир ишора қилди. Кўрайлик, опкелинг, дедим. Опкелгани “У” деган қисса эди. Чиндан ҳам, бақувват, воқеа бўлгулик асар эди. Таққослаш учун бир гап айтай: agar шу қиссадаги жой ва киши номлари, менталитети пича ўзгартирилиб, буюк Америка адаби Жек Лондоннинг янги таржима асари деб ўқувчилар хукмига ҳавола этилса эди, қойил, бехабар эканмиз, Жек Лондоннинг биз билмаган бундай улуг асари бор экан, дея албатта эътироф этган бўлардик. Аммо уни мубораклик аллақандай Баҳодир деган танилмаган ийитча ёзгани, боз устига, адабиётда тез танилиши, тез обрў орттириши даъвосини қилмаётгани учун сервиқор олимларимиз жим туришиди. “Ёшлик” журналинг ўша сони 6162 дона чот этилган экан. Мұхтарам устозларнинг кўзлари тушмаган бўлиши мумкин эмас. Баъзан ижодкор тез танилиши учун кимнингдир қўлидан тутган бўлиши ёхуд баъзи адабиёт “кескирлари”-нинг дид-фаросатига маъқул келиши шарт бўлар эди.

*Адабиёт эса...
Ерниг тўлғогидай
оғир бир жараён...
Шунчаки яралмайди.
Эҳтимол, у тугилар.*

Баҳодир ўзи шахс сифатида қолипга тушмайди. Бунинг устига, ёзгани ҳам адабнинг “ностандарт” эканини ифода этиб турарди.

Адабий муҳит ўзи шунаقا: мақталиши мумкин бўлган, у мақталса, бирорвга малол келмайдиган шахслар бор. Баҳодир Абдураззоқ 2011 йили жуда зўр икки ҳикоя, 2014 йили “Тўзон” деган ўта фаройиб қисса эълон қилса ҳам, Адабиёт пинагини бузмади... Бу қадар совуқон бўлмаса ҳазрати Адабиёт...

“У” ҳам, “Тўзон” ҳам жуда катта шиддат билан ёзилган асарлар. “У” – қуллик, садоқат,



ҳалоллик, жўмардлик, қон сурувчи бетизгин ахлоқ, маҳкумлик ҳақидаги гўзал ҳамда ёрқин асар. Қоронғилик, зимистон, иложисизликлар аро, вақтлар, чигалликлар аро ёруғлик оламига чиқмоқ, ёруғлик эса аслида ийит-қизни таъқиб қилиб келган улкан тузоқ... экан... Ўқигач, жуда фаройиб таассуротларга берилиб кетасиз.

“Тўзон”ни ўқиганда ҳам худди шундай тўймай қоласиз...

Ҳар иккала асарда улкан тимсоллар мавжуд.

Уларни илғай билиш, ёзувчи кўзда тутган нуқтаи назарга осонгина етиб олиш мүшқул.

Баҳодирдай ёзувчилар ҳар куни туғилавермайди, ҳар қандай адабиёт пешонасига шундай ижодкор битган бўлса, албатта, у адабиёт баҳтилидир.

Эсимда, ўшанда Зомин семинари эди, Баҳодир оқ спорт майкасида эртанги кун адабиётини ўйлар эди, ҳайқиргиси келар эди, прозани ағдар-тўнтар қиламан, дерди, ҳали кўрасиз, ўн йил-йигирма йил ўтсин... дерди... Ва ўша вақт ҳам ўтди...

Адабиёт эса... Ерниг тўлғогидай оғир бир жараён... Шунчаки яралмайди. Эҳтимол, у туғилар.

Ёш ижодкорларнинг шу пайтгача бўлиб ўтган Зомин семинарлари ҳамда яна кутлуг қадамлар билан яқинлашаётган нағбатдаги анжуман ҳақида ўйлаганда, кўнгилдан шу ўйлар кечди. Ва бу йилги семинар ҳам Баҳодирдай истеъдодли ёш ёзувчиларни кашф этишига умид боғладим.

Яйраб ўйнанг қўшиғимга, куйимга



Файрат МАЖИД

1976 йили туғилган.
Ўзбекистон Миллий
университетининг
журналистика факультетида
таҳсил олган. “Гул санам”,
“Ҳеч кимга ўхшамайсан”,
“Кўзларингни соғинаман”,
“Кўксимдаги юлдузлар”,
“Ишққа борар йўл” каби
китоблари нашр этилган.
Зомин семинари
қатнашчisi.

Сўроқ

Шу йўл азим тогларга элтадими, билмайман,
Покиза тупроқларга элтадими, билмайман,
Ё мевазор bogларга элтадими, билмайман,
Умрим ўтиб боряпти,
Мен сенга боряпманми?!

Бу дарёning sollаниб оқишини бир кўргин,
Ербобога оймомо боқишини бир кўргин,
Юрагимни бир армон ёқишини бир кўргин,
Умрим ўтиб боряпти,
Мен сенга боряпманми?!

Сен танҳосан, дил ичра манам ёлгизман, тоқман,
Биттагина хушхабар, бир муждага муштоқман,
Энг сўлим манзилларни орзулаган учоқман,
Умрим ўтиб боряпти,
Мен сенга боряпманми?!

Гул нафасин келтирган шамолнинг ҳабибиман,
Ойга сабоқ берган ойжамолнинг ҳабибиман,
Жавобин излаганим савоннинг ҳабибиман,
Умрим ўтиб боряпти,
Мен сенга боряпманми?!

Лола истаб тог борсам, тошлар йўлимни тўсди,
Яна чимрилган қабоқ, қошлилар йўлимни тўсди,
Юрагимда зўр ҳадик лоладек яшиаб ўсди,
Умрим ўтиб боряпти,
Мен сенга боряпманми?!

Метин эрур бардошим сингани йўқ, синмайди,
Кўнглимнинг тупрогида умидсизлик унмайди,
Мақсадга етмагунча юрак урад, тинмайди,
Умрим ўтиб боряпти,
Мен сенга боряпманми?!

Шу йўл азим тогларга элтадими, билмайман,
Покиза тупроқларга элтадими, билмайман,
Ё мевазор bogларга элтадими, билмайман,
Умрим ўтиб боряпти,
Мен сенга боряпманми?!

Яйраб ўйнанг

Шалолалар ўйнаб оқар тоглардан,
Гуллолалар ўйнаб оқар тоглардан,
Сизга айтсам дилни ўрттар чоғлардан,
Парво қилманг гамларимга, ўйимга,
Яйраб ўйнанг қўшигимга, куйимга.

Гоҳо дилни ганимларим шоналар,
Тоқат билан тўлмишдир дил – хоналар,
Тугамаса кўнглимдаги нолалар
Парво қилманг гамларимга, ўйимга,
Яйраб ўйнанг қўшигимга, куйимга.

Қайда бўлмай, ердаманми ойдаман,
Кўнглим ичра андуҳларга бой-да ман.
Билганим шу, ишқ бирла бир жойдаман,
Парво қилманг гамларимга, ўйимга,
Яйраб ўйнанг қўшигимга, куйимга.

Майса

Тонгда ажиб қулади майса,
Товонимни тилади майса.
Қанча азоб берса ҳам дунё,
Мени ёлгиз билади майса.

Шивирларинг оҳингми, майса,
Саргайибсан, додингми, майса.
Ху, кўкларга узанган яшил
Қўлинг – илҳақ шоҳингми, майса.

Садоқатли ёримсан, майса,
Ҳам покиза оримсан, майса.
Сенга жуда ўхшагим келар,
Менинг танҳо зоримсан, майса.

Юракда бир ўй содир, майса
Мен ҳам адир, мен ҳам қир, майса.
Дунёсидан кетарман бир қун,
Ҳам болишим, кўрпамдир майса.

Тўртликлар

Кўнглимга ҳамиша кўз бер, Худойим,
Пок, ҳалол насиба, туз бер, Худойим.
Дилларни зиёга элтмоғи учун
Фақат даргоҳингдан сўз бер, Худойим.

Диллар малҳамидир покиза бир ун,
Унга эҳтиёжинг борми, айт, очун?
Ҳазрат олисда деб чекма изтироб,
Навоий ўтмишмас, Навоий – бугун.

Эй ёр, маним сарварим, ҳабибимга саломлар,
Дардли дилимга малҳам, табибимга саломлар.
Юрагимга муҳаббат уругларини сочган,
Кўзларимнинг зиёси – маҳбубимга саломлар.

Поклар ҳузурига учгили, деб айтдим,
Кўккамас, тупроққа тушгили, деб айтдим.
Раҳмат назари-ла боқмаса Холиқ,
Аҳволимиз жуда мушқул, деб айтдим.

Замон не, сен дилнинг замонида бўл,
Забон не, сен дилнинг забонида бўл.
Бошингга қисматнинг тоши ёғса ҳам,
Ҳамиша яхшилик томонида бўл.

Дейсан, қачон ақли расо топилгай,
Эгилган қад учун асо топилгай.
Бир пок қудрат билан яралганки чарх,
Ҳар бир Фиръавн учун Мусо топилгай.

Умринг узоқ бўлсин, эй опажоним,
Қалбинг оппоқ бўлсин, эй опажоним.
Ғаму кулфатлари кўп бу оламда
Бахтинг кўпроқ бўлсин, эй опажоним.

Хумра

Ҳикоя

Тўрт йиллик талабаликдан кейин биринчи бор баҳорни соғиниб келишим. Қишлоғим ҳам ичимга кириб қолгандек; у билан қўшилиб нафас оламан, томирларимга яшил қон югуради. Тепалик оша даштга ёйилиб кетган бостирма уйларга қарайман. Мана бу ўнгирларда, мана бу дўнгликларда чотиби юрган болалигим кўз олдимга келади: “Эй-й жўралар!..” Тепаликлар акс садо қайтармайди, улар тоғлар эмас-да.

Қишлоғимнинг номи ҳам жисмига монанд – Кўқдала. Бугун шундоққина уйимизнинг ёнидаги энг баланд тепаликка чиқиб, атрофга кўз ташладим-у, ҳайратимни ичимга сифдиrolмадим; қишлоғимга бу ном шунчаки берилмаган-да. Эҳтимол, қиш шунинг учун бизни ёмон кўрар, ҳасади келар. Изиллаган изғирини баданингни ўйиб олай дейди, ёмғири қорга, қори музга айланиб, ханжардек санчилади...

Уйимиз катта йўл бўйида, қишлоқдан бироз ажralиб туради. Йўл зовур ёқалаб кетган; кўчанинг икки чети кета-кетгуңча фақат тутлар. Кўпридан ўтиб, кунботарга юрилса, зовур четида учта ҳовли бор: Элмурод раиснинг уйи, Араб буванинг уйи ва бизнинг уй. Қишлоқ маркази бироз олисроқда бўлгани учун, шу уч уй болалари – синдош им Анвар, мен ва бошқа болалар эрта тонгда тўдалашиб мактабга бораидик. Мактабдан қайтаётганимизда эса тупроқ йўлда шақилдоғини судраганча Амир бизни кутиб оларди. Ақли ноқисроқ бўлган бу бола – Анварнинг акаси. Кўзлари катта, соchlари қўнғироқ, қорамагиз, новча. Кўчада кимни кўрса, олдига югурни келарди-да, қўлидан ушлаб, уйга юр деб туриб оларди. Кўп сўз билмасди: ота, она, мома, нон, ака – луғатидаги бор-йўқ сўз шу. Изғирин бўладими, жазирамами, унга фарқи йўқ, доим дарвоза олдида ўйнаб ўтиради, қўлида консерва қутиларидан ипга тизилган шақилдоқ бўларди.

Бугун у кўринмайди. Дарвоза олдида оқ ит қулоғини ерга босиб, бир кўзини қия очиб ётибди. Бир пайтлари кўзимга ҳайбатли кўринадиган бу ёғоч дарвоза энди уриниб, шалвираб қолгандек. Итдан кўрқиб, унга сездирмасдан ўтмоқчи бўлиб, тез-тез юра бошладим. Шу пайт “Оқбой! Баҳ-баҳ!” дея итини чақирганча Анвар чиқиб қолди. Мени кўрди-ю:

– Э-э, бўла, бормисан? – дея тиржайганча қулоч ёзиб кела бошлади. – Шаҳарлик бўпкетдинг санам. Бизаниям эслайсанми, ўзи?




Ҳабиб АБДУНАЗАР

1968 йили туғилган.

Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг журналистика факультетини тамомлаган. “Манзара”, “Анжир гули”, “Гулларини кўмсаган оғоч” каби шеърий тўпламлари нашр этилган. “XX аср ўзбек шеърияти антологияси”, “XX аср ўзбек ҳикояси антологияси” китобларининг тузувчиларидан бири.

Мен ҳам уни кўриб қувониб кетдим, ахир неча йиллик жўрам; муштлашиб катта бўлганмиз! Шу кўйи дарвоза олдида анча пайт сухбатлашиб ўтиридик, сўнг у қўярда-қўймай уйига таклиф қилди. Ўша ҳовли, ҳеч нарса ўзгармаган: шохалаб кетган ўрик, ҳовли ўртасидаги чордоқли уй, лойсувоқ деворлар... Фақат уйдан узоқроқдаги омборхона эшигига бошқа, каттароқ

қулф осилибди. Бола пайтимиз мана шу омборхона олдида ўйнаб қолсак, Анварнинг онаси қўлига таёқ олиб қувиб соларди; негадир шу ҳужрага яқинлашгани қўймасди. Бизни қувиб юборгач, Мехри хола ҳужра билан гаплашгандек омборхона эшиги ёнида бирпас ўтиради-да, кўзларига ёш олиб, ортига қараб-қараб узоқлашарди.



Расмларни Оловиддин Собир ўғли чизган.

Ҳануз сирлилигича қолған, доим қизиқ туулған бу ҳужра бугун негадир бошқача, қандайdir сөхрланған күлбадек қайғули, кимсасиз күринди. Гүё ҳужра бу хонадонға мутлақо тегишли эмас, үзға оламдан тушған-у, унға яқынлашған одам баҳтсизликка йўлиқадигандек. Деразалари йўқ, эшик тирқишидан қараб, у ерда фақат қуюқ зулмат ҳукмронлигини сезиш мумкин эди. Йўлакда күлбага қараганча анча туриб қолдим, шекилли, Анвар келиб елкамга туртганини ҳам сезмабман. Биз болалиқда доим ўйнайдиган жойимиз – чордоққа чиқдик. Ёнбошлаб ётганча узоқ гурунглашдик, болаликни эсладик.

* * *

– Тура қол, болам! Тонг отиб қолади, – дейди онам хавотирли оҳанғда. Тонг отиб қолишидан чўчигандек дераза пардасини суриб, ташқарига қарайди. Дераза қоронғи, булултар тонгни ортига яширгандек ҳурпайиб туриди.

– Ёмғир ёғса керак, – дейди яна онам. – Бу ҳавода тонг отганиям билинмайди.

Инжиқлик қилиб, кўзимни аранг очаман. Кўзим қум тиқилгандек оғрийди. Иссиққина кўрпадан чиққим келмай, ёнимда ётган укамни туртаман. У фудранганча бошқа ёнбошига ўгирилиб, бошини кўрпага тошдек ўраб олади. Онам очган деразадан кирган шабада шудринги бедаптоя ҳидини димогимга олиб келади. Бир ҳовуч муздек шабадага бет ювғандек сеска-ниб кетаман, уйқум очилади. Кўзимни ишқалаб-ишқалаб, худди бирор мажбурлагандек зўрға ўрнимдан тураман. Юз-кўлимни нарибери юваман-у, онам тайёрлаб қўйған тугунчани олиб, молхонага чопаман. Онам молларни шохбандидан бўшатиб, катта йўлгача ҳайдаб чиқишиади. Тонг қоронғиси ваҳимали. Озроқ юрганимдан кейин гира-ширада молларини янтоққа қантариб турган Анварни кўриб кўркувим йўқолади. Моллар бир-бирига қўшилиб, пода бўлади. Сигирларга бир шохи синган Катта сигир йўлбошчилик қиласди. Оч сигирлар йўл четидаги шода-шода қип-қизил мунҷоқдек осилиб турган янтоқ гулларига бўйин чўзиб, тишлиб узуб олади-да, йўлидан чалғимай чайнаб кетаверади. Бирортаси тўхтаб қолса, ортидан келаётган сигир шохлари билан нуқиб, пўтписа қиласди: “Тезроқ юр”.

Гиштин дўйконнинг орқаси бедазор. Ўрилганига кўп бўлмаган. Яккам-дуккам беда ғарамлари тўнига ўраниб ётган одамдек қорайиб кўринади. Сигирлар бедазорга ёйилади, ўт кўп бўлгани учун олислаб ҳам кетмайди; бедаптоя

атрофини ўраб турган пахтазорга ҳам ўтмайди. Қорни тўйғанлари ётиб олиб кавш қайтаради. Бизни эса уйқу элитади.

“Яна ухлаб қолманлар”, дея тайинларди онам. Бедазор этагидаги тутзор бизга онам айтиб берган жинлар мамлакатини эслатарди.

– Ёш эдим. Бир кун далада, дараҳт тагида ўтирсам, – дейди онам, – тепамда, дараҳт устида бир чиройли сариққина қиз узун сочларини ёғоч тароқда тараф ўтириби. Ёнимда эса ёғоч коса, ичиди садақайрағочдан ясалган чиройли тасбех. Оламан десам, қиз ҳам, тасбех ҳам йўқолиб қолди. Ухламаганим яхши бўлган, йўқса мени жин чалиб кетармиди?..

– Она, Амирни ҳам ўша сариқ қиз шундай қилиб қўйғанми, – дейман қўрққанимдан, хаёлимга дараҳт тагида ухлаб ётган Амир келади.

– Йўқ, – дейди онам ўйга чўмганча, – у онадан шундай туғилган. Үнинг онаси ухлаб қолган, болам, онаси...

Онам ухлаб қолмаслигимиз учун бу эртакнамо ҳикояни ичидан тўқирмиди ёки бўлган воқеами, ишқилиб, уйқумиз келди дегунча соч тараф ўтирадиган қиз кўз олдимизга келарди.

– Ухлама, сариқ қиз чалиб кетади, – дейман Анварга гўё ўша қиз ҳозир келиб қоладигандек атрофга аланглаб.

Кун чиққач уйга қайтамиз. Шу билан кечки салқингача мол боқишиш ташвишидан озодмиз, салқин тушгач, молларни зовур четларида бироз айлантирамиз. Моллар яна йўлга чизилиб, тўғри уйга жўнайди. Қайтишда ҳам Катта сигир подани етаклайди. Келгунча йўлда шаталоқ отган пода ҳорғин ва оғир қадам ташлайди, қорни тўйған-да. Бир-бири билан шохлашиб, йўлни тўсиб қўйған бузоқларга сигирлар бош силкиб ҳафсаласизгина “жим юр” дегандек танбех беради.

– Ҳамма моллар Каттанинг боласи, – дейди Анвар тарғилни кўрсатиб. – Хўрон мол. Отам сотгани қўймайди, сигирларимизнинг баракаси, дейди.

– Шунни айтяпсанми? – дейман Анварнинг мақтанчоқлигини хушламай. – Қари-ку бунинг!

– Қари бўлсаям, унча-мунчасининг шохини қайиради, – керилади Анвар.

Чиндан, ҳамма моллар ўшанинг изидан эргашарди, бирортаси унга тик бормайди. У бир ҳамла қилдими, тамом, ҳатто масиқдан ҳўқизлар ҳам пусиб кетади.

– Аласузгич ундан зўр. Кеча Каттанинг кучи етмади, ўзингам кўрдинг-ку, – мен ҳам молимни мақтайман. – Ҳар кун бир сатил сут

беради. Кеча зовурга ботиб қолгандаям-чи, ўзи чиқиб кетди.

– Ўшандай пайтда думини қайриш керак, галварс, – дейди Анвар билимдонликка ўтиб. – Мол дангаса бўлади, думини қайирсанг, жони оғриб, чиқишга ўзи ҳаракат қиласди. Молни жони думида.

– Үндаймас, – дейман жаҳлим чиқиб, – керак бўлса, ўзингнинг молингни думини қайир!

– Э-э-э, – дейди Анвар, – барibir, сан гапга тушунмайсан...

Моллар қайтгунча барра ўтларга ҳам эътибор бермай, мўраб-мўраб қўяди. Зовур ёқалаб бора-ётган пода иккига бўлинади. Елини тарсиллаб турган соғин сигирлар уйга яқинлашгач, сабри чидамай, лўқиллаб югуради, ўзини молхонага уради. Бузоқчалар оғзи кўтириб, онасининг елини силтаб-силтаб эмади.

Онам молларни шохбандидан боғлаб олади. Кейин бузоқнинг итини қўлимга бериб, ўзи сут соғишига тутинади. Онам алла айтганда ҳам, мол соғаётганда ҳам фамгин бир қўшиқ куйлаётгандек бўларди, томогига йифи тиқилгандек товуши титраб-титраб чиқарди. Гўё сигир ҳам онамга қўшилиб йифлаётгандек кўзларидан ёш оқиб, жим турарди.

Мен эса Анварларнинг уйи томонга қараб-қараб қўяман. Анварга сигирларни боғлашда Амир ёрдамлашарди. У қўлига бир қарич чўп олиб, узоқроқдан туриб молларни қайтаришга уринар, қайсарлик қилганини сўкканча қувиб юрарди:

– Чу, ҳах, мо-о-о...

Қўёш тик кўтарилиб, оламга ёрқин нурларини сочади. Онам дастурхонга иссиққина ширчой, пиёлада қаймоқ қўяди. Ширчойдан ичар-ичмас кийиниб, сўмкамни кўтарганча Анварларникига югураман. Мактабга шошамиз. Амир йўл бошигача Анварнинг сўмкасини кўтариб боради, сўнг шақилдоғини судраб уйга қайтади. Синф журналига Амирнинг исми ёзилган бўларди. Муаллим Анварни доскага чиқарадиган бўлса, “Амир Қулмуродип” деб мурожаат қиласди.

– Амирни ўрнига бораман, – дейди Анвар нигоҳлари билан ер чизиб.

– Сан-чи, сани ўрнингга ким мактабга чиқади, – дейман ажабланиб. – Сани уканг йўқ-ку?!

– Билмадим, – елка қисади у. – Отам билади...

Мактабдан қайтгач, мен доим Анварларнинг уйига чиқиб, у билан бирга ўйнардим. Амир бизга шерик. У қишин-ёзин устига жемпер, кенг йўл-йўл нока иштон, калиш кийиб юрарди. Унинг йифлаганини кўрмаганман. Анвар урса ҳам,

оғзини буриштириб йифлаган бўларди-да, кўзидан бир томчи ёш чиқмасди. Ўйнга қўшмасак, бизга ёмон қараб, бир четга бориб оларди-да, тупроқ ўйнарди. Чўпларни синдириб, бошига ип боғлаб чиқарди. Бу боғловдаги сигирлар бўлса керак. Гоҳида консерва кутиларини бир-бирига боғлаб шақилдоқ ясарди.

Узокқа чўзилмаган кўклам салқинидан сўнг кунлар қизийди. Қоқ туш пайтида эса қишлоқ одамлари уй деразаларига қалин мато тутиб, қоронғи қилиб ухлайди. Офтоб уради деб кўчага ҳам чиқишмайди. Тупроқдан ҳил чиқади. Бир куни Анварларнинг ҳовлисига секин ўтдим; жим-жит. Ит мени танийди, индамайди. Энди анорларни узиб сатилга солаётгандим, жўяк ичиди ўтирган Амирга кўзим тушди. У ўқрайиб қаради. Кўлида шақилдоғи.

– Иккита анор олдим, – дедим уни алдаган бўлиб. – Майлими, ҳеч кимга айтмайсанми?

У ўрнидан туриб қўлимдан сатилни олди-да, симтўфарадан энгашиб сатилни бизнинг ҳовли томонга ўтказиб қўйди. Анварлар билан ҳовли-миз ўртасида девор эмас, симтўфара бўлса-да, Амир бирор марта ундан ошиб ўтганини кўрмаганман. Мен чеълдаги анорларни тўкиб, яна олмоқчи бўлдим. Амирни алдашга уриндим. У бу сафар индамай ўтирмади:

– Мома, мом, а, ма... – Амир қўли билан имо-ишора қилганча уйга лапанглаб югуриб кетди.

Мен ўзимиз томонга сакраб ўтдим-да, икки четига райхон экилган ариқ ичига ётиб олдим. Аммо Амир ҳам, бошқа одам ҳам уйдан чиқмади.

Бир куни отам билан Анварнинг отаси гаплашиб турганини кўрдим:

– Мактаблари бор, берсанг бўларди, – деди отам Амирга имо қилиб.

– Суриштирдим, фойдаси йўқ эмиш, – деди Элмурод раис фамгин тус олиб.

– Шерободдаги Авлиё отага олиб борсанг-чи, зора, шифо топса. Мулла-пулла дегандай... – деди отам қўлидаги ток қайчи билан вайишдаги ток новдаларини бутаркан.

– ...

Элмурод раис тирсагидан кесилган ўнг қўлтиғига носқовоғини қистириб, чап қўли билан қотқоғини бураб, унга бир отим нос ташлаб чекди. Унинг қўлини ёшлигида варақа* юлиб кетганини эшитган бўлсан-да, мен учун у онадан шундай туғилгандек эди. Балки Анварнинг отасини эсимни танибманки шу ҳолда кўриб, бошқача тасаввур қилолмаганим учундир?

*Варақа – пахта толасини чаноғидан ажратувчи ускуна

Болалигимизда бирортамиз жим бўлмай йиғлай-версак, кесилган қўлининг енгини шимарарди-да, буришириб тикилгандан сўнг қолган беўхшов чандиқ изларини кўрсатиб қўрқитган бўларди. Буни кўрган ҳар қандай бола бирдан жим бўларди-қоларди.

Бир кун Анвар билан мактабдан қайтаётиб, Амирнинг катта тупроқ йўлда қандайдир ёғоч қутичани судраб чотиб юрганини кўрдим. Ҳеч қанча вақт ўтмай йўлда Мехри хола пайдо бўлди-ю, Амирни дўйтпослай кетди. Амир қўллари билан юзларини тўсганча: “Ма, ма, кўтти..” деб йиғлар, аммо одатдагича кўзидан бир томчи ёш чиқмасди. Мехри хола хуморидан чиққунча калтаклагач, бизни кўрди-ю, тўхтади ва Амирнинг қўлидаги қутичани бағрига босганича ортига қарай-қарай лўкиллаб уйга чопиб кетди. Шу пайт кутилмаганда Анвар ҳам акасини калтаклашга тушди. Бу манзарадан карахт бўлиб қолдим. Охири чидолмай, сумкамни ерга ташлаб, Анварнинг қўлига ётишдим.

– Нимага урасан? – ажратган бўлдим.

– Ишинг бўлмасин! Барибир тушуңмайсан.

Шу-шу бўлди-ю, бежирим ишланган қутича хаёлимни бутунлай банд этди, гўё унда қандайдир тилсим яширинган. Уни билишга шунчалик интиқ эдимки, ҳатто у тушларимга ҳам кириб чиқадиган бўлди.

– Анвар, ке жўра, ўша қутичани бир кўрайлик, – дедим бир кун сабрим чидамай.

– Йўқ, бўлмайди, – деди Анвар қатъий. –

Онам яшириб қўйган.

Бир кун Амир қўлимга бир парча қофоз тутқазди; хат экан. Қўшни қиз – Араб бобонинг қизи Ферузадан. Аввалига ҳайиқдим, нега, ўзим ҳам билмайман, сўнг севиниб кетдим. Юрагим минг бир бўлакларга бўлиниб, томирларим бўйлаб юргургандек бўлди. Хатни қайта-қайта ўқидим: “Сизни кечга дарвоза ёнида кутаман...”

Хатни қўлтиқлаб Анварнинг олдига борсам, у ҳовли четидаги омборхона ёнида симдан трактор ясаб ўтирибди. Иккаламиз омборхона эшигига суюниб, севги мактубини муҳокама қилишга тушдик.

– Үнча чиройлимас-ку, – дейди Анвар, – бошқаси қуриганми сенга?!

– Ишинг бўлмасин, – дейман жаҳлим чиқиб.

– Лайлиям чиройли бўлмаган...

– Ў-ӯ, Мажнун бўлмоқчимисан, – дейди у устимдан кулиб.

Шу пайт уйдан Мехри хола чиқиб қолди. Бизни ҳужра ёнида кўриб, кўзлари ола-кула бўлиб бақира кетди:

– Нимангни йўқотгансан, ҳамманг шу ерга келасан?!

Мехри хола ерда ётган Амирнинг шақилдоғини олиб отди. Иккаламиз оёғимизни қўлимизга олиб, икки ёқса гумдон бўлдик. У анорзорга, мен кўчага қочдим. Кўп ўтмасдан иккимиз яна молхона тарафда пайдо бўлдик.

Кун ботай деб қолди. Деворга суюниб турган қуёш секингина уй ортига ўтиб кетгандек. Оёқ-қўлларимни ювиб, дастурхон бошига ўтираман. Отам чой ичиб бўлгач, бир четга ёнбошлийди-да, оёғини менга узатади. Укамга ишора қиласман:

– Бугун сан!

У лабини буриб, тумшүғини бир кўтаради-да, секингина каравотдан тушиб кўздан фойиб бўлди. Яна оёқ уқалаш ўзимга қолади. Отам хуррак отади. “Ана ухлади”, дейман, оёғини тиззамдан пастга эҳтиёткорлик билан қўймоқчи бўламан; хуррак тўхтайди-ю, отамнинг таҳдидли овози эшитилади: “Қаёқча?” Мук тушиб отамнинг оёқларини энди фижимлаб-фижимлаб уқалай бошлайман. Отам оғриқдан бўлди қил дейдими десам, қайтангга: “Ў-ў-ў, ана шундай, шунда-ай...” деб мамнун бўлади. Мен отамга қарай-қарай қачон ухларкан деб уқалашда давом этаман. Анчадан сўнг отам ростакамига ухлаб қолади...

Аммо бу пайтда Феруза “ваъдасига вафо қилмаган” йигитдан аразлаб аллақачон уйига кириб кетган бўлади. Мен эса Ферузани мактаб ёки кўчада кўрсам, уялиб, узоқроқдан ўтиб кетадиган бўлдим.

Мактаб даври ҳам тугагач, қадрдон қишлоғим билан хайрлашиб, шаҳарга ўқишига кетдим. Аммо хаёлимда шақилдоғини судраган Амир, сирли қутичаю мўъжазгина ҳужра, ўғлининг бошига муштлаб ураётган қўшни хола...

– болалигим билан боғлиқ мана шу хотиралар бегоналар яқин йўлатилмайдиган сирли ҳужра ичиди эди гўё.

* * *

Анвар билан тушгача гаплашиб ўтирдик. Охири кетар чоғ чордоқдан тушарканман:

– Эсингдами, онанг анави ҳужра ёнига ҳеч кимни йўлатмасди, – дедим ҳужрани кўрсатиб.

– Эсимда! – деди Анвар қандайдир ҳорғин овозда ҳужра томонга қараб қўяркан. Шу пайт ҳужра сиридан воқиф бўлишга жудаям қизиқаётганимни билгандай елкамга қоқиб, мени ўша томонга бошлади. – Қани, юр! Санга бир нарса кўрсатаман.

Унинг гапидан қизиқишим янада ортиб, изидан эргашдим.

Анвар катта қулфни шарақлатиб очди. Ҳужра оғир тебранди. Ичкарига қадам ташлашмиз билан унинг бурчагига кўйилган сим каравот устида ўтирган девсифат қоп-қора одам эшикдан отилиб кирган нурга дош беролмай билаги билан кўзларини тўсиб олди. Жойимда ҳайкалдек қотдим. Кўзлари йирик ва ҳорғин, соchlари елкасига кўнғироқ бўлиб тушган, соқоллари ўсан ҳайбатли одам менга қараб турарди. Устида – тўн, нокадан қилинган йўл-йўл иштон, оёғида – калиш. У шундай қаттиқ тикилдики, қалқиб кетгандек бўлдим, сўнг гўё мени илгари ҳам қаердадир кўргандек жилмайди. Ўрнидан туриб, яна жойига ўтириди. Анвар эса омбор тўрида нималарнидир ковлаштиради.

Бироз ўтгач, Анвар чанг босган қутичани кўтариб келди. Дарров танидим – ўша қутича. Аммо мен ортимда ўтирган одамдан ҳадиксраганимдан бу қутичани нима учун кўтариб чиққанига аҳамият бермадим: хаёлимда гўё ўша одам ҳозир ортимдан келиб мени бўғиб оладигандек. Анвар нималарнидир гапиради-ю, бироқ бутун фикру хаёлим ортимдаги одамда эди.

– Анвар, Анвар, – дедим эҳтиёткорона унинг билагига секин туртиб ва ортимга ишора қилиб сўрадим. – Ким бу?

– Танимадингми? – деди Анвар.

“Йўқ” деган маънода бош иргаганимни кўргач, қўрқанимни сезди, шекилли, кулиб юборди.

– Амир-ку. Акам, – деди кўлларини елкамга ташлаб. У қўқисдан қандай кулиб юборган бўлса, яна шундай ғамгин тортди. – Акамга шу ердан жой қилиб берганмиз.

Ичимдан нимадир чирт узилгандек бўлди. Амир уялгандек ерга қараб турарди. Анвар акасининг каравотига қутини қўйиб, ерда сочилиб ётган нарсаларни йигиштиришга тушди. Қутини қўлимга олиб очдим: бужмайиб қолган кичкинагина қўл. Сесканганимдан оёқ-қўлларимгача музлаб кетди. Қутини бехос қўлимдан тушириб юборганимни билмай қолдим. Қопқоғи очилиб, ичидан қўл отилиб чиқди. Пўстак терисидек тиришиб қолган қўл ва хиёл букилган бармоқлар... Кўз олдимга бир қўлий йўқ Элмурод раис келди. Анвар ялт этиб менга қаради. Мен бу ҳолатдан ҳижолат тортганча ерда ётган қўлга тикилиб турардим. Шу пайт Амир қутини ўнглаб, қўлни аввал қандай ҳолда турган бўлса шундай жойлади.

Аммо қўл билан бирга капалақдек оҳиста ерга қўнган тумор шаклидаги қофоз бувлами Амирнинг эътиборидан четда қолди. Мен ўша тумор шаклидаги қофоз бувламини олиб, беихтиёр ичини очдим. Сиёҳ ранглари бироз хира тортган жумлалар кўзимга аллақандай таниш туюлганидан синчилклаб қарадим: Ферузанинг Анварга ёзганлари экан.

Амир бир хатга, бир қути ичида тарашадай қуриб миттигина бўлиб қолган қўлга қараб турар, Анвар эса ҳамон нарсаларни йигиштириш билан овора, ора-сира нималарнидир гапириб, “Эсингдами?”, “Тўғрими?” деб қўярди. Мен эса унинг гапларини англаб-англамай “Ҳа” деб қўя қолардим, аммо ўзим олис хотираларга ғарқ эдим. Хатни Амирнинг қўлига тутқаздим-у, ташқари чиқдим. Ортга қарадим, гўё омборхона эшигидан бир қўл кўкка санчилиб тургандек, йиллар губорини яшириб келган ҳужра қартайгандек; Мехри момонинг ўзи мана шу ҳужрага эврилгандек, у барча баҳтсизликларини шу ҳужрада асраран-у, очса, улар оламга тарқалиб кетадигандек туюлди менга.

* * *

Ёз чилласи эди. Эрталаб ишга борганимдан телефон жиринглади. Гўшакни кўтардим. Таниш овоз: синфодишим Икром экан. Қисқа саломаликдан сўнг Элмурод раиснинг тонг-саҳарда жони узилганини, пешинда чиқарилишини хабар берди. Гўшакни қўйдим-у, ишдан жавоб олиб, тўғри қишлоққа жўнадим.

Уйга яқинлашганимда азага келганлар марҳумни олиб кетаётгандари устидан чиқдим. Таксидан тушиб, сафга қўшилдим. Ҳайдовчи ҳам ортимдан эргашди.

Одамлар марҳумни қабрга қўйгач, гўр оғзига фишт қалаётган эдики, узоқдан қутича кўтарганча ҳаллослаб келаётган Амир кўринди. Анварни туртиб, ўша томонга ишора қилдим. Иккимиз гап нимадалигини тушундик. Анвар дарҳол мулланинг олдига бориб, унга нималардир деди. Мулла қабр ичидан фишт қалаётган кишиларни тўхтатди.

Амир етиб келгач, Анвар унинг қўлидаги қутичани олди-да, фишт қалаётган кишиларга узатди. Кейин дағнга йигилганлар сиқимлаб тупроқ олиб, дуо ўқиб қабрга ташлай бошлиди. Назаримда, одамлар Элмурод раисни эмас, бир пайтлар докторлар дорилаб қутига жойлаб берган қўлни кўмаётгандек эди. Шу пайт ортимдан ғайриоддий ҳўнграган овоз эшитилди...



Рауф ПАРФИ,
Ўзбекистон халқ шоири

1943 йил 27 сентябрда Тошкент вилояти Янгийўл туманинда Шўралисой қишлоғида туғилган. Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)да таҳсил олган.

Шоирнинг биринчи китоби – “Карвон йўли” 1968 йили нашр этилган. Шундан сўнг “Акс садо” (1970), “Тасвир” (1973), “Хотирот” (1975), “Кўзлар” (1978), “Қайтиш” (1981), “Сабр дарахти” (1986), “Сукунат” (1991), “Тавба” (2000) каби шеърий китоблари эълон қилинди. Вафтидан сўнг “Видо” (2006), “Сакина” (2013), “Туркистон ёди” (2013) сингари тўпламлари босилиб чиқди.

Рауф Парфи К.Каладзенинг “Денгиз хаёли” (1972), Байроннинг “Манфред” (1973), А.Саламатнинг “Олтин болта” (1974), И.Нонешвилининг “Шиддат” (1976), А.Дюманинг “Уч сарбоз” (пьеса, 1980), Н.Ҳикматнинг “Инсон манзаралари” (1981), А.Твардовскийнинг “Зайтун новдаси” (1981), “Хотира ҳуқуқи” (1985), “Уйғур шоирлари” (1986), “Озод инсон қўшиғи” (1988), У.Сарояннинг “Ҳой, ким бор?” асарини ҳамда Б.Брехт, П.Неруда, Г.Эмин, О. Вацетис каби дунё адабиёти намояндалари ижодидан намуналарни ўзбек тилига таржима қилган.

2005 йили Тошкент шаҳрида вафот этган.

* * *

Бутун кега ўғсан ва сокин,
хона игра қолмашдик ташқо,
бир төзбалик рұхимга ҳоким,
шундаи ҳоким рұхимга ғенжом.

Одан оқар. Деборда суврат:
мовси дениз үсюнда кела...
Ташқолиң үртада ҳурмат
ва севтига ўхшаш бир нима.

Мен ўйласман, подан бошлай сам,
сен ўйлассан не қиласи павод,
на аулади, на ўнгасди қада,
қараштардо яхлати сарод.

Бутун кега ўғсан ва сокин,
хона игра қолмашдик ташқо.
Мен динадин-севаман сени,
севолишмак-жаддин сен ҳом.

Рауф Парфи.

Шоир шахсиятидаги жозиба ва ўзига хослик мени унинг битганларига ҳам ўзгача назар билан қарашга ундади. Рауф Парфи шеърларини излаб ўқидиган, ўқиганларимни тушунишга, мен кўнукмаган бу галати битиклар замиридаги маънони англашга интиладиган бўлдим. Шунда билдимки, бадиий асарни идрок этишида илк таассурот ҳамиша ҳам тўғри бўлавермас экан.

Рауф Парфи шеърларининг ўзига хослиги шахсиятининг бетакрорлигига эди.

Қозоқбой Йўлдош,
профессор.

Жўрабек Рамазон

Ёш адиларнинг Зоминда бўлган йигинидан қайтган Сирожиддин Сайиддинг “Ака, бойсунлик бир йигитни шебрларини ўқидим. Жуда яхши экан. Бойсундан барибир чиқар экан-да!” деган гапи бирдан эсимга тушади. Мен ўзимча, “кўнглим учун бир бойсунликни мақтаб қўйди-да”, деган хаёлга бордим. Хуллас, бу ҳақда кейин ўйлаганим эсимда йўқ. Мана, ҳозир бирдан хаёлимга келди.



Онам вафот этганларидан кейин Бойсун мендан бир қадар узоқлашгандай – борганимда, аввалгида соғиниб бағрига босмаётгандай туюла бошлади. Ўзи, аслида ҳам шундай. Илгарилари кўчага чиқсан, кўчанинг ҳар тарафидан “Э, Усмон!” деб қучоқ очиб чиқадиган дўсту ёрлар ҳам камайган – мени танийдиганлар бир бўлса, танимайдиганлар сони юз. Танисалар ҳам кўпчилик ўзини тортиб туради – улар Бойсундан кетганимдан кейин ўсиб-унган ҳамشاҳарларим. Улар учун умрнинг бир парча йўлини бирга босган бойсунлик эмасман, ахён-ахён келиб кетадиган бир меҳмонман, холос. Мени болалигимдан биладиган; чиндан яхши кўриб, эъзозлайдиган қариндош-уругнинг ҳам сафи сийраклаша бошлади... Парвардигор! Тирикларга умр бер!

Вақт ўтаяпти-да! Болалигимдан таниш-билиш биродарларимнинг қўти эса энди хонанишин бўлиб қолган, кимлардир (минг афсус!) бу дунёning яхши-ёмон амалларига видо айтиб, умрларига якун ясаган...

Бойсун ҳаётимни тўлдирган одамлари билан жону танимга чирмашганини эллигимдан ошгандан сўнг тушиниб ета бошладим. Йўқ, аввал ҳам билганман, аммо энди аллақандай ўртаниб, бедаво бир соғинчда ҳис қилишга тушдим.

Усмон АЗИМ,
Ўзбекистон халқ шоири

1950 йили туғилган.
Тошкент давлат университети(хозирги ЎзМУ)
ни тамомлаган.
Биринчи китоби – “Инсонни тушуниш”. Шундан сўнг “Холат”, “Оқибат”, “Кўзгу”,
“Сурат парчалари”,
“Дарс”, “Иккинчи апрел”,
“Бахшиёна”, “Фаройиб аждарҳо”, “Уйғониш азоби”,
“Фусса”, “Узун тун”, “Бор экан-да, йўқ экан”, “Куз”,
“Фонус”, “Юрак”, “Жимлик”
каби шеърий китоблари
нашр этилган.

Янги дўсту биродар-ларимни кашф этиш учун эса вақт керак. Аммо ўша вақт қани? Ёш ўтган сари менинг касбимдаги кишилар вақт етмаётганидан азоб чека бошлайди. Бойсунга сафарларим эса йиллар ўтган сари қисқариб боргани-борган... Шошиб бораман, шошиб жўнайман. Суягим тинчид, Бойсун меҳрига қонмаганимга қанча бўлди?

Шу сабабданми,
Жўрабек Рамазон
 билан кеч учрашдим.

– Усмонжон, – деб қолдилар Чучук опам аллағайтиб Тошкентга бир келганларида, –

Бойсунда бир шоир ийгит бор. Шундай яхши ёзади! Ёзган шеърларини газетадан қирқиб олиб қўяман...

– Йўғ-е! – дейман ишонқирамай.

– Бир кўнглидан чиқариб ёзади... – Опам ўша шеърларни мазасини эслабми, гапидан чалғи-майдилар. – Бойсунга борганингизда шу ийгит билан бир учрашинг! Оти Жўрабек Рамазон. Энаси ҳам бир яхши хотин!..

Нохос нимадир элас-элас хаёлимда йилтиллайди.

– Э-э! – дейман бирдан, – Сирожиддин айтган эди! Ўша ийгит!

Ёш адиларнинг Зоминда бўлган ийгинидан қайтган Сирожиддин Сайийднинг “Ака, бойсунлик бир ийгитнинг шеърларини ўқидим. Жуда яхши экан. Бойсундан барибир чиқар экан-да!” деган гапи бирдан эсимга тушади. Мен ўзимча “Кўнглим учун бир бойсунликни мақтаб кўйди-да”, деган хаёлга бордим. Хуллас, бу ҳақда кейин ўйлаганим эсимда йўқ. Мана, ҳозир бирдан хаёлимга келди.

Аввал Жўрабекнинг китоблари қўлимга тегди. Биринчи сатрданоқ қувониб кетдим: Шоир! Албатта, шоир!..

Ҳаво на фараҳбахи, на-да ҳаво дим.
Қаромиди, оқми кечанинг ранги?



Менинг ёнгинамда ўтирарди жим
Атлас лиboslarга ўранган СЕВГИ.

Шошиб ўқий бошли-дим.

Ҳар бир сатр, ҳар бир шеърдан шоирлик барқ уриб турибди. Жуда дардли, ўта шижоатли, кўнгил қисматининг манзаралари; ҳаётнинг кўзига тик қараб ёзилган, ҳатто ўлимдан ҳам чўчимайди. Мен бундай мардоналиктни жуда яхши кўраман. Азалдан Шарқнинг буюк шоирлари ҳаёту мамотнинг ўртасида тўлғониб шеър ёзганлар. Шеър жони ширинларнинг иши эмас. “Чун қўллим билан оёғим боғламоқ

ҳожат эмас, Мен ўлимга розиман, ки тургали тоқат эмас!” – бу сатрларни жони сабил қолган Машраб бобомиз ёзганлар! Худди шундай! Ҳақиқий шоирларни жони озми-кўтми сабил қолган бўлади. Улар – фақат улар! – дунёни дунёдан кўра чиройли, дунёдан кўра дардли, дунёдан фожеали кўрадилар! Уларнинг жони ҳамманикidan кўра ортиқроқ куяди. Улар “ўлим ҳақ”лигини бўйнига олган одамлар. Ҳазрати Баҳовуддин айтганлар-ку: “Ҳеч нарсамиз йўғ-у, ҳеч камимиз йўқ. Ҳечимиз йўқлиқдан ҳеч ғами-миз йўқ. Жандамиз – елкада, елкада – гўристон, Гар улар бўлсак, ҳеч мотамимиз йўқ!” Худди шундай! “Гар улар бўлсак”... Худди шундай!

Бу Жўрабек Рамазон деганлари ҳам боболари монанд жуда қўрқмас, мардона шоир экан! Мана, ўқинг!

Фалак мени ерга айлади қулгу.
Юнус париларни яшириб горга.
Ажал келса, пешвоз чиқаман, чунки
Чақирмайди мени худо бекорга...

Бу сатрларда аллақандай бешафқат тақдир оқибатини ҳис қилиш бор. Ўқиганимда, юракларим увишиб кетгани ҳануз эсимда.

Бойсунга борганимдаёқ Жўрабекни суриштиришга тушдим.

– Газетада ишлайди, – деди ака дўстим Собир Ядиков. – Ҳа, топди-райми?

– Топдиринг! Бир кўришайлик.

– Нимага? – Собир ака менга ажисиниб қаради. Чунки бирор билан бу қадар бесабр қаътийликда сұхбатлашгим келганини анчадан буён кўрмаган бўлса керак.

– Шу Жўрабек... шоир.

Собир ака энди тамоман ҳайрон қолиб турганини кўриб, яна гаптимни тасдиқладим:

– Катта шоир!

Собир ака биртас тараддулланиб турди. Кўпни кўрган бу одам “катта шоир”лар Бойсунда эмас, Тошкентда яшашини яхши билади. Туман газетида ишлайдиган Жўрабекнинг ҳам “катта шоир”лигига ишонмоқ учун энди озгина нафас ростлаш керак-да!

– Туман газетасида шеърлари чиқиб туради, – деди ниҳоят кўнглида туғилаётган ишончга далда беришга интилгандай у киши.

Сўнг қўнфироқ қила бошлади.

– Ана Жўрабекнинг телефон рақамини биласанми? Усмон сўраяпти... Нимага керак экан? Билмасам, “катта шоир” деяпти-ку!..

У киши кимларгadir Жўрабекдан топишини топширгач, “катта шоир”дан гурунг бера бошлади:

– Ошхонаю чойхонада кўринмайди. Нимагадир бир ўзи юради. Бирор билан бундай қўшилиб кетадиган бола эмас. Оғиргина йигит...

“Катта шоир” мен қўнган хонадонга келди. Ўрта бўйли, келишган йигит экан.

Ҳақиқатан ҳам, жуда босик. Гёё ёйи-либ кулишни унугтган – ҳазил-хузулга бир жилмайиб қўяди.

Үндан-бундан гаплашиб ўтиридик. Мен унга “шоир экан”лигини қайта-қайта айтдим. Чунки биламан: ижодкор учун ўзидан бир-икки кўйлак кўп йиртган ҳамкасларининг эътирофи жуда муҳим. Шеърларидаги менга камчилик бўлиб туюлган жойларини ҳам жуда қисқа бир тарз – енгил-елтигигина айтиб ўтдим. Батафсил айтишга эса ўрин йўқ, у ҳам-масини ўзи биладигандай эди. Бу ҳол

ҳам жуда муҳим: ўзининг камчиликларини кўриш мақомига чиққан ижодкордан умид қилса бўлади.

Мен Жўрабекнинг “бир ўзи юришини” билсан ҳам, дўстлари билан, даврадошлари билан қизиққан бўлдим. Чунки сұхбатдошлар давраси маълум бир пайтда ёш ижодкор учун жуда зарур. У ўзига тенг ёки тажрибали ижодкорлар орасида тезроқ ўниб-ўсади. “Сұхбат дар анжуман” деганлар-ку Баҳовуддин Нақшбанд бобомиз!

– Дўстларим... – дейди-ю, Жўрабек бироз ўйланиб қолади, – бор. Интернет орқали гаплашиб турдими.

– Кимлар? – дейман, унга хурматим бирдан яна-да ошиб. Чунки интернетдан жуда йироқман. Шу сабабданми, интернетда ишлай биладиганларга хурматим баланд. Улар ўзгача одамлар бўлиб туюлади менга. Интернетдаги дўстлик ҳақида эса биринчи бор эшишиб туришим.

– Шу... Шеърга қизиқадиганлар... Хўжандда Одил Икром деган шоир бор.

Одил! Одил Икром-да! Мен қувониб кетаман. Жуда яхши қўраман шу укамни. Яхши шоир ва тоза одам. Республика радиосида бирга ишлаганмиз. Унинг билан юракдошлигимиз борлигини мудом ҳис қилганман. Аммо кўрмаганимга қанча бўлди? Йигирма йилдан ошди, шекилли. Юртига кетган экан-да! Жўрабекнинг интернетдан топган ошнасини қаранг! Яхшилар бир-бирини топар экан-да!

– Одил ёзяптими? – деб сўрайман умид билан.

– Яхши шеърларини интернетда кўрдим. Ҳозир Румийни таржима қиляпти, – дейди Жўрабек. – Ўқидим. Яхши.

Мен хурсанд бўламан ва дарҳол, одатимга кўра, “фойдали” маслаҳатлар бера бошлайман.

– Форс тилини биласиз-а?

Жўрабек бош силкитиб тасдиқлади.

– Сиз ҳам шу форс шоирларини таржима қилмай-сизми? Қандай буюк шоирлар бор! Менинг тишим форс-чага ўтмайди. Агар ўтган-да!.. Сиз таржима қилинг! Хўпми?

– Хўп, – дейди Жўрабек ва яна жилмайиб қўяди.

Гап айланниб, бундай савоб ишларни ажаб тарзда амалга ошираётган Жамол Камол, Бедилни ҳассослик билан ўзбеклаштирган марҳум дўстим Матназар Абдулҳакимга тақалади...

Аммо сұхбат асносида бу йигитдаги нимадир мени безовта этгани этган эди. Унга нима бўлган? Жўрабекнинг теварагини аллақандай бир девор ўраб тургандай туюлаверди менга. Нима у?

Жўрабек кетгандан кейин бу хавотиримни Собир акага айтдим.

– Мазаси йўқ дейишади, – деди Собир ака. – Билмасам, кўриниши сопта-соғ.

Ҳақиқатан ҳам, Жўрабекнинг гавдаси пишиқ, кўринишидан сопта-соғ эди.

Жўрабек кетгач, келтирган бир даста шеърларини ўқимоқчи бўлиб қўлимга олдим.

Бу туркум шеърлар, назаримда, чот этиш учунми тайёрланган, ҳатто бир парча қофозда шоир ҳақида қисқача маълумотнома ҳам бор эди.

Ичимда шарҳлаб, ўқишига тушдим:

“Жўрабек Рамазонов 1983 йил Сурхондарё вилоятининг Бойсун шаҳрида туғилган. Тумандаги 1-мактабда таҳсил олган”... Бизнинг мактабда ўқиган экан! “Бизнинг” деганимниң сабаби шуки, Шукур ака Холмирзаев, Эркин Аъзам ва каминаю камтарин ҳам шу мактабни битирганимиз... “Ўзбекистон ёш ижодкорларининг Зомин семинари иштирокчиси”... Сироҗиддин рост айтган экан-да! “Тавалло”, “Бугун”, “Юр, қочиб кетамиз” номли шеърлар тўпламлари нашр этилган”... Бу китобларни ким ўқиди? Илгари Тошкентда нашр этилган кафтдай китобча республиканинг ҳар бир чекка қишлоғигача етиб боргич эди. Энди ҳар бир вилоятда нашриёт, аммо нашр этилган китоблар ўша вилоят доирасида қолиб кетяпти. Умуммиллат кўламида довруғ солиши мумкин бўлган истеъододларнинг узоқдаги овозлари Тошкентга етиб бормаяпти... “Айни кунда “Бойсун” газетасининг бўлим мудири”...

Бори – шу. Тўрт энлик таржимаи ҳол. Ҳали ёш-да! Худо умрини берса, шу расмийгина умр чизгилари ҳам саҳифа-саҳифа бўлиб кетади ҳали! Ҳали...

Шундай умидлар билан шеърларни кўздан кечира бошладим.

Энди ҳисоблаб чиқсан, ўша кунлар Жўрабек Рамазон йигирма тўқизга кирган экан.

Эртаси Собир ака қўнгироқ қилиб, Жўрабек бир пиёла чой бермоқчи бўлганини айтди.

Мен аввалига раъииш бермадим. Бирор таларинг имо қилмадиларингми? Нима қиласи овора бўлиб? Бирор нарсани баҳона қилиб, Жўрабекни шу ташвишдан қутқарсан бўлмайдими?

Бўлмас экан.

– Бир ният қилиби, – деди Собир ака. – Айтдим-ку, ҳеч кимга қўшилмайди. Раъйини қайтармайлик. Бола синади...

Рози бўлдим.

Тўрт киши бўлиб кимсан Жўрабек Рамазон берадиган базмга жўнадик.

Йўл-йўлакай ака биродарим Шукур Холмирзаевнинг дўсти – сўзамол, ҳазилкаш Исмат Норбоев мендан жиддий суриштириб келяпти:

– Усмон, шу Жўрабек ростдан шоирми?

– Ҳа.

– Шоирлиги қанча?

– Катта. Жуда катта.

Исмат ака менга “Алдамаяптими?” дегандай синчков қарайди. Бу киши ҳам Жўрабекнинг шоирлигига ишонмаяпти. Шукур Холмирзаевдай адигба дўстлик қилган одам-да! “Катта шоир” туман газетасида ўралашиб юришини танига сиғдиrolмайди.

Бойсуннинг ўртасида – шундок бозорнинг рўпарасида – чорбоғ бор. Аллақандай



чиdamли, ақлли, бошидан күтп нарсаны ўтказган бөг. Масалан, ҳамма жойда бу йўсин масканларни бегона лафзда “парк” деб атаб кетишигандан ҳам, у событилик билан бойсунликларга ўзини “чорбөг” деб айтишларига изн берган. Кейинчалик катталардан кимдир бу жойдан “чорбөг”лик унвонини олиб ташлаб, бошқа жойдан чорбөг қурдириб, дараҳт экдириб, дам олиш масканы айлантириш тараддуғига тушди. Айтганини бажарди ҳам. Энди керак эмас деб ўйландими, эски чорбогнинг бир қисмига болалар боғчаси, бир қисмига яна аллақандай иморатлар қурдирилди. Эски чорбөг эса “миқ” этмай торгина бўлиб қолган бағрига тиқилиб яшайверди. Чунки бойсунликлар уни унутмади. Ноиложлиқдан жисп қилиб қўйилган столлар теграсига, чорпояларга тиқилишиб, садоқат намуналарини кўрсатишганича, бир парча бўлиб қолган боғни тўлдириб ўтиридилар. “Парк”ка боришини ҳеч ким хушламади. Оқибат, бечорани томорқаликка бўлиб беришга мажбур бўлинди. Ўзимизнинг чорбөг эса бойсунликлару бойсуннинг меҳмонлари билан лиқ тўла. Жайдари, кўнгли очиқ чорбөг. Сабрли, ақлли. Вақт ҳамма нарсани ўрнига кўйишини аниқ билади...

Мана шу чорбокқа кириб келдик.

Чорбогнинг тўридаги чорпоянинг олдида Жўрабек турибди.

Исмат ака уни кўргани заҳоти булбулдай сайраб кетди:

– Мана, устозингни олиб келдим! Топган-тутганингни дастурхонга торт! Бир базми жамшид қиласайлик!

Жўрабек – юзида ўша сокин табассум – бизга пешвоз чиққан бўлади. “Ўзингиздан, ўзингиздан...” деб, чорпояга жойлашамиз. Ҳол-аҳвол сўрашамиз... Жўрабек мен билан биринчи бор кўрганида қандай босиқ сўрашган бўлса, худди шу тарзда сўрашади. На бир қадам яқин келган, на бир қадам олис кетган. Аммо мен биламан-ку, биз яқинмиз! Жуда яқинмиз! Юракдошмиз! Биз шеър деган бир бало дардга йўлиққанмиз! Ҳа, ўша... Ўша – “...ки тургали тоқат эмас”! Ўша!..

– Қани, бундай югуриб хизмат қилмайсанми?

– Исмат ака даллигулиллик қиласигти. – Усмон тан олган бўлса, бахting очилибди! Ўйнаб-кулмайсанми? Нонни синдир, шишаларни оч!..

Жўрабек қовушмайгина хизматни бошлайди. Унга не давраларни кўрган Собир ака ёрдамга келади. Бирпасда ҳаммаси Исмат ака хоҳлагандай бўлади. Нон синдирилади, таомлар келтирилади, чойхона хизматчилари хизматга уннаб кетишади, шишалар очилади...

Мен Жўрабекнинг “бир ўзи юришини” билсан ҳам, дўстлари билан, даврадошлири билан қизиқкан бўлдим. Чунки сұхбатдошлар давраси маълум бир пайтда ёш ижодкор учун жуда зарур. У ўзига тенг ёки тажрибали ижодкорлар орасида тезроқ ўниб-ўсади. “Сұхбат дар анжуман” деганлар-ку Баҳовуддин Нақшбанд бобомиз!

Мен бошқаларга билдирамай, хомуш тортаман.

Агар бир шоир бошқа бирини тан олиши баҳт бўлса, шу йигитнинг баҳти очилди! Албатта, баҳти очилди! Мен ҳам бу ҳолни бошимдан ўтказганман, адабиётдаги катта акаларимнинг бир оғиз яхши гапидан қанот боғлаб юрган дамларим бўлган! Аммо бошқа нима? Мен бу йигит учун нима қилоламан? Нима ёрдам бероламан? Ҳеч нарса! Минг афсуски, ижод ва тақдир олдида ҳар биримиз ёлғизмиз. Барчамиз ўз қисматимизни ўзимиз тортамиз!

Ўтириш эса қизиягти.

Энг қизиги, икки шоир – Жўрабек ва мен ароқ ичмайдиган чиқдик. Бошқалар завқу шавққа тўлиб кўтиришаётганда иккаламиз секингина гурунглашиб ўтиридик.

– Қаерда ўқигансиз?

Жўрабек бир қимтиниб, табассум қиласиди:

– Ўқишига бир борган эдим. Қўл қисқалиқ қилиб... Ўқиёлмадим.

Ана энди ҳайратланиб юрган Собир акаю Исмат акага ўхшаб, мен ҳам карахтланаман.

– Мактабни битирганингиздан кейин... бирор жойда ўқимаганмисиз?

– Йўқ.

Унга қараб, меҳрим жўшиб кетади.

– Баракалло! – дейман. – Баракалло, Жўрабек!

Бу болага худо берган экан! Адашмай, кўнгилни топиб борганини қаранг! Фақат ўзи билан ўзи гаплашиб, шеър ёзаверган-да! Яна қандай шеърлар!.. Аммо барибир ичим ачииди. Ўқиганда, адабий давраларда бўлганда, бир йиллик йўлга бир кунда етиб бормасмиди? Қийналган! Жуда қийналган!

Исмат ака эса завқу шавққа түлиб, устма-уст қадаҳ сўзи айтаяптилар:

– Олайлик, олдирмайлик! Ўв, Жўрабек! Сен энди давраларни тўлдириб юр! Одамларга қўшил! Бу дунёси ўтади, кетади! Ўйнаб-кулганинг қолади.. Қани, уриштири!.. Э, ичмайсан-да! Ҳеч бўлмаса, чой билан уриштири! Сенга шуниси ҳам бўлади!..

Худди шундай! Бизга чой бўлади!

– Биз чой билан ҳам маст бўламиз, а, Жўрабек!

“Ҳа”, деб гатимни тасдиқлайди Жўрабек юзига шавқ ютуриб ва мен имо қилгандан кейин пиёлани қўлга олади.

Жўрабек иккаламиз чой қўйилган пиёлаларни қўтарамиз.

– Икковларингнинг бу ичишларингда шеърни ким ёзди?

Давра авж олади.

Мен Жўрабекка зимдан қараб-қараб қўяман. Негадир кўнглимга хавотир тушади.

Эртаси бир ҳамқишлоғим уйига таклиф қилди.

Собир акага Жўрабекни билан биргаллашиб борсак, яхши бўлишини айтдим.

– Буни топиш ҳам қийин...

Собир ака яна қўнгироқ қилишга тушиб кетди.

– Бўлди, келади, – деди ниҳоят хотиржам тортиб.

Жўрабек ҳақиқатан ҳам келди.

Мезбоннинг уйига кун ботищдан сал аввал етиб бордик.

Меҳмонхонага дастурхон ёзилган экан.

Дастурхон айланиб ўтиридик. Очик дераза тагига Жўрабекни ўтқаздик.

Одатдаги меҳмондорчилик. Латифа, Бойсуннинг ўтган-кетганидан гангур-гунгур сұхбат. Мен эса қувониб, Жўрабекни ҳаммага қайта-қайта таништираман:

– Бу киши катта шоир.

Билишсин, фахрланишсин, деб ўйлаётган бўлсам керак-да!

Бирпасда кеч бўлди. Деразадан қўриниб турган ёзги боғни қоронғилик қамраб олди.

Ўтириш гурилляяпти. Ҳаммани давранинг сурури қамраб олган.

Фақат Жўрабек... бир ўзи ўтирибди. Сезиб турибман, бир ўзи. Ўқтин-ўқтин деразага ҳадиксирабми, хавотирдами қараб қўяди. У қоронғи боғда нимани кўрди?

Наҳотки, мен тахмин этган ўша девор қоронғиликка ботган дараҳтзордан чиқиб, у

томонга бостириб келаётган бўлса? Ўраб олаётган бўлса?.. Мен у деворнинг силжиб келишини ҳис қиласман. Суякларим сирқираиди.

– Жўрабекжон, – дейман, кўнглимдан ўтаётган гапни бошқаларга сездирмаслик учун баланд овозда, – Иссиқлаб кетдим. Бизга ҳам шабада тегсин! Деразанинг ёнини менга бериб, жойимга ўтинг.

Жўрабек негадир менга қандайдир айби бордай ийманиб қарайди.

– Қани, бўлинг!

Дераза тагига ўтдим.

Жўрабекни эса қўярда-қўймай тўрга – менинг ўрнимга ўтқаздик. У енгил тортганини сездим.

– Ёзилиб ўтиринг, – дейман Жўрабекка. – Биздай акаларнинг даврасида эркин ўтиринг!

Жўрабек “хўп” дегандай боз қимирлатади. Яна юзида ўша босиқ табассум. Яна у менга аллақандай қўринмас девор ичидаги ўтиргандай туюлади. Бу йигитга нима бўлган?

Ўтиришдан чиқиб, Жўрабекни уйига қолдиридик-да, хайрлашдик.

Жўрабек Рамазон билан қайта дийдор кўришмоқ менга насиб қилмади.

Тошкентга Жўрабекнинг бир даста шеърларини кўтариб келдим. Бир туркум шеъри чоп ҳам этилди. Бойсунга эса ёлчиб боролганим ҳам йўқ. Иккита нордай тоғам вафот этганида тонгда бориб, кечда шошиб қайтдим. Ҳа, яна бир йўлим тушганда жигаримга даво бўлар эканми, деб Омонхонага югурдим... Жўрабекни суриштирамадим. Негадир суриштиришдан ҳам чўчишим. Бу шоир эса йўқлаб келишни ҳам билмайди...

Кузда Бойсундан қўнгироқ қилган оғайнилардан бири Жўрабекни “бериб қўйишганини” айтди. Касал бўлмасдан – ярим кунгина ётар-ётмасдан жон узибди. Музлаб қолдим. “Бу дунёning одами эмас эди, ўзи”, деб ўйладим ичим қуйиб.

Жўрабек Рамазон 2014 йилнинг 1 октябрида вафот этди.

У ўттиз бирга кирган эди.

Раҳматли Қодир бахши ғайғайлаб айтгич эди:
Бу дунёси, дўстлар, капитархонадир –
Бири қўниб, бири учиб борадир...

Жўрабек ҳам учиб кетди.

Бизга қолдиригани эса шеърлар.

Ўқисанг, вужуду руҳингга титроқ соладиган шеърлар.

Азим СУОН

Зоминтогда

Такали чўққида туриман чошгоҳ,
Тоғсоя бағрида ўйнар кийиклар.
Қийқириб қўяди ногоҳ, бағагоҳ,
Тиник қўқда бургут – қўзи қийиклар.

Шуғлалар рақс тушар – қуюқ, арчазор –
Яшил ўрмонзорнинг сраларида.
Йилқилар уюри ўтлар беозор
Ўриклисой қири, дараларида.

Бири-бири билан баҳслашган янглиг
Какликлар ҳар ёнда тўлиб сайдрашар.
Қайдা бўлса агар бир кўнгли мунглиг,
Иймоним комилки, бунда яйрашар!

Үрилиб-сурилиб тошлиардан тошга,
Илк оёқлаган қўзичоқлардай,
Ёлдор қояларни тутиб қуёшга
Ўйноқлаб, шарқираб оқар Зоминсой.

Эй, ўзбекиортимнинг тило гўшаси –
Зоминтог, нақадар гўзалсан гўзал!
Мени қучиб олар илхом париси
Сенинг қучогинга келганда ҳар гал!

2003 йил



БАШКИРДЫК КИТЛЕНЕССЕСКИЙ
КИТАЛЫК СОЛДАТЫ

ЗОМИННИНГ
ТИЛ
ҚОМУСИ

Харитага қарасанғиз,
Самарқанд ва Фарғона орасида
тизма тоғлар узалиб ётибди.
Шимоли адоқсиз дашт... Ҳуддики
улкан уммонда тўлқинилар шу
девор-тоғларга келиб урилиб, яна
ортга қайтадигандек таассурот
қолдиради. Замонлар оша шун-
дай ҳам бўлган: буюк кўчишлар
асноси Туркистон тоги ёқасини
кўтлаб туркий эллар макон
тутган, асрлар бўйи бу ерда
элибой тамаддуни гуллаб-яш-
наган. Бугунги Зомин тумани
мазкур табиий-географик ҳудуд
ва тарихий-маданий маскан-
нинг бир бўлаги бўлиб, кўхна
дуру жавоҳирларни ўз бағрида
асраб келмоқда. Гўзал табиати,
шонли ўтмишини кўятуинг,
ҳозир ҳам зоминликлар дилию
тилида яшаётган сўз ва ибора-
ларни айтмайсизми. “Зоминнинг
тил қомуси” (Босим Тўйичибоев,
Қозоқбой Қашқирли) китобини
варақларкансиз, халқимиз шун-
чаки гапиргандга ҳам қанчалик
образли гапиришига қойил қола-
сиз. Элимизнинг тафаккури жило-
ларидан кўнглингиз яйрайди. Бу
имлоларни сизга тўлиқ етказиш
учун транскрипциядан фойдала-
нилган.

ЗОМИННИНГ КЎРКАМ СЎЗЛАРИ

АБҚАРА – Жануби-ғарб томон. **Абқараның шамалы тур-
дымы, ҳава жавады** – Жануби-ғарб томондан шамол турса,
ёмғир ёғади.

АЗАН АЛАГЭВГҮМ – озон олагавгум. Туннинг кун
 билан алмashiш олди, “субҳи козиб”.

АЙҚАРА – ойқоро. Чопоннинг бир ўнгирини бошга,
иккинчисини оёқ томонга қилиб ётниб ётиш. Йргаш
чапанды айқара жавып жатыр – Эргаш чопонни ойқора ёти-
ниб ётибди.

АЙТУВЛЫ – ОЙТУВЛИ. Атоқли, таниқли. **Ҳайат Шадман**
– **Забындық айтувлы шайыры** – Ҳаёт Шодмон – Зоминнинг
таниқли шоири.

АЛААВУЗ – олоовуз. 1. Қараашлар ҳар хиллиги, гапнинг
бир жойдан чиқмаслиги ҳолати ифодаси. **Шуйтыш алаавуз**
боп жўрәбэрсәк гөрәм бомаймызы – Шунаقا қилиб ола оғиз
бўлиб юраверсак, ҳеч бало қилолмаймиз. 2. Ҳамиша қўп-
чиликка қарши гап айтадиган одам.

АЛАҒАЙЫМ – олоғойим.

Бегам, бепарво. **Эр жанъварам**
таза алағайым экан – Эриям жуда
бепарво экан.

АЛАҒЗЫШ – олоғзиш.

Ваҳима босиши, босинқираш.

Жанъыз жатма, алағзыйсан –
Ёлғиз ётма, босинқираисан.

АЛАГЭВГҮМ – олагавгум.

Куннинг тун билан алмashiш
олди, талош палласи.

АТҚАМЫНЭР – отқаминар.

Хурматли, эътиборли одам
сифати. **Төрәбек біздің атқа-
мынәріміз** – Тўрабек бизнинг
отгаминар (обрўли) одамимиз.

АШЛАҚ – ошлоқ. Дастурхон.

Бавам дастарқанды ашлақ дәгічійді
– Бобом дастурхонни ошлоқ
дегич эди.

АШЫЧ – ошич. Қозон.

Ашычты жувып қой – Қозонни
ювиб қўй.

БАЙҚОЗЫ – бойқўзи. Янги
кийим кийган болага суюнчи

бериш одати. **Тагам**
маган байқозы бэрді –
Тоғам менга бойқўзи
(суюнчи) берди.

БОЗАЛАМ – бўзолм. 1. Кўкаламзор.
2. Бўз рангидаги, яъни
қовжираётган майса-
зор.

БУРУМ – бурум.
Муюлиш, бурилиш.

**Ҳана бурумнан бурула-
сыз** – Анови муюлиш-
дан буриласиз.

БЭТКЭЙ – беткай.
Қуёш нури тушади-
ган томон, жануб. **Үйді**
бэткайгэ сапты – Үйни
беткайга қурибди.

ГІДІК – гидик.
Кучук, итнинг боласи.

ГУППИ – гуппи. Ҳов-
лиқма, мақтанчоқ.

ГУРДЭ – гурда.

Виждон, ор-номус. Гұрдәсі бар адам бу ішті қымайды – Виждони бор одам бу ишни қилмайди.

ДӘТТІ – датти. Жажжи, ёқимтой. **Дәттігәнә улларың барәкән, жарапышынап** – Жажжигина ўғилларинг бор экан, ярашинглар.

ДЕКӘЙ – дүйкай. Бошлиқ, каттакон.

ЖАЛПАҚТІЛ – жолтоқтил. Халқ тили, қора тил, сўзлашув тили. **Жашлар жалпақ тілді білмәйді** – Ёшлар ялтоқ тилни билмайди.

ЖАМАНТАЙ – жомонтой. Ўғил болаларни әркалаш учун ишлатиладиган сўз. **Жамантай-мам кәттә боп қалды** – Ёмонтойим ҳам катта бўлиб қолди.

ЖАНА – жоно. Ёнбаир.

ЖАТЫБАТАР – жотиботор. 1. Кураш усулларидан бири.

Улуқ жатыбатарға уста – Улуғ ётиботарга уста. 2. Пичинг гап, қонкув, кесатик. **Турсунай таза жатыбатар экан, бәрімізді авзыга қаратты** – Турсуной жуда пичингга уста экан, баримизни оғзига қаратди.

ЖУЛҚИНДЫ – жулқинди. Ҳар нарсага аралашаверадиган, олдинга чиқишни яхши кўрадиган одам, сукматаёқ.

ЖЭРМИТӘ – жермита. 1. Чумолидан ҳам майда жонивор. 2. Ҳар нарсадан фойда чиқаришни ўйладиган майда одам. **Қочқар өлсін, жәрмітә оқшамай** – Кўчкор ўлсин, ермитага ўшшамай.

КӘМПИРАВУЗ – кампировуз. Омбир.

КӨРКӘМСӨЗ – кўркамсўз. Бадий сўз, таъсирли сўз.

КӨРСАВДА – кўрсовдо. Сотганда арzon, олганда қиммат оладиган бозорбильмас одам сифати. **Жақшыбай барып турған көрсавда** – Яхшибай бориб турған кўрсавдо одам.

КӨРТҮЙҮН – кўртуйун.

1. Ечиб бўлмайдиган тутун.

Жыпты көртүйүн қып бәйләмә – Итни ечилмайдиган қилиб бойлама. 2. Бажариб бўлмайдиган иш. **Сәнің ышың көртүйүн-гү!** – Сенинг ишинг битмайдиган-ку!

КӨСӘМСӨЗ – кўсамсўз.

Ўткир сўз, публицистик сўз.

МУҢНЫҚ – мунгниқ. Мунгли, зоминликлар аёл қариндошларни шу атама билан умумлаштиришади. **Қызларгул муңнықта, сән жігіт адам, қәбәр аптур** – Қизларгул муңлуғда, сен ийигит одам хабар олиб тур.

МҮРИК – мурик. 1. Буришган, кичик қовун. **Мүрік қавундыйам саттыңма?** – Мурик қовунни ҳам

сотдингми? 2. Кўримсиз, кичкина одам. **Қайнатасы таза мүрігәкән** – Қайнотаси жуда кичкина, буришган экан.

САҚ – соқ. Огоҳ, хушёр.

САЛУВ – солув. Омад, баҳт, меҳр, оқибат. **Баланың салуви жоқ** – Боланинг солуви (меҳри) йўқ.

СӨТӘК – сўтак. 1. Ичи ровак поя. **Құнғабоқардың сөтәгіні жагыб жэр** – Қунғабоқарнинг поясини ёқиб юбор. 2. Бўйчан, лекин қўлидан иш келмайдиган ношуд ёшлар сифати. **Үйдәгі сөтәкләрәм жанға тийді** – Уйдаги сўтаклар ҳам жонга тегди. 3. Олий мактабга нопок йўллар билан ўқишга жойлашган ийигит-қизлар номи. **Қувандығам сөтәк-тә, э?** – Кувондиқ ҳам сўтак-да, а?

ТАРТҚЫНДЫ – тортқинди. Ҳаки бўлмаган нарсани зўрлик билан эгаллаб олган одам.

ТӨРАФАСЫ – эркак бошлиқ, раис.

ТӨРАЙЫМ – аёл бошлиқ, раиса.

ТУРАБАР – туробор. Кўпкарида улоқ маррага дангал ташланганда “ҳалол” маъносида айтиладиган хитоб. **Бәққул сабанға тәштәгендә бәкәвул: “Турабар!” дәді** – Бекқул маррага ташлаганда баковул: “Турабор!” деди.

ТҮТЭЛ – тутал. Қилиғи алмойи-жалмойи, сўзи поинтар-сойинтар одам.

ТҮЙРИЛШ – туйрилиш. Ўйланиш, гумонсираш, ишонмаслик.

Түсі жақшыдан түйрilmә – Туси яхшидан туйрилма.

ТЭРСКӘЙ – терскай. 1. Қуёш нури тушмайдиган томон. **Тавдың тэрскәйідә ҳәлійәм қар бар** – Тогнинг терскайида ҳали ҳам қор бор. 2. Шимол.

УЧЧЫМ – уччим. Ёнфоқ ўйинида тикилган ёнфоқларни ураётган бола нидоси.

ҮЙҮТМӘК – уютмак. Қоқи тўзғоғи.

ХЭРЖӘЙІ – ҳаржайи. Ҳамма билан тил топиша оладиган одам сифати. **Өсәр ҳәржәйі жігіт экән** – Ўсар ҳаржойи ийигит экан.

ЧАЙЫР – чайир. 1. Одамнинг жисмоний сифати. **Онцар чайыр жігіт** – Ўнғар чайир ийигит. 2. Лишайник. **Ташты чайыр қаплаб жатыр** – Тошни чайир

қоплаб ётиби.

ЧӘЧМӘН – чачман. Қилчи, сартарош.

ЭЗУВ – эзув. Лаб бурчаклари.

Қочқардың эзуві ағарып жүрі – Кўчкорнинг лабининг бурчаклари оқариб юриби.

ЭЛЫБАЙ – элибой. Чорвадор.

ЭМГӘК – эмгак. Мехнат.

ЭРІКЛАӘШ – эриклаш. Масхаралаш, эрмаклаш. **Тойчыға німә болды, әкәсіні әрікләб жатыр?** – Тойчига нима бўлди, акасини масхаралаяпти?

Толстойни таъсириланирган китоблар



Яхши ёзувчилар яхши ўқувчи ҳам бўлади. Улар нимани қачон ўқишни билади. Буюк ёзувчи Лев Толстой ҳам худди шундай хислат эгаси бўлган.

Лондонда чиқадиган "Pall Mall Budget" журналида 1891 иили британиялик олим Жон Лаббокниг "100 буюк китоб" сарлавҳали мақоласи босилади. Бундан илҳомланган россиялик ноширлар – Маракуев ва Ледерле ҳам ўз ўқувчилари учун шу сингари мақола тайёрлашни ният қилади. Уларнинг режасига кўра, бундай тавсияларнинг

муаллифлари Россиянинг атоқли кишилари бўлиши керак эди. Михаил Ледерленинг ўзи ҳам қалам тебратар, болалар ёзувчиси эди. Петербургда нашриёт ва китоб дўкони очганди. Ноширлар биринчи бўлиб Лев Толстойга мурожаат қиласди. Бироқ таклиф адигба маъқул тушмайди. У инглиз журналида чиқдан мақола ҳақида гапириб: "Бу рўйхат ҳеч нарсага ярамайди. Биринчидан, унда фақат муаллифлар кўрсатилган, қайси бири маҳсулдор экани айтилмаган, дарајаси ҳам тенг эмас. Йиккинчидан, танланаётган китоблар шахснинг ёши, маълумоти, феъл-авторига қараб энг яхши бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин. Үмуман, бу масалада жиддий бош қотириб, бир хulosага келдим: 100 та энг яхши китобни қатъий белгилашнинг иложи йўқ", дейди.

Толстой ноширларнинг илтимосини бошқача усулда бажаради. Ўзига ва ижодига таъсирилган китоблар рўйхатини тузади. Ҳаётини бешта шартли босқичга бўлиб, ўша пайтда ўқиган энг яхши китобларини ёзib чиқади. Китобларнинг таъсири даражасини ҳам кўрсатади: улкан, жуда катта ва катта. Бироқ адид ёдига келган китобларнигина рўйхатта киритганини, яна бошқалари эсига тушиб қолса, уларни ҳам қўшишини таъкидлайди. Аммо тўлиқ нусха йўқолган, ана шу биринчи қўллэзмагина сақланган, холос. Қўйида ушбу рўйхат қисқартирилган ҳолда бериляпти:

Болалик даври – ўн тўрт ёшгача ва шу атрофда

- ▶ "Минг бир кеч" эртаклари: "Қирқ қароқчи", "Шаҳзода Қамаруззамон" – катта.
- ▶ Погорельский. "Қора хўроз" – катта.

Ушбу асар рус тилида ёзилган илк муаллифлик эртагидир. Ёзувчи уни тарбияланувчиси – бўлажак адиг Алексей Толстой учун қофозга туширган.

- ▶ Рус халқ достонлари: "Добриня Никитич", "Илья Муромец", "Алёша Попович", халқ эртаклари – катта.
- ▶ Пушкиннинг шеърлари: "Наполеон" – катта.

14 ёшдан 20 ёшгача

► Stern. "Sentimental Journey" (Лоренс Стерн. "Франция ва Италия бўйлаб ҳассос саёҳат") – катта.
 ► Rousseau. "Confession", "Emile" – улкан; "Nouvelle Héloïse" – катта. Француз файласуфи, ёзувчиси ва мутафаккири Жан-Жак Руссо (1712–1778)нинг "Икрорнома", "Эмил" ва "Янги Элоиза" асарлари.

► Пушкин. "Евгений Онегин" – катта.
 ► Шиллер. "Қароқчилар" – катта.
 ► Гогол. "Шинел", "Иван Иванович, Иван Никифорович", "Невский шоҳқӯчаси" – катта. "Вий" – катта. "Үлкік жонлар" – катта.
 ► Тургенев. "Овчининг қайдлари" – катта.

► Диккенс. "Давид Коперфильд" – катта.
 ► Лермонтов. "Замонамиз қаҳрамони", "Таманъ" – катта.
 ► Прескотт. "Мексиканинг забт этилиши" – катта.

20 ёшдан 35 ёшгача

► Гёте. "Герман ва Доротея" – катта.
 ► Виктор Ҳюго. "Notre Dame de Paris" ("Париж ибодатхонаси") – катта.
 ► Тютчевнинг шеърлари – катта. Фёдор Тютчев (1803–1873) – рус шоири, публицисти.

► Алексей Кольцовнинг шеърлари – катта. Алексей Кольцов (1809–1842) – рус шоири.
 ► "Одиссея" ва "Илиада" (русчага таржимаси) – катта.
 ► Фетнинг шеърлари – катта.

Афанасий Фет (1820–1892) – рус шоири, таржимони ва мемуарчиси.
 ► Афлотун. "Федон" ва "Зиёфат" (В. Кузен юончадан французчага ўйрган нусхаси) – катта.

35 ёшдан 50 ёшгача

► "Илиада" ва "Одиссея" (юончилида) – катта.
 ► Халқ достонлари – катта.
 ► Виктор Ҳюго. "Misérables" ("Хўрланганлар") – катта.
 ► Mrs Wood. Романлар – катта. Миссис Ҳенри Вуд ёки Эллен Вуд (1814–1887) – инглиз адидаси.

баси. Бир қатор детектив асарлар, романлар муаллифи.
 ► George Elliot. Романлар – катта. Жорж Элиот (1819–1880) – инглиз адидаси. Толстой унинг "Кескин Феликс Ҳолт" романини юқори баҳолаган.



50 ёшдан 63 ёшгача

► Henry George. "Progress and Poverty" ("Тараққиёт ва қашшоқлик") – катта. Ҳенри Жорж (1839–1897) – инглиз сиёсатчisi ва иқтисодчisi.
 ► Pascal. "Pensées" ("Фикрлар") – катта. Блез Паскал (1623–1662) – француз математиги, физиги, адабиётчisi ва файласуфи. Француз адабиётининг мумтоз вакили, математик таҳлил ва

эҳтимоллар назариясининг асосчиларидан бири, гидростатиканинг асосий қонуни муаллифи.
 ► Эпиктет асарлари – катта. Эпиктет (50-138) – қадимги юон файласуфи.
 ► Конфуций ва Менций асарлари – катта. Конфуций (милоддан олдинги 551–479) ва Менций (милоддан

олдинги 372–289) – қадимги хитой файласуфлари.
 ► Лао Цзи асарлари Julien таржимасида – катта. Хитой файласуфи Лао Цзининг "Дао де цзин" (ёки "Тао те кинг") китобининг француз тилига таржимаси назарда тутиляпти. Уни атоқли француз шарқшуноси Станислас Жулиен (1797–1873) ўйрган.

Ориф ТОЛИБ
тайёрлади.

Йўқдир муҳаббатдан буюкроқ қудрат

Ўзбек

Ўзим, фақат ўзим бўлай, деган бошқа,
Дўстлар билан багрим тўлсин, дейди ўзбек.
Қирқ майизни битта ўзи еган бошқа,
Бир майизни қирқча бўлиб ейди ўзбек!

Олис жойда қайгу бўлса, гамга ботиб
Етти ётнинг ташвишин ҳам ютган бу ҳалқ.
Уруш деган балоларнинг жабрин тотиб,
Бу кун фақат Тинчлик йўлин тутган бу ҳалқ!

Қор ёгса гар бирор зиён етмасин деб,
Аввал қўшини эшик тагин қурад ўзбек.
Ёмонга ҳам ёмонликни билмайди эп,
Яхши деган сўзни яхши кўрад ўзбек!

Ризқим бутун бўлсин, дея бугдой сочган,
Дала-даштнинг тилин уққан дехқон эл бу.
Ҳалол меҳнат билан баҳтга қучоқ очган,
Имони сог, ажаб қўнгли султон эл бу.

Ўз-ўзингдан кўпайгин, деб тилар камол,
Бир дастурхон атрофига бўлсалар жам.
Бола туғиш оналарга келмас малол,
Саодатдир ўзбек бўлиб туғилмоқ ҳам.

Мен ёлчитиб мақтолмасман уни, афус,
Баландпарвоз ташбеҳларга йўқлигим бор.
Таърифига изламайман фалакдан сўз,
Ахир, ўзбек замин каби мўмин, хоксор...

У мен учун меҳроб каби пок-муқаддас,
Шаънига доз туширмоқдан тилни тийинг.
Ўзбек бўлиб туғилиши-ку мушкул эмас,
Лек чин ўзбек бўлиб яшаш жуда қийин!



Зоҳиджон ОЛОВ

1986 йили туғилган.
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университетининг
халқаро журналистика
факультетини тамомлаган.
“Оламвон орзулар”,
“Севаман” номли китоблари
чоп этилган.
Зомин семинари
иштирокчиси.

Ўшал құнлар

Бир пайтлар ул қызни севар әдим, биламан,
Орзу билан руҳимниbezар әдим, биламан,
Сойлар оқди сойига, айро тушиди йўлимиз,
Бугун ўшал құнларни эслаганда қуламан.

Қалбга тугиб вафони, ишқ сеҳридан қуйлардим,
Тұнлар бедор ҳисларим юлдузларга сүйлардим,
Бола әдим-да, ажаб, севги бор деб ўйлардим,
Бугун ўшал құнларни эслаганда қуламан.

Кўзларимга чўг бўлиб кўринарди ёр уйи,
Суҳбатлашсак бир оғиз, шод юрардим қун бўйи.
Бузаман, деб дод солдим... менсиз ўтди лек тўйи,
Бугун ўшал құнларни эслаганда қуламан.

Осон тутманглар, ахир, ҳушиим олган ўгрига,
Ота қошин керганда, ишқ сигарми кўнглига?!
Майли, исмимни қўйса қўйибди-да ўглига,
Бугун ўшал құнларни эслаганда қуламан.

Мени ҳам бедил деманғ жимгина юришиимдан,
Ёр изларин изларман ҳамон ёзу қишимдан.
Бошқа маҳал хомушман, йигларман ич-ичимдан,
Фақат ўшал құнларни эслаганда қуламан.

Фақат ўшал құнларни эслаганда қуламан...

Юрагимда бир қиз яшайды

Ишонмайман еру қўкка ҳам,
Чиройидан кўнглим яшнайды.
Бундай гулни кўрмаган олам,
Юрагимда бир қиз яшайды.

Кулсам құлар, қуяди қуйсам,
Кўнглим олар қовогим уйсам,
Унумилар армон, гам-гуссам,
Юрагимда бир қиз яшайды.

Хато топмас иншоларимдан,
Танир ҳатто иммоларимдан,
Тушунади имоларимдан,
Юрагимда бир қиз яшайды.

Ишқин сотиб, бор-будим талаб,
Зебу зарлар қилмайди талаб,
Қалбга меҳр чўгларин қалаб,
Юрагимда бир қиз яшайды.

Унда ўю хаёлим доим,
Кечакундуз тинмас нидойим –
Юрагимни асра, худойим,
Юрагимда бир қиз яшайды.

Маъсума умид

Нигоҳлари йўллар бир сирли пайғом,
Тилининг учидан томар асали.
Бу кўзлар дийдорга тўймаган тамом,
Бу лаблар бўса не – туймаган ҳали.

Бир маъсума умид мўлтирас мубҳам,
Билур каби зилол нигоҳларида.
Тонгги шабнам мисол қулса, қуйса ҳам,
Ёш силқиб туради қароқларида.

Тун ёришиб кетар жилмайса, аммо
Эрий бошлар ҳатто абадий музлар.
Унинг тирногича эмасдур зебо
Дунёдаги барча чиройли қизлар.

У ўз ҳусни билан мақтанимас фақат,
Бор унда на кибор, на тақаббурлик.
У Худо яратган энг гўзал хилқат,
Асл баҳосини топмаган ҳурлик!

Муҳаббатдан қучли ҳис йўқ, инчунун,
Йўқдир муҳаббатдан буюкроқ қудрат.
У шундай нағиски, севмогим учун
Камлик қилас ҳатто ўша муҳаббат.



“Ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё”



Лайло ШАРИПОВА,
филология фанлари
номзоди

1968 йили туғилган. Бухоро давлат педагогика институти (ҳозирги БұхДУ) ўзбек тили ва адабиети ҳамда чет тиллар факультетининг ўзбек тили ва адабиети бўлимини тамомлаган. “Оқ армонлар”, “Қисмат сурати”, “Шодлик соҳили”, “Бу шундай дунёки...”, “Онамга тортиқ” шеърий тўпламлари, “XX асрнинг 70–80-йиллари ўзбек шеъриятида фольклоризм” монографияси муаллифи.

Садриддин Салим Бухорий ижодида сўз нон каби, жон каби эҳтиром этилади. Шоир сўзни қанотга, Фиркўт отга, саботга, ҳаётга менгзайди:

Сўз қанотга айланди,
Кўкни қўчмоқда қўшиқ
Сўз саботга айланди,
Малаклар унга ошиқ¹.

Ижодкор шоирликни ўта улуғ, ўта масъулиятли тақдир деб билди ва бунга бутун умри, ижоди давомида амал қилиб яшади. Садриддин Салим Бухорий “гулларнинг шеърлари ҳидида”, “Дараҳтнинг гуллаган қўли – унинг шеъри” эканини кўргач “шеър ёзмай қўйганини” айтади ва “қалами гулламаса, шеърият йўли ўзи учун берк” лигини англайди. Шоир шеърият баҳорида “Ёғоч тугул нафас гуллайди”, “Юрак гулга айланиб”, “Ҳатто кўкракқафас гуллайди”, деб ҳисоблайди. Бу сатрлар “кўкракқафас” сўзини ўйлашга мажбур қиласди. Күшдек потирлаб турган, мудом озодлик истайдиган юракни – қудратли инсоннинг улуғ аъзосини сақлаб тургани, унга Яратган қобирғаларни панжара қилиб қўйгани туфайли кўкрак қафаси дейилса, ажаб эмас. Шоирнинг маҳоратини кўринингки, шеърият баҳори кўкрак қафасини ҳам гуллатишига ишонади ва бунга шеърхонни ҳам ишонтиради. Шоир “майсазор, майса – ернинг қўшиғи” деб билади. Ернинг қўшиғи олдида ўз шеърининг қуруқ гап бўлиб қолишини айтиш билан шарқона камтарлик қиласди, айни дамда, улуғ ҳақиқатни ҳам ифода этади. Хулоса янада гўзал, фалсафий:

Ўзбекистон, о, буюк шоир,
Қуруқ ерда шеърлар ундириди.
Шеър ёзма, деб гуллаган қўнглим
Қўлларимни охир қўндириди.

¹ Садриддин Салим Бухорий. Ҳикматдир дунё. – Тошкент: Faafur Fulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy yiji, 2011. – B. 133. Boşqa misollilar ҳам shu kitobdan keltirilgan.

Садриддин Салим Бухорий шеърияти ўзига хос. Ундаги оҳанг, тафаккур тарзи ҳалқона. Шоир ҳар бир сатрини табиатнинг инжаси, кўзқувнар ҳодисаларидан олиб, уни ўз дунёсига хос фалсафий теранлик билан безайди ва эзгулик нурларига тўйинтириб, шеърхон кайфиятига кўтаринкилик бахш этади. Гоҳида эса табиат кўмагида инсонга ўгит беради, ундаги виждонни уйғотади. Шоир наздида “дарахтнинг қўллари бисёр, панжалари очиқ, беозор”. Шоир инсонга хос ҳуқсон ҳақида сўзласа, ўзи мисолида айтади. Бу шоир услубига хос жиҳатлардан биридир:

*Дараҳт, бир-ку бизларнинг замин,
Осмонимиз бир-ку, не сабаб
Бунча саҳий сенинг қўлларинг,
Уяламан қўлимга қараб...*


Шоир биз учун оддий туюлган ҳолатдан кутилмаган, бетакрор ва гўзал хулоса ясадики, бу Садриддин Салим Бухорий шеъриятига хос услубнинг ўзига хослигидир. Унинг “Баҳор”, “Сомоний мақбараси ёнидаги дараҳт”, “Ер қаъридан чиқсан гиёҳ – хат”, “Во ажабки мен билан бирга...”, “Гарчи тили бошқабошқадир” каби шеърлари фикримизга мисолдир. Жуда содда туюладиган саккиз қаторли шеърини ўқинг:

*Ялангоч новдаларга
Чумчуклар қўниб олди.
Гўё улар япроқقا
Бирдан айланиб қолди.
Қиқур-қиқур барглардек
Маст бўлишиди қулгидан.
Улар кекса дараҳтни
Үйготмоқчи уйқудан.*

Шоир ижодида дараҳт образи алоҳида ўрин тутади. У тут, олма каби ўзбекзамин дараҳтларини жонлантиради. Кузда барглари сарғайган олма дараҳтига “сингилгинам” дея мурожаат қиласди. Шоир наздида, олма дараҳтининг қиши сабаб “титрагайдир қалблари”, у “йифламаслиги, бардош қилиши лозим”:

*Дунё ўзи қизиқ, сингилжон,
Кимки қишига чидаса агар,
Баҳор гулга буркар бегумон
Ва баҳт яна ташлайди назар.*

Шоир “Томирларда кезаркан кураш, Яна гулга тўлгай кучоклар” дея кўтаринки руҳда шеърни якунлайди. Садриддин Салим Бухорий ҳаётда ҳам, ижодда ҳам инсонларга далда бўлувчи дилкаш шоир эди, шеъриятидаги кўтаринкилик ҳам унинг услубига хос жиҳатлардан бири



сифатида кўзга ташланади. Ўқувчи бундай шеърлардан маънавий озуқа, руҳий қувват олади. Аслида, чин шеъриятига хос асосий фазилат ҳам шу.

Шоирнинг “Тароқдай минг тил билан”, “Бибимга”, “Бир қарасам сепкилинг”, “Кўзмунҷоқдай холинг бор”, “Сочингга илашган менинг нигоҳим”, “Эски Бухоро ҳалқ қўшифи” каби шеърлари ҳалқона ташбеҳларга бойлиги, ҳалқона оҳанглардан тўйинганлиги билан ажралиб туради:

*Кўпргингдан бир қуни
Тугмача топиб олдим.
Тугмача кўзликкинам,
Мен сени севиб қолдим.*

Садриддин Салим Бухорий шеърияти фольклордан озиқланган гўзал, бетакрор шеърият. Фикримизни шоир яратган адабий мақоллар кўмагида далилласак. Афоризм эмас, атайнин адабий мақол деб айтдик. “Афоризм” юононча сўз бўлиб, “таъриф, ихчам ифода” дегани. “Афоризм – муаллифи маълум бўлган, ихчам шаклда ва таъсирили ифода этилган умумлашма фикр”².

² Курунов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Академнашр, 2010. – Б. 41.

Луғатда таърифдан сўнг мисол сифатида Абдулла Қаҳҳорнинг “Адабиёт атомдан кучли, лекин унинг кучини ўтиń ёришга сарф қилиш керак эмас”, деган фикри келтирилган. Бундан кўринадики, хоҳ илмий, хоҳ бадиий асар бағридаги пурхикмат, ихчам шаклдаги, муаллифи аниқ бўлган фикрлар афоризм ҳисобланади. Бу назарий хуласага эътиrozимиз йўқ. Аммо бадиий асар таркибида учрайдиган, халқ мақоли сингари пурхикмат ифодага эга, ихчам шаклдаги гўзал фикрлардан иборат содда ёки қўшма гапни афоризм дейишдан кўра адабий мақол деб айтиш маъқул, бизнингча. Адабий мақоллар “Кутадгу билиг”дан то ҳозиргача яратилган бадиий асарларимиз бағрида яшаб келмоқда. Чунончи, “Маҳбуб ул-қулуб”даги “Вафосизда ҳаёй йўқ, Ҳаёсизда вафо йўқ” тарзидаги жумлаларни эслаш кифоя. Умрини эл-юрт хизматига багишилаган устоз шоир Садриддин Салим Бухорий шеъриятида кўплаб адабий мақоллар учрайди. Улар ичida оммалашиб кетгани – “Ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё” мисраси адабий мақолнинг гўзал намунасиdir:

Иллат излаганга иллатдур дунё,
Гурбат излаганга гурбатдур дунё,
Ким нени изласа топгай бегумон,
Ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё.

Бадиий асарда келган мисра ёки жумла айри олингандა ҳам халқ мақоли билан беллаша олса, адабий мақол деб айтиш тўғри бўлади. Шу тахлит Садриддин Салим Бухорий шеъриятида учрайдиган адабий мақолларнинг айримларини келтиrsак: “Гар жам бўлсанг, ҳамма олам жамдур”, “Ҳар асрнинг ўз дуоси бор, Ҳар асрнинг ўз дуогўйи”, “Дам ғанимат – бу дам сўнгти дам балки”, “Танпарварнинг тани куртга кут бўлади”, “Ҳалол луқма дилни пурзиё айлар”, “Кўзи очнинг қорни тўймас”, “Кир излама дунёдан – дунёда кир бисёрдир”, “Ёрилажак сабрсиз ҳар бош”, “Фаросат бўлмаса, сўз ҳайф кетгай”, “Дур оз-у, хору ҳас кўпдир дунёда”, “Шукр этсанг, шакар келгай”, “Бунёдкорлик этган онинг тирикдур”, “Баҳт ҳамиша мард билан тирик”, “Сенга ёмон нарса ўзгага ўнгдир”... Садриддин Салим Бухорий ижодида адабий мақоллар талайгина. Бу ҳол шоир тафаккур миқёсининг бекиёслиги, ҳамиша халқ ичida юргани, халқقا ҳамнафас бўлгани билан изоҳланади.

“Бинокорнинг юзи бинода қолгай”. Шу бир мисра таҳлили билан нега бу сатрларни адабий мақол деб билганимизни изоҳласак. Ҳақиқатда, бино – бинокорнинг юзи, у бинокорнинг кимлигини англатиб туради. “Бинокор” бу ўринда кўп маъноли сўз. Сатрдан англашиладиган моҳиятни истаган соҳага татбиқ этиш мумкин. Масалан, отона ҳам бинокор: фарзанд уларнинг юзи.



Ҳар бир соҳанинг раҳбари – бинокор. У бошчилигига бино бўлган ишлар, аввало, унинг юзи. Кўринадики, сатр мақол талабига ҳар жиҳатдан жавоб беради. Садриддин Салим Бухорий яратган адабий мақоллар халқ мақолларидан, ҳадиси шарифдан, шоирнинг ҳаётий тажрибалари ва тафаккур кучидан озиқлангани сабабли тез ёдда қолади, ақлни ҳам, кўнгилни ҳам таъсирлантиради. Улар нафақат фалсафийлиги, балки дилтортар оҳангি билан ҳам руҳиятимизга яқиндир.

Садриддин Салим Бухорий шеърияти ҳақида бир чимдим муроҳазаларимизни билдиридик. У киши некбин инсон, эзгуликни куйлаган, умрини эзгулик хизматига сарфлаган чин шоир эдилар. Чин шоирлар эса ўлим билмайди. Иккинчи умрида шоир ёш авлод камоли йўлида илму амали билан ибрат, шеърияти билан ўйтга айланниб, юрт баҳоридан шодланиб, ўзи айтганидек, “илдизлар баҳорини кўриб ётибди”.

Қўшии

Ҳикоя

Квартирага эртароқ келдим. Хонага кириб, пальто, сўнг костюм-шым, бўйинбогимни ечдим-да, уй кийимларимни кийиб, ошхонага ўтдим. Газга товани қўйиб, ёғни қиздириб, тухум пиширишга тараддудланиб тургандим, эшик тақиллади. Бориб очдим. Бир аёл. Эгнидаги гул-гул қўйлаги баданига алланечук ёпишиб турибди. Усти жиққа хўл. Юзидағи қатор-қатор ажин бўйнигача чўзилган. Рўмолнинг остидан кўрингган соchlари пахтани эслатиб юборади. Куёшда кўп юрганидан бўлса керак, бошидаги рўмол оқаринқираган. Қўллари нозик ва озгин. Юзи чўзинчоқ. Ияклари бўртиб чиқкан. Қулоғида катта зирак осилиб турибди. Кўзлари бироз чўккан. Буғдойранг. Қиррабурун. Лаблари қуруқшаган... Эшикни кенгроқ очиб, салом бердим ҳайратимни яширишга уриниб.

– Безовта қилдим, узр, оға, – деди у ҳам салом бераркан, кўзларини мендан олиб қочиб.

– Йўқ, йўқ. Нега, марҳамат, киринг! – дедим (охирги сўзим: “киринг” деганимдан ўзим хижолат тортдим). – Нима хизмат?

– Анови хонага кўчиб келган янги қўшнингизман, – деди у, биз турган ердан бир неча эшик нарироқдаги кенг очиб қўйилган, оқقا бўялган темир эшикка имо қилиб. – Ошхонадан сув тортмай қолди. Уриндим, лекин бўлмади. Сантехник чақирай десам... – дея хижолатомуз оёғининг учи билан ер чизди.

Мен аёлга тикилиб қарадим. Чамаси, у ердан бир ярим метр баландроқ эди.

– Албатта, албатта! – дедим шошиб. Сўнг “мен ҳозир” дегандек, ошхона томон юрдим ва газни ўчириб, эшикни қулфлаб, аёл билан унинг хонадонига юрдик. Ичкарига ундан сўнг кирдим. Бир қараашда билганим: бир хонали квартира, ошхона билан ваннаси бор – улар ёнма-ён, ҳожатхона ваннахонанинг ичиди. Бир-икки қадам ичкари босишим ҳамоно иссик, димиқсан ҳаво билан ғалати ҳид димоғимга урилди: жуда ўтқир ва қўнгилни кўтарар даражада – балчик, ҳиди!



Шоҳруҳ САИДОВ

1991 йили тугилган. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультетини тамомлаган.



Тоза ҳаво деярли йўқ. Ошхонага етгач, билдимки, оёқ ости жуда расво, ивирсиб ётиби. Бироқ мен ҳеч нарсага эътибор бермай ишга киришдим. Хайрият, тиқилиб қолган алланималарни уй соҳибаси берган сим билан қувурдан тезда олиб ташладим. Ошхонадаги раковина атрофи чиқиндилар билан тўлди. Оёқ ости ҳалиям расвою радди...

– Мана, бўлди! – қаддимни ростлаб, аёлга қараб жилмайдим.

– Ай-й, бу ортиқча бош оғриғи бўлди-да, – аёл шошиб қолди. – Сизга катта раҳмат! – “раҳмат”ни у шундай самимият билан айтдики, этим жимирилаб, жарангдор овози қулоғимни ширин қитиқлади.

– Арзимайди-е! – дедим-да, қўлларимни ювиш учун ваннахонага кирдим. Қўлимни наридан-бери чайган бўлиб “Бошқа хизмат бўлмаса, менга рухсат”, дея кетишга чоғлангандим, аёл бир пиёла чойга таклиф қилди. Олдинига, рости, иккиландим, аниқроғи, ҳайратим ошди. Ҳар ҳолда, бегона аёл, мен – капитатта эркак, ҳай-ҳотдай уй, иккимиз ёлғиз чақчақлашиб ўтираск тўғри бўлмас. Уй соҳибаси ҳам буни англади чоғи, бироз тек турди-да, кейин дадиллашиб, гўё аҳд қилгандек таклифидан воз кечмади. Гарчи бу кутилмаган таклиф бўлса-да, сезардимки, ўзим ҳам ич-ичимдан бу аёл билан гурунглашишга рози бўлиб тургандим. Шунинг учун ичимда “Охири баҳайр бўлсин-да”, дея таклифга майл билдирам. Яккаю ягона хонага кира туриб оёғимдаги шиптагимни ечишга чоғлангандим, соҳиба бунга рухсат бермади. Хонага киргач, ён-атрофга кўз қиримни ташладим: бир хонали квартира бўлса ҳам, жуда кенг экан – зални эсла-

тади. Аммо бу ерни шинам деб бўлмасди. Гилам ҳам йўқ. Полнинг ўзи. Фақат у-бу ерга қоп ёриб солинган, холос. Қарама-қарши қилиб жойлаштирилган иккита каравот. Нариги бурчакдаги каравотнинг устига саноқли кўрпа, кўрпача ва ёстиқ йифиб, устига адёл ташланган. Деворнинг ҳар-ҳар жойида чивин-пашшалардан қолган доғлар бор. Лампочкали кабель шифтдан осилиб, сал қийшайиброқ қараб турибди. Аёл лампочкани қўли билан бураб ўчириш учун ўзига қулай қилиб, бўйига мослаб олган бўлса керак. Хона ўртасида икки кишилик стол-стул.

Хотин қўли билан стулни кўрсатиб, ўзи ошхона томон юрди. Мен дафъатан чиқарилган ҳукмга бўйсунувчи “маҳбус”дек кўрсатилган жойга бориб чўк тушдим. Тахтадан ясалган курси жудаям нозик экан, ўтиришим билан оғриниб фижирлади. Ортиқча ҳаракат қилинса, тамом – ундан ажраб қолиш мумкин. Шунинг учун омонатгина, оғирлигимни оёқларимга ташлаб ўтиришга уриндим. Стулга жойлашиб, яна хонага назар ташларканман, атрофим тоза ва озода эканлигига амин бўлгандим.

– Сиз нима иш қиласиз? – ошхона томондан хотиннинг овози келди.

– Археологман!

Нимадир деб кулди хотин. Мен унинг кулганини эшитдим, холос. “О, зўр-ку!” деган бўлса керак.

Сўнг яна хонадаги ҳар бир деталга син солиб қарашни бошладим. Киргандай қиргандай деворда осилган суратга эътибор бермаган эканман, ҳозир ўша томонга ўгирилиб, суратни томоша қилдим: унда узун, қора сочини битта қилиб, елкасидан ташлаб олган ёш келинчак асосий планда кўринади, унинг кифтидан туттган, қалин мўйловли киши – эркакнинг жингалак, дагал сочи елкасига тушиб турибди, сочу мўйлови ўзига хўп ярашган; аёл атлас кўйлакда; эркак ёқали плаш кийган; икковининг ҳам лабларида табассум; уларнинг ўртасида думалоқ юз, қўнғир сочли, чамаси, уч ёшлардаги қизалоқ – атлас кўйлакчада – майнин, ширин жилмайиб, момик, дўмбоқ қўлчаларини менга томон қоқиб турибди.

– Археологман денг! – аёлнинг овози кузатувларимга нуқта қўйди.

– Шундай-шундай, – дедим шошиб.

– Мен эса Қўйлиқ бозорида газсув сотаман, аравачада.

– Газсув?! – ҳайратланиб, овоз келган томонга қарадим, у кўринмади.

– Тирикчилик, оға, – деди у. Шунда сездимки, хотин мен ўтирган стул олдига деярли келиб

қолган эди. Қўлида темир чойнак ва четлари учган жуфт пиёла. Газ устида кўп турганидан бўлса керак, чойнак қорайган. Аёл қўлидаги-ларни стол устига қўйди ва менга қарама-қарши стулга чўқди...

– Бу хонада ёш йигитлар тураган эди, – дея у узатган пиёланни олдим.

– Ҳмм. Бўлса бордир, – деди у бепарво. Кейин: – Очиги, бу жойни топгунча бўларимча бўлдим, – дея табассум қилди. – Бу ердан мактабга яқин экан. Ўғлим мактабни тугатсан, бошқа квартира қидираман. Бу йил саккизни тамомлади у.

Мен унинг гапидан лол эдим. Ҳайратим юзимга тепди, чоғи, аёл табассум билан бошини сарак-сарак қилиб қўйди-да:

– Кўп қарига ўхшатганмидингиз, а? – деди (аммо ҳали ҳам кулиб турагди).

– Ҳа, йўғ-э, – жилмайишга уриндим, – фақат, сиз...

– Яқинда қирқ иккига тўламан.

– Лекин... Очиги... – каловланиб қолдим нима деяримни билмай.

У менга шунаقا дегандек елка қисди. Кейин жуда ҳориб қолгандек, бошини бироз эгди ва пешонасини тириштириди.

– Ўйдан чиқиб кетганимга кўп бўлди, – аёл кўкрагини тўлдириб нафас олиб чиқарди. Кейин аллақандай ачинарли тумшайиб олди. – Турмушим ҳам бузилган, – у кўзларини ерга тикиди.

– Хўжайн яна хотин олгиси келиб қолди. Олди ҳам. Шунда мен ота уйимга қайтдим... – деб чойнакка қаттиқ тикилди.

Негадир мен тим тортдим. Йўқ, йўқ, эри билан ажрашгани учун эмас. Шунчаки... Лекин унга ич-ичимдан таскин беришни истардим ҳам. Аммо тилимга бирор-бир арзигулик сўз келмаётган эди. Нима қилишни билмай, тимирскиландим. Сўнг хаёлимга келган ўй тилимга-да кўчди:

– Демак, ўглингиз мактабда ўқир экан-да?

– Ҳа, ҳализамон келади ўзиям, – дея бошини кўтариб менга қаради. Мен унинг ҳориб, киртайиб қолган кўзларини кўрдим. Кўз қора-чиқлари негадир оқарган, ҳам қизаринқираган эди. – Қизим ҳам бор. У қишлоқда.

– Қизингиз... – деб елка оша девордаги суратга бир қараб олдим.

– Турмушга чиқсан у, – аёл ҳам ўша расмга термилди. – Эгизак набираларим ҳам бор. Ҳасан-Хусан!

– Жуда баҳтли экансиз.

– Бўлмасам-чи! Жудаям баҳтиман! – дея

чойнакни кўтариб, пиёламга чой қуиди. “Рахмат” дегандай бош ирғадим. Сўнг иккимиз ҳам жим қолдик. Гўё энди гурунглашгани бошқа гап қолмагандек. Бирдан кетиш керак деган фикр миямга урилди. Аммо аёл фикримни кўзимдан уққандек сўзлай бошлади (ҳарқалай, кетишими истамаётганди):

– Қизимни, набираларимни соғинаман, – у пиёла четини қўли билан силади, – онамниям кўрмаганимга йиллар бўлпкетди. Қизим билан-ку телефонлашиб турмиз. Аммо онам... – аёл стулни орқага суриб, ўрнидан турди ва ваннахона томон чайқалиб юриб кетди. Сездимки, унинг кўзлари ёшланган эди. Ваннахонадан хотиржам чиқиб келиб, яна жойига ўтириди. Кўзларининг ичи ҳали ҳам қонталаш. Яноқлари ҳам бироз қизарган. Лекин у бу одатий ҳолдек, гаптнинг келган жойидан давом эта бошлади. Мен унинг жарангдор овози ҳам юзи каби хира тортиб қолганини сездим.

– Эрим билан ажрашганимдан кейин акаларим менга қарамай қўйди, – деди у. Елкалари кўтарилиб тушди. – Лекин уларни айлаш йўқ. Биламан, ҳар кимнинг ўз ташвиши бор, – у маъюс жилмайди. – Қизимни турмушга узатгач, ўғлимни олиб ризқимни Ўзинг бер, деб шу ерларга келдим. Ўғлим ўқимишли одам бўлиши керак-да... Биламан, биламан. Унинг ақли киряпти. Баъзан манам сиз билан бозорга чиқсан, кўпроқ пул топсан бўлмайдими, дейди. Кўймайман. Агар хўт десам, ўзингиз айтинг, нима бўлади?! Калласи бузилади. Пулга қизиқиб кетмайдими? Кетади! Шунга қаршиман-да... – гапини тўхтатиб, тек қотди. Сўнг тўсатдан шеър ўқиди. Ёддан:

– Бу гаплар бор эди Марксдан аввал,
Яъни, қорни очу ва қорни тўқлар.

Майли, юмшатайин ташбеҳни сал-пал,
Имкони борлару имкони йўқлар...

– Шоир мен учун ёзгандек шу шеърни... – деди у синиқ табассум билан. – Буни ким ёзган, биласизми? – кўзларини қисиб синовчан тикилди, кейин елка қисганимни кўриб, ўзи жавоб берди: – Абдулла Орипов. Герой шоир! “Имкон” деган шеъри. Сиқилсан, ўқийман, – Аёл пиёланни лабига олиб бориб чой симирди. – Қандайдир таскин беради одамга. Бу кунлар ҳам ўтар-да, дейман.

– Ўтмай қаерга ҳам борарди?! – дея унга синчковроқ разм солдим: у ҳамон ўйчан кўзини пиёлага тикиб турагди. Билдимки, шу дамда кимлардир ҳақида чуқур ўйга берилган эди.

– Мен ҳам адабиётга қизиқаман, ақини сўрасангиз. Ҳатто бир нималар қоралаб юраман.

Шунда унинг менга қия қараб, қошини кўтариб қўйганини кўрдим. Кейин жўнгина қараб:

– Лекин ҳозирги шеърнинг авторини билмадингиз! – деди ҳафсаласи пир бўлгандек.

– Бир шеърни билмаслик, бу адабиётга қизиқмаслик дегани эмас-ку, тўгрими? Қолаверса, мен назмгамас, насрга қизиқаман.

У кинояли кулиб қўйди-да, ҳали ҳам ўша ўйчанлиги билан бош иргади:

– Бу ҳам тўғри. Ҳикоячимисиз ё роман ёзасизми?!

– Ҳа, йўғ-а, мен археологман. Шунчаки, ўзимча қофоз қоралайман баъзан... Лекин шеър ҳам ўқиб тураман. Аммо сиз ўқиган бу шеърга негадир дуч келмабман.

– Бу янги шеъри шоирнинг, ўзимам яқинда топиб ёд олдим. Ёқди-да, ёқди...

– Гап шунда-да, – дедим.

– Ўзи сизга айтсам, педагогман, – деди аёл. – Адабиётдан мактабда дарс берганман. Эй, бунга анча бўлди. Қишлоқда шундай эдик, – у янада шошиб гапиради, гўё тўхтаса гапини унтиб қўядигандек. – Тўртта акам бор. Бари бир столнинг эгаси. Оиласда ҳаммамиз олий маълумотли бўлганмиз-да! Акаларим мени яхши кўришарди. Еру кўкка ишонишмасди мени...

– Қандай яхши!

– Ҳа, шундай, – назаримда, унинг овозида йиғи бор эди. У оила мавзусидан яна адабиётга қайтди. – Адабиётнинг бағри кенг. Билсангиз, у ҳаммага қулоқ очади. Фақат унга хиёнат қилмасангиз бас... Хиёнатчини хушламайди-да. Суйиш керак.

– Мен ҳаваскорман. Адабиётнинг ичига шўнғиши ниятимам йўқ, – дедим бироз зарда қилиб. – Агар шундай қилсам, танлаган касбим-чи?! Унга ҳам хиёнат қилган бўламан, манимча...

У кулди. Гўё унинг чехрасидаги кулгичлари беркиниб турганди-ю, дафъатан ҳозир юзага қалқиб чиқмоқда эди. Мен аёлга жуда қаттиқ тикилиб қолган эканман. У бироз хижолат бўлаётганини сездим. Кейин кўзимни ундан олиб, шифтга қарадим ва чакки ўтиб, сарғимтур тус олганини кўрдим. Бу орада хотин қўлларини столга тираб ўрнидан секин турди-да, симли каравот қошига етиб, унинг остидаги ола сумкани ўнг қўли билан тортиб олди. Очди. Сумкадан нимадир излашга тушди. Қидирган нарсасини топиб олган боладек яйраб-яшнаб кетди. Кейин шахдам қадам босиб, олдимга келди.

– Сизга мендан совға! – дея муқовасидан гулчамбар тақсан қиз жилмайиб қараб турган китобни узатди. Китобни олдим: “Шукур Холмирзаев, Ўн саккизга кирмаган ким бор”.

– Ў-ў, раҳмат! Ёмонам хурсанд бўлдим лекин!

– дедим китобни варакларканман қувончим ичимга сиғмай (ахир анчадан бери шу китобни бир ўқийин, деб юргандим-да, акаси).

– Үқимаган бўлсангиз кераг-а?

– Тўғриси, асар ҳақида кўп эшитувдим.

– Ичиди зўр-зўр ҳикоялариям бор.

– Ўқиб бўлгач...

– Қайтаришингиз шартмас, – деди у стулга бориб ўтиаркан.

– Айтганча, эрингиздан алимент оласизми?

– томдан тараشا ташладим мен. Китобни столга қўя туриб, ҳали “Эрим билан ажрашганман”, дегани тўсатдан эсимга келиб қолди.

– Алимент?! – чехрасида кинояли истеҳзо пайдо бўлди аёлнинг. – Ҳай-ҳай демасам, у мендан пул талаб қиласди-ку!

– Лекин сиз ҳали вояга етмаган болани тарбия қилияпсиз, қонуний ҳақингиз бор-ку!

– Бор бўлса бордир. Аммо менга керакмас унинг тули! – деди аёл тишларининг орасидан гапириб (шу асно уни ўлжасини қизғонган она бўрига ўхшатдим хаёлимда).

Китобни қайта қўлимга олиб, мундарижасини кўздан кечирдим.

– Холмирзаевнинг “Бодом қишида гуллади” ҳикоясини ўқиганман, – дедим гапни бошқа ёққа буриш учун. – Ўшаем бор экан. Зўр ҳикоя!

– Ў-ў, уни неччи марталаб ўқиганман, ўзим билмайман, – деди у энди ўзига келиб.

– Реал чиққан.

Аёлнинг туси яна паришонлашди:

– Адабиётга хиёнат қилганман. Уни қадрламаганман...

– Қандай хиёнат?..

Аёл лом-мим демади, шунчаки “қўяверинг” дегандай қўл силтади. Мен унинг юзига тикилдим. Аммо чехраси... ҳеч бир маъно уқиб бўлмасди.

Бу хонадонга кирганимда димоғимга урилган ёқимсиз ҳид ҳамон уйда кезиниб юрган эса-да, бурним мослашиб қолди, шекилли, сезилмай кетди.

Мен стулдан қўзғалдим. Йўлкага етгач, ортимга ўгирилдим:

– Китоб учун яна бир бор раҳмат, – сал эгилиб таъзим қилган бўлдим. Кейин бирдан шошиб гапирдим (гўё аёлни қайта кўролмайдигандек эдим): – Совғага кимдан эканлигини ёзиб бермайсизми?!

Аёл табассум қилди. Яшириниб олган кулгичлари яна ўзини намоён этди-ю, тезда гойиб бўлди. Хонага шахдам юриб кириб, ручка олиб чиқди. Кейин китобни олиб, тик турганча узоқ ёзди. Мен орада:

– Мени қарздор қилдингиз, – дедим жимликини бузиб. – Совға борасида дейман.

У, ниҳоят, бошини кўтарди-да, китобни менга узатаркан, яйраб кулди:

– Жуда катта иш қилмадим-ку!

– Қарз қиёматга қолмайди! – дея китобни ҳавода ўйнатиб қўйдим. – Албатта, қайтараман. Тем боле, аёл кишидан қарздор бўлиш... жентельменга ярашмайди...

Ўз квартирам сари юрдим. Коридорда кета туриб, ортимдан "шарқ" этган овозни эшитдим: қирқ иккинчи хонадон соҳибаси эшигига калит солганди. Хонамга кириб, ошхонага ўтдим – товадаги ёф совиб қолибди, икки тухум шу бўйи турибди. "Ким ҳам тегарди унга". Кўргачага ўзимни ташладим-да, китобни очиб, биринчи бетидаги қўшни хотиннинг ёзиб берган гагларини ўқишига тутиндим: "Адабиётни ўйинчоқ билманг. У – абадиятга элтувчи йўл. Бир пайтлар чиройли шеърлар ёзардим. Ўз

йўлимни топгандим.

Кейин бир бойвачча ўқувчимнинг мукофоту машҳурлик учун қилган ҳаракатларига қўмаклашдим. Ўнга қанча шеърлар ёзиб бердим. Пулни аямасди. Мендан кетгунча, эгасига етгунча қабилидаги қораламаларимдан у хурсанд бўларди. Ўқувчим мукофот ҳам олди, институтга кирди, машҳур бўлди... Лекин мен ўша эски – ўзим изланиб-изланиб топган ўз йўлимни йўқотиб қўйдим. Адабиёт мендан ана шундай ўч олди... Агар адабиётта қизиқсангиз, сидқидилдан ёзишга киришинг! Бўлмаса, ўзингизни ҳам, бошқаларни ҳам алдаманг! Бу китоб муаллифи –

адабиётнинг чин фидойиси. Фидойиликни унуманг, деб археолог оғамга Гулсара Мирзаевадан".

Китобни ётиб, кўрпа четига қўйдим-да, қўлларимни бошим остида чалиштирганча ёлғизгина чироқ осилиб турган оппоқ шифтга узоқ термилиб ётдим. Хаёлларимнинг учини тополмай чалғидим-чалғидим. Кейин бир қарорга келдим-у, "Ўт оч", командаси берилган аскардай сакраб ўрнимдан туриб, хонтахта устидаги тагига аллақандай катта китоб – Стендалнинг "Қизил ва қора"си бўлса керак – қўйилган ноутбукин олдим. Компьютерни кавлаштириб-кавлаштириб, шу пайтгача ёзган ва ўзимча улкан адабий монумент дея ҳисоблаб юрган барча ҳикояларимни – эҳтимол, ҳикоя сўзини қўштироқ ичиди берганим дурустдир – хуллас, ўшаларнинг барисини ўчириб ташладим. Нега? Билмадим. Балки, шунчаки қизиқишигина адабиётга дахл қилиш учун, ёзувчилик даъвоси учун етарли эмаслигини тушунгандирман. Балки, адабиёт улкан жасорат талаб қилиши-ю, мен бу қадар жасур эмаслигимни пайқадимми... Билмадим. Ишқилиб, шунаقا қилиб қўйдим, акаси!



Муҳаббатга суюнмоқ бахти...



Орезуқул ЭРГАШ,
ёзувчи



Исломжон ЁҚУБОВ,
адабиётшунос

Ҳикоя яхши таассурот қолдириди.

Одам боласи борки, муайян бир иқтидор, қобилият билан дунёга келади. Кимки Яратган ато қилган иқтидор, истеъодни қадрласа, уни такомилига етказса, энг муҳими, унга хиёнат қиласа, барака топлади. Ҳикоя қаҳрамони Гулсара ўз омадсизлигини истеъододига, кенгроқ маънода, Адабиётга хиёнат қилганида деб билади: арзимас чойчака эвазига бойвачча бир ўқувчисининг номидан шеърлар ёзиб беради. Уни машхур қилиб юборади, ундан “шоир” ясади. Ўзи эса йўлини йўқотади. Бундай тақдир кишини сергак тортиради...

Муаллиф мақсадига эришган, айтар гагтини айта олган. Ҳикояда “...жарангдор овози қулоғимни ширин қитиқлади”, “ҳайратим юзимга тегди” ... каби топилмалар кўп. Айни пайтда “ҳожатхона ваннахонанинг ичиди”, “Ошхонага етгач, билдимки, оёқ ости жуда расво, ивирсиб ётибди”, “... оёқ ости ҳалиям расвои радди”, “эгнидаги гул-гут кўйлаги” каби маромига етмаган жумлалар ҳам етарлича. Лекин менда асосий эътиroz уйғотган томони – Гулсара (кўримсизгина бўлса-да) маънан бой, адабиётни теран тушундиган аёл. Лекин у яшаб турган хона мунча “ивирсиган”, “расвои радди”? Ахир, бу мантиқка зид-ку! Қолаверса, у бола тарбиясида қаттиқ турадиган, фидойи аёл, ўғлини бозорга – пулга ўргатмоқчи эмас. Лекин яккаёлғиз ўғлини ирkit мухитта қўнигириб қўйишини ўйламайдими? Камбағаллик айб эмас, аммо ивирсиқлик бир пайтлар муаллима, шоира бўлган аёлга “ёпишмаягти”.

Ҳикоя аввалида аёлнинг тасвири батафсил келади: юзидаги қатор-қатор бўйнигача тушган ажинилар, пахтани эслатадиган соchlар, нозик ва озғин қўллар, юзи чўзинчоқ, иякнинг бўртиб чиққани, қулоғида катта зирак осилиб тургани, кўзлари бирор чўқкан, буғдойранг, қирра бурун. Лаблари куруқшаб турибди... Шунча таърифдан кейин бирпас ўтмай яна дейди: “Чамаси, у ердан бир ярим метр баландроқ эди”. Бўй биринчи галда кўзга ташланмайдими?.. Менимча, аёлнинг портретига оид белгиларни ҳикоя давомида сочиб юборган маъқул эди. Ваҳоланки, кейинчалик пахтадай соchlар, чукур ботган кўзлар, қирра бурун, нозик қўллар, куруқшаган лаблар унтутилади.

Муаллифнинг келгуси ишларида омад тилайман.

Аслида, қўшни ва қўшничилик масаласи янги мавзу эмас. Халқда “Ён қўшни – жон қўшни”, “Гилам сотсанг, қўшнингга сот, бир чеккасида ўзинг ўтирасан”, “Ховли олма, қўшни ол” сингари кўплаб мақоллар бор.

Ҳикоя қаҳрамонлари ҳаётлари муайян дараҷада издан чиқсан қўшнилар. Уларнинг ҳар иккалasi ҳам ижарада яшаши, ҳаминқадар кун кечириши шундан гувоҳлик беради. “Ижара уй”ларни кўнгилнинг моддийлашган маънавий-руҳий вазият-холлари тарзида ҳам талқин этиш мумкин. Бундай йўсундаги англамда аёлдаги афсус-надомат ва эртадан умидворлик; эркақдаги ўзининг бор-йўғи бир ҳаваскор эканини англаш орқали фикран янги тизимга ўтиш жараёни, яъни кўнигишган “кулба”лар тарк этилишига умидворликни тушуниш мумкин.

Хуллас, аёл (Гулсара Мирзаева) – собиқ педагог, шеърий истеъододини ўз вақтида қадрламаган ва эндилиқда услуги сийқалашган “шоира”. Моддиятга учлиги учун ҳаёти ўнгланмаган, бироқ баҳтиёр қизи, қўшалоқ неваралари, бўй чўзиб бораётган ўғли туфайли ўзини бебаҳт санамайдиган, ушалмаган орзуларини шугиналар истиқболи билан боғлай оладиган, эртадан умидвор, фидойи аёл. Иккинчиси археолог, айни пайтда у-бу нарсалар қоралаб, шуларни “адабий топилма” ҳисоблаб келаётган ҳаваскор қаламкаш.

Шоҳруҳ Сайдов ҳикоя қаҳрамонларидан бирини тавба-тазарру фонида тасвирлаш орқали унинг фожиаси иккинчисида тақрорланмаслигининг олдини олиш, одам ва оламдан ибратланиш йўлини танлаган. Ҳикоя “Адабиёт ва ижод қўнгилочар майдон ҳам, ўйинчоқ ҳам эмас. Ким адабиёт ва ижодни сидқидилдан севса, фидойилик ва жасорат кўрсатса, демакки, у

абадиятга элтувчи йўлни топибди. Акс ҳолда, ёзувчилик даъво қилиш мақбул эмас. Яхшиси, эсинг борида этагингни ётган маъқул”, деган дидактик фояни англаш ва тасдиқлаш учун ёзилганда таассурот уйғотади.

Икки қўшни ҳаётй зарурат туфайли мuloқотга киришади. Англашимча, қўшнilar шунчаки масофа жиҳатидангина яқин яшовчи кишилар эмас. Балки, биттаси жар ёқасидан қайтган, иккинчиси шу жарга яқинлашаётган ва шу жиҳатига кўра тақдирларида ўзаро яқинлик, умумийлик бўлган кимсалар.

Бинобарин, ҳикоядаги тақослаш ва қиёс айнан ўша ўҳашашлик асосига курилган. Мулоқот ҳам зоҳирان қаралса тасодифий, аслида эса, уларни бир-бирига яқин белги-сифатлар учраштирган. Зотан, йигит аёлнинг тақдиди орқали эҳтимол тутилган ўз истиқболини тасаввур призмасидан ўтказади.

Шоҳрух сўз кўллаш устида анча тер тўкиши лозим. Жумладан уижара уй – “квартира”, қаҳрамон – “герой”, мард йигит – “жентельмен”, кўрга – “адёл”, курси – “стул”, муаллиф – “автор” қабилида ўзбек тилида муқобиллари бўлган сўзларнинг русча шаклларини қўллади. Таассуфки, уларнинг аксарияти қаҳрамонлар характеристи, индивидуал нутқи, руҳий саъжисини очишга хизмат қилмайди.

Кўринадики, Шоҳрух Сайдов ёзишга “сидқидилдан” киришиши керак. Публицистик мақолада айтиладиган гапни адабий қаҳрамон оғзига солиб қўйиш билан иш битмайди. Бунинг учун сўзга, ҳаётга, одамларга муҳаббат керак. Ҳикояда тилга олинган қаҳрамон шоир бошқа бир ўринда одам йўлин йўқотса, чорасиз қолса, муҳаббатга суюнгай, дея изтироб, армон, ўртаниш билан таъкидлаганида тўла ҳақ эди.

Ҳикояга мавзу ва қаҳрамон танлаш ҳақида тагин бир гапни ҳам айтиш керакка ўҳшайди. Шоҳрух ҳаётй ва ишончли ёзишини эътироф этаётган устоз адаб Шукур Холмирзаевга эргашар экан. Адибнинг “От эгаси” ҳикоясидаги Инод, “Оғир тош кўчса”даги Эсон ҳаётй жараёнларни мустақил баҳолай олувчи кишилар эканини ҳам англаши кераклиги унинг учун ижодий заруриятдир.

Яна бир гап. Ёш ёзувчи укамиз: “Бугун ҳаёт нима деяпти?”, “Одамларнинг дилида, миллатнинг тийнатида қандай безовта ўйлар бор?” деган саволларга жавоб изласа, янада яхши бўларди.

Хуллас, гап кўп-кўмир оз.

Шоҳрух Сайдовни илк қадамларидан чўчитиб қўймоқчи эмасман. Бироқ “ёзувчилик даъвоси” учун ҳаётга, одамлар орасига чуқурроқ кириш, поэтик сўз залворини ҳис этиш, ўчириб ёзишдан эринмаслик сув ва ҳаводай зарурлигини таъкидлашни истардим. Эҳтимол, жасорат деганлари сабру бардошда, ўзни аямаслиқда, ўрганишдан чарчамаслиқда, йўлини топишга талтинища намоён бўлар.

Тагин ким билсин. Барини билгувчи улуғ Зот бор...



Фазил ФАРХОД,
ёзувчи

Шоҳрух Сайдовни танимайман, бу исмни биринчি бора ўқиб-эшишиб туришим. Ҳикоясини ҳам дастлаб ўзимни мажбурлаб ўқидим. “Ёлғиз аёлнинг квартирасига кирган эркак нима қиласар экан”, деган ҳадик билан ўқий бошладим. Матннинг ярмиғи борганимдан кейингина ичига шўнгриб кетдим. Шоҳрухнинг айтмоқчи бўлган гапи ҳикоясининг якунида аён бўлди: шеър сотиб адабиётга хиёнат қилган аёл қисмати ёзганларидан кўнгли тўлмаган эркакнинг ўзини қийнамасдан ҳаммасини йиғишириб қўйишига сабабчи бўлади. Ҳикоя қаҳрамонининг “Компьютеримни кавлаштириб-кавлаштириб, шу пайтгача ёзган ва ўзимча улкан адабий монумент деб ҳисоблаб юрган барча ҳикояларимни – эҳтимол, ҳикоя сўзини қўштириноқ ичидаги берганим дурустдир – хуллас, ўшаларнинг барисини ўчириб ташладим”, деган бу икрори яхши якун бўлолган, менингча.

Шоҳрух баъзи ўринларда улуғ адаб Шукур Холмирзаевга – балки билмай, балки билиб, атаят – тақлид қиласади. Бир ўринда: “Ахир, анчадан бери шу китобни бир ўқийин деб юргандим, акаси!” ёки бошқа ўринда “Ишқилиб, шунаقا қилиб қўйдим, акаси!” деб ёзади. Бошловчи ўз йўлини топгунча бировга эргашса, майли дейсиз. Ўйтайманки, ҳали Шоҳрух ўз устида кўп ишлайди. Дейлик, ўз йўлини топиб олгунча Шукур Холмирзаевнинг ижоди унга йўлчироқ бўлар, эҳтимол! Лекин у келажакда сўзни чиyrатиб ишлатадиган ёзувчига айлансан дейман! Кун келиб ўзбек адабиёти дурданалари ёнига ёзувчи Шоҳрух Сайдовнинг нодир асарлари қўшила олса, бир ўқувчи сифатида менинг бошим кўкка етади!

Нурилла ЧОРИЕВ
тайёрлади.

Мехр гўзаликдан устундир

Хейнрих Ҳейне ҳикматларидан

Баҳорнинг латофати кўпинча қишида билинади – печка ёнида ўтириб май ҳақида шеърлар ёзасан.

Қаҳрамонлар кетган пайтда майдонга масҳарабозлар чиқади.

Аёлларнинг нафрати ҳам муҳаббат – фақат йўналиши ўзгарган.

Барча соғлом одамлар ҳаётни севади.

Биз халқнинг инсоний ҳуқуқлари учун эмас, илоҳий ҳуқуқлари учун курашамиз.

Муҳаббат! У барча туйғуларнинг улуғи ва виқорлисидир. Лекин унинг қудрати ҳадсиз ҳиммат ва ғайришуурий холислик билангина намоён бўлади.

Аёлни гулга илк бор қиёслаган киши шоир эди, иккинчи бор ўхшатган эса – меров.

Ақлли кишилар ичидаги фикрлайди, аҳмоқлар эса ҳаммага эълон қиласди.

Ёзувчи охир-оқибат ўз ўқувчисига ўрганади.

Одам қанча баланд бўлса, кулгига шунча осон нишон бўлади; майдаларни мўлжалга олиш қийин.

Нуқсон катта бўлса, камроқ газаблантиради.

Олмон тили аслида бой, лекин сўзлашув тилида ана шу бойликтининг ўндан биридангина фойдаланамиз. Француз тили эса аслида камбағал, лекин французлар оғзаки нутқда унинг бор имкониятидан фойдалана олади, шу боис ҳам амалда сўзамоллар.

Мен аёлларда характер йўқ демаган бўлардим, уларда ҳар куни янги характер бўлади, холос.

Ауффенбергни ўқимаганман. Менимча, у Арленкурга ўхшаса керак. Униям ўқимаганман.

Ахлоқ – юракнинг оқиллигидир.

Ёшлик фикр ва ўйда холисдир, шу сабабли ҳақиқатни чуқурроқ англайди ва ҳис этади.

Муҳаббат қалбдаги тишоғриғидир.

Ҳар ким аҳмоқ бўлиш ҳуқуқига эга.

Бутун бойлигимни хотинимга васият қиласман.Faқат бир шарт билан: у мендан кейин турмушга чиқиши керак. Шунда дунёда битта бўлса ҳам менинг ўлимимга йиглайдиган эркак бўлади.

Мен биладиган ягона гўзалик соғлиқдир.

Тўй мусиқалари менга доим уруш олдидан чалинадиган довулни эслатади.

Тумшуқбоғ тутилган ит орқадан хуради.

Ўша кунларда менга ҳар ким дўст эди: улар овқатимни, сўнгги тийинимни мен билан биродарларча бўлишдилар.

Кечмиш – инсон қалбининг ватанидир. Баъзida олдин туйган ҳисларимизни қўмсаб қайғуга ботамиз. Баъзан ҳатто ўтган дардларимизни ҳам соғинамиз.

Изтироблар – ҳатто тасаввурдагиси ҳам – менга оғриқ беради.

Мехр гўзалликдан устундир.

Юморни ақлсизлар уйидан фақат панжара ажратиб туради.

Қилич тақиб юриш урфдан қолгандан сўнг гапга усталик қуролини олиб юриш зарур бўлиб қолди.

Бекорчи одам тўқис бахтни ҳис қила олмайди, унинг юзида ҳамиша норозилик ва ҳафсаласизлик аломатларини кўрасиз.

Талантни биргина белгисида аниқлаймиз-қўямыз, лекин характерни билиш учун узоқ вақт ва давомли мулоқот зарур.

Бизни йифлата олган драматургни мақташга одатланганимиз. Бироқ бу ишни ҳар қандай пиёз уддалай олади.

Танқиднинг кўзлари ёшдан хира тортган пайтда унинг фикри аҳамиятга эга эмас.

Таржимон түфма истеъдод эгаси бўлиши керак. У китобдаги энг муҳим ва энг яхши жиҳатни кўриши ва кўрсата билиши зарур.

Буюк эҳтирос бизни иккинчи бор йўқлаб келиши мумкин, лекин унинг боқийлигига кейин ортиқ ишонмай қўямыз.

Буюк шоирларнинг асарларида иккинчи даражали қаҳрамонлар йўқ. Барча иштирокчилар ўз ўрнида бош қаҳрамондир.

Ҳар бир даврнинг ўз масалалари бўлади, уларни ечиб, инсоният олға қадам ташлайди.

Тугал насрий асар ёзиш учун шеър илмининг ҳам билимдони бўлиш зарур.



Меҳмон

Эшик очилиб, хонага кўк камзулли бола кириб келди. У фоят биққилигидан юриб эмас, думалаб киргандай туюлди.

– Менинг исмим Римас. Сеникига меҳмонга келдим.
Гитис хурсанд бўлганидан сақраб, чаптак чалиб юборди.
– Кел, ўйнаймиз. Менинг иккита пойгачи мошинчам бор, – дея меҳмонга мулоzамат қилди Гитис.

Римас эса ўйинчоқларга қиё ҳам боқмай, хонага бамайлихотир кўз югуртириди.

– Гиламларинг қани? – деб сўраб қолди у.
Гитис бошини тебратиб, жавоб берди:
– Биз гиламни ёқтирамаймиз. Улар чанг тўплайди.
Римас ишонцирамай кулимсиради.
– Йўқ, гилам чанг тўпламайди, балки хонани безайди, – деди у.
Гитис тортишиб ўтиради. У меҳмоннинг кетидан юриб хонани айланар, ўйнаш учун пайт пойларди. Римас бўлса, бирор нарса ахтаринган кишидай жавонни очиб унга кўз югуртириди.
– Бизнинг жавонда олтита биллур қадаҳ бор.
– Бизнинг ёғоч қошиқларимиз бор. Қўлда ясалган. Ярмаркадан олганимиз.

Меҳмон буни яхши ё ёмонлигининг фарқига боролмагани учун индамади.

– Бизникига меҳмонлар келганда, уларга зиёфат қиласиз, – деб қолди Римас.
– Биз ҳам, – бошни қимиirlатди Гитис.
– Нега унда мени меҳмон қилмаяпсан?
– Сен катта меҳмон эмассан-да. Фақат катталаргина меҳмон қилинади.
– Ҳеч-да! Кичикларни ҳам ҳар хил ширинликлар билан меҳмон қиласидилар, улар ҳам меҳмон-да, – дея Римас столга яқин борди.
– Майли! – деганча ошхона томонга чопқиллади Гитис. Ҳеч қанча вақт ўтмай, қулуптнай тўла тақсимча билан қайтди. Қулупнайлар саралаб олингандай тўқ қизил, катта-катта эди.
– Ярми бизга, ярми ойимга, – дея огохлантириди Гитис.

Болалар бир-бирига қарама-қарши ўтириб олдилар. Ўртадаги қулупнайлар чўғдай, кўзни қамаштиради. Иккисининг ҳам қўллари худди мусобақалашаётгандай, идишдан оғизга, оғиздан идишга бориб кела бошлади. Бирпастда идишнинг таги кўриниб қолди.

Гитис ейишдан тўхтаб, нафас ростлади – хўрсинди. Римас эса ўзини стул суюнчиғига ташлади-да, лабларини ялаб:

– Биз қулуптнай устига меҳмон учун шакар сепамиз! – деди.



Algirdas ПОТСЮС

Ёзувчи, сиёсат ва жамоат арбоби. Литванинг энг машҳур ҳикоячиларидан бири.

1930 йил 28 августда туғилган. Қисса ва ҳикоялардан иборат “Асирлар”, “Зира таъми”, “Почтачи Теофилис”, “Барбоска – саёҳатчи” каби китоблари бор. Асосан тарихий мавзуда ва болалар учун ижод қилган.

Русчадан
Чори АВАЗ
таржимаси

– Ҳа-я, сепсак, сепибмиз-да! – рози бўлди Гитис.

У ошхонага чотиб бориб, шакардонни келтирди. Чўғдай қулуптнайлар устини оптоқ қордай шакар қоплади.

– Бўлди! – дея сахий мезбонни тўхтатди Римас. – Шакарнинг ози яхши.

Меҳмондорчилик яна давом этди.

– Мана бу бошқа гаг! – Гитисга миннатдорлик изҳор қилди меҳмон.

Идишда бармоқ билан санаарли қулуптнай қолганда, Римас тумшайиб олди: унга Гитис қулуптнайларни танлаб-танлаб катта-кattаларини еяётгандай туюлди.

– Бунчалик катталарини ема – ёриласан!

– Ўзинг-чи?

– Мен?... мен ўрганиб қолганман, – деди Римас оғзини қулуптнайга тўлдириб.

– Мен ҳам ўрганиб қолганман, – деди оғринганини яширмай Гитис.

Узатган қўли тақсимча тагига теккач, Гитис қулуптнайларнинг ярмини ойисига қолдирмоқчи бўлганини эслади. Тўғри, у меҳмон келиб қолишини билмаганди. Меҳмонга эса зиёфат қилиш керак.

Бўм-бўш идишдан қулуптнайнинг хуштаъм ҳиди анқир, болалар эса жимгина ўтиришарди.

Жимликни Римас бузиб:

– Биз меҳмонларимиз олдига пишириқлар ва чой қўямиз, – деди.

– Пишириқлар билан меҳмон қиласизларми?

– деди анграйиб Гитис.

У стулдан ўрмалаб тушди-да, йўлни яна ошхона томонга солди. Ҳамма ёқни ағдар-тўнтар қилиб ҳам истаган нарсасини топа олмади. Қайтиб чиққанида эса қўлида бир банка асал ва иккита қошиқча бор эди.

Меҳмондорчилик яна давом этди.

Энди қўллар билан қошиқлар ҳам аввалги йўсинда ҳаракат қила бошлади. Асал қиёмига етган эканми, банка яримлаганда меҳмонга ўткирлик қилиб қолди.

– Мен энди кетай, – қўзғалди меҳмон.

Гитис ўйинчоқларини кўз-кўз қилгиси келса-да, уларда меҳмонга ўйинчоқ совға қилиш одати бўлмасин, деган ўйга бориб, Римасни индамайгина эшиккача кузатиб қўйди.

Остонага етгач, Римас мезбонга жиддий тикилди ва:

– Биз меҳмонни кузатаётганимизда, уларга эсадалик учун бирор нарса совға қиламиз, – деди.

– Айтмовдимми! – капалаги учеб кетди Гитиснинг. Наҳотки Римас унинг машиначасини ёки самокатини олиб кетиб қолса? У бошини хам қилганча, индамай тураверди. Шу пайт бирдан кўрдики, Римаснинг ботинкаси лой, ҳамма ёқ оёқ изи эди. Бундан Гитиснинг жаҳли чиқди.

– Бизнигига келган меҳмонлар оёқ кийимини алмаштирадилар. Кимки хоҳламаса, биз унга латта берамиз, марҳамат қилиб оёқ изларини артиб чиқсан, – деди қичқиргудай бўлиб.

Кўк камзул кийган бу семизгина бола шундагина ўзининг лойга булғанган ботинкасига қараб қўйди. Аммо елкасини қисиб, қўлини эшик тутқичига узатди.

– Мезбонлик қилишни билмас экансан. Сенингига бошқа келмайман! – деб эшикка равона бўлди.

– Керак ҳам эмас! Келмасанг келма! – осто-надан қичқириб қолди Гитис. – Келмади, деб йиғламайман ҳам!

Римас аввалига оҳиста қадам ташлаб борди, кейин тезлашди, сўнг югурга бошлади. У югураётганда тўпга, ҳақиқий тўпга ўхшарди.





Навоий яратган құйлар

Хондамир “Хулосат ул-ахбор”да, Бобур “Бобур-нома”да, Мутрибий “Нусхайи зебойи Жаҳонгир”да Алишер Навоий мусиқа илмининг билимдөні бүлгани, теварагидагиларни ҳам соз илмини ўрганишга чорлагани, мусиқалар басталагани ҳақида айтлади. Бирок бу асарларда Навоий айнан қандай мусиқаларни ижод этгани ҳақида аниқ маълумот йўқ.

Буюк шоирнинг қуйларидан баъзилари ҳозиргача етиб келган, деган тахмин бор. Жумладан, Абдурауф Фитрат “Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи” китобида “Қари Наво” ёки “Қари Навоий” куйи ҳақида ёзади: “Бу куйнинг жуда эски бир куй экани ҳар томонда сўйланиб турур. Эшигтганимизга кўра, Фарғонада ҳам “Қари Навоий” исмли эски бир куй бор. Тошкент мусиқачилари бу куйни “Қари Наво” дерлар. Бирок бу исм янгишлар. Алар шул “Қари Навоий” исмини бузуб олғанлар. Бухоронинг эски мусиқашуносарининг орасида бу куй Навоий асари бўлғони сўйланадир. Мана шу маълумотлардан сўнг “Қари Навоий” куйининг Алишер Навоий асари бўлгани эҳтимоли кучланиб қоладир”.

Бу куй билан айтладиган “Шода-шода марварид” қўшиғи жуда машҳур. Ўйноқи, шўхчан бу куй кейинчалик халқ қўшиғи учун ишлатилган бўлиши мумкин.

Google

Дунёда қанча китоб бор?

Етакчи қидирив сайти “Google” дунёдаги барча бадиий, публицистик ва илмий асарларни ҳисоблаб чиқди. Унга кўра, дунёда 129 864 880 та китоб бор.

Бирок бу интернетга маълум китоблар, холос. Кутубхоналардаги ва қўлёзма фондларида жуда кўп китобларни қидирив машинасининг ўткир нигоҳлари “тута олмаган” и аниқ.

Фарзандингиз яхши ўқишини истасангиз...

Ҳалқимизда “Бола – бошидан” деган мақол бор. Яхши тарбия кўрган фарзанд кейинчалик ота-онанинг юзини ёруғ қилиши исбот талаб этмас ҳақиқат. Йел университети олимлари

ўтказған тадқиқот болаларининг таълим-тарбиясига жиддий қарайдиган кишиларни эътиборсиз қолдирмаса керак. Изланишлар учинчي синфгача ёмон ўқиган болаларнинг тўртдан уч қисми ўрта мактабни битиргунича ўқишишни шу тахлит давом эттиришини кўрсатди.

Демак, ана шу вақтда – бола учинчи синфга етиб олгунча унинг ўзлаштиришига кўпроқ диққат қаратиш зарур.



Ориф ТОЛИБ
тайёрлади.